

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Эксперт кенгаши раиси

т.ф.д. профессор

_____М.М.Мадазимов

«_____»_____2025й.

Худайбердиева Лазиза Санжаровна

**ЎЗБЕК ТИЛИДА НОМИНАТИВ БИРЛИКЛАРНИНГ
ДАРАЖАЛАНИШИ
(монография)**

Андижон - 2025

УДК 811.512.133

Муаллиф:

**Худайбердиева Лазиза
Санжаровна**

Андижон давлат тиббиёт институти
хорижий тиллар кафедраси доценти

Такризчилар:

**Яхшибоева
Гулбахор
Ойбековна**

Андижон давлат тиббиёт институти
хорижий тиллар кафедраси доценти

**Воситов
Валижон
Араббаевич**

Андижон давлат чет тиллари
институти профессори

Монография Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши
томонидан 2025 йил _____ мартда _____ сон баённома билан тасдиқланган
ва нашрга тавсия этилган.

**АДТИ Эксперт кенгаш котиби
т.ф.д., доцент**

Тен Д.В.

АННОТАЦИЯ

Монографиянинг асосий мақсади жаҳон ва ўзбек тилшунослигида номинация жараёнига бағишланган илмий тадқиқотларни ўрганиб чиқиш унинг моҳияти, реаллашуви ва даражаларини очиқ беришдан иборат. Ушбу монографияда номинациянинг инсон билиш фаолиятидаги ва тил системасидаги ўрнига аниқлик киритилди, денотат ва сигнификат орасидаги муносабатларнинг номинация жараёнида акс этиши ёритилди, иккиламчи номинация турларининг келиб чиқиш ҳолатлари таснифланди, иккиламчи номинациянинг универсал табиати очиқ берилди, номлашда бир неча даража-босқич бўлиши мумкинлиги исбот этилди, учламчи номлар моҳияти кўрсатилди.

Ушбу монография тилшунослар, филологлар, талабалар учун мўлжалланган.

АННОТАЦИЯ

Основная цель монографии – рассмотреть научные исследования, посвященные процессу номинации в мировом и отечественном языкознании, раскрыть его сущность, реализацию и уровни. В монографии выясняется место номинации в познавательной деятельности человека и в системе языка, объясняется отражение связи денотации и сигнификации в процессе номинации, классифицируются случаи возникновения вторичных типов номинации, раскрывается универсальный характер вторичной номинации, доказывается, что может быть несколько уровней номинации, раскрывается сущность третичных наименований.

Монография предназначена для лингвистов, филологов и студентов.

ANNOTATION

The main purpose of the monograph is to study scientific research on the process of nomenclature in world and Uzbek linguistics and to reveal its essence, realization and levels. This monograph clarifies the place of nomenclature in human cognitive activity and in the language system, explains the reflection of the relationship between denotation and signification in the nomenclature process, classifies the cases of origin of secondary nomenclature types, reveals the universal nature of secondary nomenclature, proves that there can be several levels in nomenclature, and shows the essence of tertiary nomenclature.

This monograph is intended for linguists, philologists, and students.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбек тилшунослигида сўз маъноси тадрижга бағишланган қатор ишларда номинация борасида айрим фикрлар мавжуд бўлса-да, номинацияни махсус, монографик планда ўрганишга бағишланган тадқиқот ҳали юзага келган эмас.

Номинация гносеологиянинг таркибий қисмидир. Инсон билиш жараёнининг механизми эса буни ўрганиш билан махсус шуғулланувчи фанлар доирасида ҳам тўла-тўқис очиб берилган деб бўлмайди. Тилшуносликда эса сўз ясалиши, унинг усуллари, механизми, сўз ясалиши сабаб ва натижалари орасидаги муносабатлар масалалари эндигина ҳал қилинмоқда.

Ана шундан келиб чиқиб, номинация нима, унинг қандай турлари бор, қандай даражаланади, атамавий ва гносеологик вазифалари қандай деган саволлар жавобсиз қолиб келмоқда. Шу саволларга жавоб бермай туриб, фаннинг бутунги босқичида ономасиология, семасиология, лексикография ва қатор бошқа соҳалар ривожини тасаввур қилиш қийин. Бу эса танланган мавзунинг фақат ўзбек тилшунослиги учунгина эмас, балки умумий тилшунослик учун ҳам долзарб эканлигини кўрсатади.

Монографиянинг асосий мақсади жаҳон ва ўзбек тилшунослигида номинация жараёнига бағишланган илмий тадқиқотларни ўрганиб чиқиб унинг моҳияти, реаллашуви ва даражаларини очиб беришдир. Бу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар ҳал этилди:

- номинация борасидаги турлича қарашлар таҳлил этилди;
- номинациянинг гносеологик табиатини очиб берилди;
- тилнинг атамавий ва гносеологик вазифаларидаги ўзаро муносабатлари кўрсатиб берилди;
- тўғри атамаларнинг хусусиятлари очиб берилди;
- номинациянинг даражали табиати ёритилди;
- иккиламчи номларнинг хусусиятлари ва турлари аниқланди;

— учламчи номларнинг номинация жараёнидаги ўрни кўрсатиб берилди.

Илмий янгилик.

— номинациянинг инсон билиш фаолиятидаги ва тил системасидаги ўрнига аниқлик киритилди;

— денотат ва сигнификат орасидаги муносабатларнинг номинация жараёнида акс этиши ёритилди;

— иккиламчи номинация турларининг келиб чиқиш ҳолатлари таснифланди;

— иккиламчи номинациянинг универсал табиати очиб берилди;

— номлашда бир неча даража-босқич бўлиши мумкинлиги исбот этилди;

— учламчи номлар моҳияти кўрсатилди.

Монографиянинг методологик асосини диалектик билиш назарияси, диалектиканинг айримлик — хусусийлик — умумийлик, тур-жинс категориялари амали билан боғлиқ қонунлари ташкил этади.

Монографияда тавсифлаш, таснифлаш, анализ ва синтез қилиш, компонент таҳлил, оппозицияга қўйиш каби методлардан фойдаланилди.

Монография назарий тилшуносликнинг сўз ясалиши, лингвопоэтика, ономасиология, семиотика, семасиология каби йўналишларида юзага келувчи илмий ишлар учун маълум даражада назарий манба бўла олади.

Шунингдек, монографиядан филолог — талабаларга «Лексикология», «Услубиёт» каби фанларни ўтишда фойдаланиш мумкин. Иш луғат тузувчилар учун ҳам назарий қўлланма бўлиб хизмат қила олади.

I БОБ НОМИНАЦИЯ ВА ГНОСЕОЛОГИЯ

1-§. Тилнинг аташ ва гносеологик вазифаларидаги ўзаро

муносабатлар

Кишилик жамияти доимо ривожланишда, тараққиётдадир. Цивилизация тарихи шуни тасдиқлайдики, стагнация жамиятнинг ўзгаришига ёки бутунлай йўқолиб кетишига олиб келади. Жамиятнинг ривожланиши эса ўз хусусиятлари, мазмуни, мақсади ва йўналишларига кўра турлича кечади. Ижтимоий — сиёсий, илмий — техникавий тараққиёт жамиятнинг қиёфасини белгиловчи асосий ходисалар саналади. Бир сўз билан айтганда, ижтимоий соҳалардаги ўзгаришлар инсонларнинг яшаш қобилияти динамикасини белгилайди.

Жамиятнинг ривожланиб бориши дамда инсондаги билим доирасининг муттасил равишда кенгайиб туриши тилда бу жараёнларнинг доимо янги атама (ном)лар билан ифодаланиб туришини талаб қилади.

Номлар, уларнинг табиати ва механизми, номлашнинг восита ва турлари билан шуғулланадиган фан ономасиология деб аталади.

Тилшунос олим В.Матезиуснинг фикрича, моддий оламни ташкил этувчи элементларни номлаш восита ва усулларини ўрганиш ҳам ономасиологиянинг бош вазифаларидан бири саналади.

Бир хил моддий олам бирликлари дунё тилларида турлича номлар билан аталади. Улар ўзларининг ўлчамлари билан бир — биридан фарқ қилади. Лингвистик кузатишлар шуни кўрсатадики, тилнинг барча сатҳлари номинация жараёнида фаол иштирок этади.

Нутқ товушлари, нутқ ўзгаришлари ҳамда морфология аташ (номинация) жараёнининг ажралмас таркибий қисми саналади.

Сўз яшаш ҳодисаси ҳам ўз навбатида аташ (номинация) жараёни билан чамбарчас алоқада бўлади. Ономасиологик нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, сўз яшашнинг барча воситалари аташ (номинация) талаблари натижасида юзага келган.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, XX асрда номлар табиати ва ҳосил бўлиш механизми тўғрисидаги илмий қарашларда кескин ўзгаришлар содир бўлди. Тил бирликларини ўрганиш доираси кенгайди. Сўзни ўрганишда янгича концепциялар юзага келди, ономасиология тушунчаси чуқурлашди.

Номларнинг табиати ва механизмини адекват ўрганиш мақсадларида фалсафий ва мантикий мезонлардан фойдаланиш тилшуносликда янгидан —янги фаразларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Илмий тадқиқотларни атайлаб қатъий чегараланган шаклларга солиш ҳодисаларга илмий жиҳатдан объектив баҳо беришга тўсқинлик қилиши мумкин.

Нарса ва ҳодисаларга қўйилган номлар гносеологик жиҳатдан кўриб чиқиладиганда, ушбу ҳолатни ҳисобга олиш экстралингвистик факторларни тил факторларига айлантириш ишига ёрдам беради. Бунинг пировард натижасида улар инсонлар учун тушунилиши осон бўлган белгилар сифатида юзага чиқади. Бу жараён ўз —ўзидан камдан —кам равишда содир бўлади. Сўзнинг мазмун плани гносеологик континиумда юзага келади. Бу жараённинг босқичлари нарса ва предметларни билиб олишнинг асосий даврларига тўла мос тушади. Сўзнинг мазмун плани хусусиятлари мазкур босқичларда намоён бўлиб бораверади.

Нарса ва предметларни номлаш механизми барча фанлар жумладан, мантиқ ва фалсафа) учун қизиқарли саналади.

Биринчи галда у моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларни ментализация қила олиш хусусиятига эга бўлган имменент — ноёб ҳодиса эканлиги билан диққатга сазовордир.

Инсон оламини билиш учун моддий ҳодисаларни идеаллаштиради, кўриш ва қўл билан ушлаш, сезиш мумкин бўлган ва бўлмаган нарсаларни абстракциялайди. Улар тўғрисида тушунчалар ҳосил қилади, чуқур ўрганади ва бунинг пировард натижасида уларни номлайди. Айрим

ҳолларда ҳодисаларни ўрганиш жараёнининг кетма—кетлиги чегараланмаган бўлиши мумкин, лекин бу нарсa гносеологик жараёнга зарар етказмайди. Ном (атама) нинг ўзгарувчан табиати тушунчадаги ахборотни енгил ва динамик равишда такомиллаштириш учун ёрдам беради.

Фикримизни **ядро** (ўзак, марказ) сўзи мисолида исбот қилишимиз мумкин. Бу сўз анча кенг маънога эга. Унда бизнинг атама имкониятлари ҳақидаги билимларимизни тўлдиришга қаратилган маълумот йўқ, бироқ унинг маъноси устида бош қотириб кўрилганда шуни сезиш мумкинки, **предмет-тушунча-сўз** босқичларидан иборат бўлган анъанавий уч поғонали аташ ҳодисаси биздан унга янгича ёндашувни талаб қилади. Бу каби семантик учбурчак буюмларнинг объектив жойлашувига таъсир қилмайди. Бундан ташқари, унда инсоннинг гносеологик интилишларини ифодалашга қаратилган аниқ мақсад бор. Бунинг тасдиғини кундалик ҳаётимизда ва нарсa — ҳодисаларни ҳиссий жиҳатдан билишимизда учратишимиз мумкин.

Баъзи бир ҳолларда кўп босқичли жараёнларни соддалаштириш ёки мураккаблаштириш номлаш схемасининг камчилиги ҳисобланади.

М.Фасмернинг машҳур изоҳли луғатида **ядро** сўзининг учта маъноси берилган.

1. Рус шеваларида: **ядро, мазмун, куч; чех тилида: ядро, марказ**
2. Русча черков тилида: **елкан, мачта; сербохорват тилида: елкан; словенчада: ўшандай.**
3. Қадимги рус тили: **қаър, ер ости.**

Ҳозирги рус тилида ядро сўзининг биринчи маъноси фаол ишлатидади. У бирор нарсa ёки ҳодисанинг марказий қисмини ифодалайди. Шу билан бирга, ҳарбий ва сиёсий атама сифатида ҳам ишлатилади. Кўриниб турибдики, эволюция жараёни натижасида ядро сўзининг маъноси анча кенгайди. XX асрга келиб ушбу сўз буюмлар

тузилишидаги асосий таркибий қисмни ифодалай бошлади, яъни метафора усули билан маъно кўчиш ҳолати рўй берди. Кейинги маъно олдинги маънога ўхшашлиги учун ҳам айнан мана шу усулдан фойдаланилган. Ядро сўзидаги маъно компонентларини чуқур таҳлил қилиш унда маъно кўчишнинг бошқа йўллари ҳам борлигини кўрсатмоқда.

Ядро сўзининг физик атама сифатида тилга киритилиши у билан боғлиқ бўлган кўплаб янги сўз ва ибораларнинг пайдо бўлишига олиб келди. **Ядро физикаси, ядро реакцияси, ядро бомбаси, ядронинг парчаланиши, ядро зарбаси** каби иборалар шулар жумласидандир.

Янги пайдо бўлган кўчимларнинг матнларда кўп қўлланиши ҳамда бир қатор сифат ўзгаришларига учраши тез орада унинг автономлашишига олиб келади. Кўпинча у табиий равишда амалга ошади, аммо кейинчалик семантик ўзгариш натижасида лексик бирлик «оғирлик маркази» нинг алмашиши кузатилади. Иерархик етакчилик босқичма — босқич энг сўнгги таркибий қисмга ўтади. Олдинги маъно тилда омоним ёки архаизм сифатида таърифлана бошлайди. **Дам-нафас, дам-иссиқ, дам-лаҳза. дам-темирчилик атамаси** ҳолатида бунинг исботини кўрамиз. Бу каби жараёнлар сўздаги _шаклий ўзгаришларга ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Мисол учун юқорида келтирилган **ядро** сўзи асосида ҳосил қилинган **ядерный** сифати В.Даль лутатида **«жанговар ядроларга тегишли»** деб изоҳланади.

XX асрда бу сўз физик, ҳарбий — техникавий ва сиёсий мақсадларда шунчалик кўп ишлатилдики, унинг В.Даль замонидаги **чўян ва тош** билан боғлиқ маъноларини ҳеч ким эсламай қўйди.

Бу каби мисоллар аташ (номинация) жараёнида гносеологик - актларнинг ўхшашлиги ва ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги баъзи бир хулосаларни қилишга имкон беради. Аташ акти нафақат белгилаш - жараёнини, балки бир вақтнинг ўзида ўрганиш жараёнини ҳам ўз ичига олади, лекин шунинг ҳам ҳисобга олиш зарурки, аташ ва носеологик актлар

ўртасида координал фарқлар ҳам мавжуд бўлади. Гносеологик актнинг бош вазифаси ҳиссий ва илмий билим орқали нарс ва предметларга хос бўлган белги —хусусиятларнинг тўла тўпламини ўрганишдан иборатдир.

Гносеологик акт туфайли кузатилаётган объектга хос бўлган белги — хусусиятлар адекват тарзда ўрганилса, аташ актида нарс ва предметларни умумий хусусиятларига кўра бир туркумга жамлаш ёки алоҳида белгиларига кўра уларни ажратиб кўрсатиш имконияти юзага келади. Маълум бир туркумни ифодалаш учун ишлатилган белги шу туркумга мансуб бўлган нарс ёки ҳодисалар учун муҳим саналмаслиги мумкин, лекин бу белги улар билан мутаносибликда бўлиши шарт. Аташ (номинация) чоғида эса белгининг муҳим ёки муҳим эмаслиги асосий мезон бўла олмайди.

Денотатни ташкил қилувчи барча белгилар янги жисм ёки жисмлар синфини аташ учун асос вазифасини ўташи мумкин. Масалан, **ядро** сўзининг семантик ўзгаришларида унинг марказий маъноси асосий туртки вазифасини ўтаган.

Умуман олганда, оламдаги нарс ва предметларни аташ жараёни уларни билиш жараёни билан чамбарчас боғлиқдир. Инсон билиш - жараёнида нарс ва предметларга хос бўлган белги ва хусусиятларни аниқлаб боради, предметларни номлашда эса мазкур белгилардан етакчи мавқега эга бўлганини танлайди. Шу тариқа ҳар қандай нарс ва ҳодиса инсон томонидан ўзининг муносиб атамасини, номини олади.

2-§. ТЎҒРИ НОМЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тил инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни юзага чиқарувчи қудратли восита, алоқа қуроли сифатида инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Тилнинг ижтимоий вазифасини таъминлашда унинг аташ (номинатив) жиҳати катта ўрин тутаети.

Оламдаги нарса ва ҳодисалар сон — саноксиз белги —хусусиятларга эга саналади. Инсон ўзининг амалий фаолияти жараёнида уларга хос бўлган барча хусусиятларни бирданига идрок эта олмайди. У ўзининг сезги аъзолари ёрдамида оламдаги нарса — ҳодисаларнинг ўзига хос белги — хусусиятларини кашф этиб боради. Бу жараён давомида инсон нарса ва предметларнинг янгидан — янги белгиларига дуч келади ҳамда буни ўз тилида акс эттиради. Тилнинг аташ (номинатив) табиатида бу ҳодисани яққол кузатиш мумкин.

Инсон ўзи кузатаётган нарса ва ҳодисанинг барча хусусиятларини аста —секин билиб олади, уларни гуруҳлаштиради, шу гуруҳ ичидаги маълум бир нарса ёки ҳодисагагина хос бўлган фарқланувчи ҳамда ўхшаш белгиларни топади. У бунга абстракциялаш туфайли эришади.¹

Тилнинг аташ табиати муайян бир предметгагина хос бўлган алоҳида ҳамда шу туркумдаги барча предметларга тааллуқли саналувчи умумий белгиларни ҳисобга олиш билан характерланади. Инсон янги предметларни билиш жараёнида уларга хос бўлган ҳар қандай ўзгаришларни ўзида акс эттириб боради ва кузатилаётган объектни бир бутун ҳолда гавдалантиради. Шу объектга турдош бўлган барча объектларнинг айнан мана шундай белги — хусусиятларга эга эканлигини абстракциялайди. Айнан мана шу босқич предметни эмпирик билишнинг дастлабки босқичи сифатида тилнинг аташ (номинатив) вазифасини белгилашда муҳим урин эгаллайди.

¹ Уфимцева А.А. Слова в лексико-семантической системе языка.-М.:Наука.1968. С.53-54

Б.А.Серебренников «Инсон предметга ном беришдан олдин ўз онгида унинг умумлашма образини яратади» деган фикрни илгари сурган эди. Мазкур ҳолатни изоҳлар экан, у шуни алоҳида кўрсатиб ўтадики, билишнинг биринчи босқичи саналган ҳис қилиш босқичида инсон нарса ва предметларга хос бўлган белги —хусусиятларнинг айрим жиҳатларинигина сеза олади. «Ҳис қилиш беҳисоб такрорлар орқали юзага чиқади. Бу нарса бўлмаганда эди, ҳис қилишнинг ҳар бир ҳолатида инсон турлича натижаларга эришиши муқаррар ҳодиса саналарди.¹

Б.А.Серебренников яна шуни ҳам алоҳида таъкидлайдики, ҳис қилиш босқичи билишнинг кейинги босқичлари ҳисобланган идрок, тасаввур этиш ҳамда тушунчадан хитой девори ёрдамида ажратилган эмас. Аташ жараёнини шунга асосланган ҳолда носеологик характерга эга бўлган ҳодиса сифатида ўрганиш мумкин.

Г.В.Колшанскийнинг фикрига қараганда, «муомала — муносабатнинг энг оддий кўриниши ҳам аллақандай нарса ва ҳодисалар устида инсоннинг ихтиёрсиз равишда фикр юритиши эмас, балки уларнинг туб маъносини билишга қаратилган фаолияти ҳамдир. Ном (атама) бир вақтнинг ўзида предметни билиш жараёнидир.²

В.В.Виноградов томонидан илк бор айтилган тил номинациясига нисбатан бўлган қуйидаги муносабат мазкур масалани диққат билан қараб чиқишни талаб қилади. «Сўз маъноси шу сўз афодалаётган предмет, ном ва унинг предметга нисбатан бўлган мутаносиблиги билан чегараланмайди».³

1 Серебренников Б.А. Номинация. Проблема выбора. Языковая номинация.-М, 1979. С.-148

2 Колшанский Г.В. Соотношение субъективных и объективных факторов в языке.-М: М-во высш.и сред. образован. 1975. С.-65

3 Виноградов В.В. Русский язык.-М.: Наука,1972. С.-16

Тил белгиларининг ёрлиқлар ва шунга ўхшаш бошқа белгилардан асосий фарқи шундаки, улар ўзлари алоқадор бўлган объектларга тўла мутаносиб, шу билан биргаликда ўзида бир — бирига ўхшаш бўлган предметларнинг умумлашма белгиларини ҳам этган тугунчага мос саналади ҳамда борлиқни билвосита акс эттира олади.

Ўзи тажассум топган шакл ва у орқали ифодаланадиган тушунча ёрдамида тил белгиси предмет билан узвий алоқада бўлади.

Масалан, гул сўзи ўзига хос равишда шаклланган товушлар йиғиндиси сифатида ердан ўсиб чиққан ўт — ўланларнинг, дарахтларнинг маълум бир пайтда очиладиган мева тугунчасининг илк кўринишини ифодалайди. **Гиламнинг гули, йигитларнинг гули, миллатнинг гули** бирикмаларида эса шакл ҳолатга зид равишда бутунлай бошқа бир маъноларни юзага чиқармоқда.

Белгининг предмет ва тушунчага мос келиши ҳақидаги масала азалдан тилшунос олимларнинг диққат — эътиборини ўзига жалб қилиб келади.

Анъанавий тилшуносликда «предмет ва тушунча», формал логикада «тугунчанинг ҳажми ва мазмуни,» математик мантиқ ва тилнинг мантиқ назариясида — Д.С.Миллда «ифодалаш (nominatum) ва маъно (connotation)», Г.Фрегеда «маъно (Bedeutung) ва фикр Sinn)», Р.Карнапда «экстенционал (extension) ва интенционал intension)», У.Куайнда «референция (reference) ва тушунча (sense)», А.Черчда «денотат (Denotatum) ва сигнификат (Signifikatiim) лар бир — бирига қарама — қарши қўйилган.¹

Шунга ўхшаш ҳолатни рус тилшунослигида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, сўз семантикасидаги предмет ва унга мос келадиган мавҳумий маънолардан ташкил топган тушунчани талқин қилишда бир хиллик йўқ.

1 Уримцева А.А. Типы словесных знаков.-М.:Наука,1974.С.-46

Масалан, сўзнинг билиниб турган ва яширин маънолари, сўз маъносидаги денотатив ва сигнификатив жиҳат каби қарашларга дуч келамиз.¹

Моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ифода ва мазмун томонларини аташда терминологик фарқларнинг зарурийлиги ҳақидаги фикрлар Г.В.Колшанскийнинг ишларида изчиллик билан келтирилади.

Г.В.Колшанский моддий оламни предмет ва тушунча сифатида алоҳида ҳодисаларга ажратар экан, тушунчани реал объектнинг белгиси деб талқин қилади: "денотат қайсидир предмет ёки объектнинг ўзига хос моддий белгиси саналади, бунинг тил бирлиги сифатида тафаккурда инъикос этиши эса сигнификатдир".²

Тил номинациясининг гносеологик характери реалиялар мансуб бўлган объектлар синфи ва улар ичидан олинган ҳар бир алоҳида нарсанинг аташ учун мавжуд бўлган турли хил қирраларини аниқлашда намоён бўлади.

Аташ учун мавжуд бўлган нарсалар гуруҳининг реал объектига, яъни денотатга хос бўлган белгилар лексик ёки грамматик сатҳга оид у ёки бу birlik сифатида инсон онгида тушунча (сигнификат) шаклида яшайди. Борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг сўз семантикасида акс этиши мураккаб ҳамда кўп қирралидир.

Номинация жараёни ва унинг натижаларига батафсил баҳо беришда бир қатор уринишлар мавжуд.

Мантиқ назарияси тарафдорлари сўзнинг денотатив ва сигнификатив хусусиятларига қараб баҳо беришга ҳаракат қилиб кўрганлар.

1 Уфимцева А.А. Типы словесных знаков.-М., 1974.С.-146

2 Колшанский Г.В. Лингво-гносеологические основы языковой номинации. //Языковая номинация (Общие вопросы).М., 1979.

Жумладан, Д.С.Милль ном (атама) нинг адекват бўлинишларини қайд этган ҳолда тил белгиларининг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатади:

1. Хактери ва объектни ифодалаш ҳажмига кўра қарама-қарши қўйилган номлар.

2. Мавҳум номларга қарама-қарши қўйилган аниқ номлар (Мисол учун, инсоният-инсон)

3. “Ахборот” даражасида коннотатив маъно билдирмайдиган, лекин хактерига кўра семантик мазмунга эга бўлган номларга зид қўйилувчи коннотатив номлар.

Масалан “оқ” сўзи оқликнинг мавҳум белгисини билдиради (connotes) ва барча оқ рангли предметларни англатади (denotes). Атоқли отлар эса ўзлари ифодалаётган нарсанинг сифатлари ҳақида ҳеч қандай ахборот ташимайди. Масалан, Анвар, Тошкент, Боботоғ каби. Худди шу хусусиятига кўра улар коннотатив маънога эга бўлмаган сўзлар сирасига киритилади.

Юқоридагилардан шу нарсa келиб чиқадики, Д.С.Милль фақат денотатив ва сигнификатив компонентлардан ташкил топган тўлиқ маъноли сўзларнигина коннотатив ном деб атаиди.¹ У коннотацияга сўз маъноси сифатида юқори баҳо беради.

Гарчи турли хил қарашлар нуктаи назаридан ёндашилган бўлса —да, ғоявий сатҳга кирувчи маънони ҳақиқий тил омили, шу маънога тааллуқли бўлган предметни эса бизни ўраб турган оламнинг феномени сифатида ажратиш семантика билан шуғулланиб келаётган кўплаб тадқиқотчиларнинг диққат —эътиборини ўзига жалб қилди.

Мазкур масаланинг моҳиятини англаб етиш, аввало, «маъно» ва унинг табиатини тўғри тушунишга боғлиқ.

¹ Бу ўринда «сифат» ни парчалаган ҳолда унинг таркибига кирувчи бир қатор билиниб турадиган ва билинмайдиган белгиларни ҳам ҳисобга олиш мумкин эди.

И.Огден ва А.Ричардслар маъно остида тушунчанинг предметга мутаносиблигини, Фердинанд де Соссюр белгининг системага алоқадорлигини, К.Волер белги реакциясини, Ч.Моррис белгини кўллаш қоидаларини, А.Блумфильд сўзловчи ва тингловчи муносабатларини, яъни «стимул —реакция»ни, А.Мартине «жараён унсурлари»ни, Л.Ельмслев «сўзнинг ифода плани ва мазмун плани»ни, В.А.Звегинцев «амалдаги сўзлар кўшилмасининг потенциал йиғиндиси»ни тушунишган. Бу борада Э.Косериу қизиқарли фикрни ўртага ташлаган. У генератив тилшуносликнинг трансформациячилар деб номланган оқими тарафдорлари томонидан фарқланмаган «белги» (Bezeichnung), «маъно» (Bedeutung) ва «фикр» (Sinn) ни бир —биридан ажрата олди. Э.Косериунинг фикрича, моддий дунёдаги объектларга нисбатан ўтган муносабатига кўра белги ҳеч нарса эмас. Тилнинг моҳияти мазмун орқали юзага чиқади. Фикр —белги ва маъно орқали вужудга келадиган тил кўринишидир.¹

Номинация жараёнининг моҳиятини тўла англаб етиш учун моддий оламдаги турли —туман объектлар — денотат ва тил шаклида намоён бўлувчи тушунча —сигнификат ўртасидаги муносабатларни мукаммал билиш талаб этилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, сўзни ҳеч қачон ёрлиқлар ва этикеткалар билан тенглаштириб бўлмайди. Сўзга бундай муносабат уни умумлаштириш, интеграциялаш каби имкониятлардан маҳрум қилади.

Мантиқан олиб қаралганда, сўзга нисбатан бўлган бундай ёндашув тилдаги луғат жамғармасининг кескин ортиб кетишига, ннсоннинг эслашдаги рухий —жисмоний имкониятларига кўра энг оддий мулоқотларда ҳам алоқа — аралашувнинг амалга ошмаслигига сабабчи бўлади.

1 Coseriu E. Die Lage in der Linguistik. Insduck. 1973

Агар ҳаётимизда пайдо бўлаётган ҳар бир нарсага янги ном бераверсак, уларни алоҳида атамалар билан номласак, тилдаги луғат таркибини назорат қилиб бўлмай қолади.

Бунинг олдини олиш учун дунёдаги ҳар бир жонли тилда унинг ажралмас белгиси саналган номинатив таснифий вазифа амалиётга кенг тадбиқ этилади. Мазкур ҳолатни чуқур билиш учун аташ номинация) жараёни босқичларини бирма —бир кўздан кечириб чиқиш лозим.

Инсон тафаккури объектив олам ҳақидаги хулосаларни умумлаштириш хусусиятига эга. Шу боис моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларни умумий хусусиятларига кўра муайян гуруҳларга ажратиш, улар ичидан олинган предметнинг белгиларини эса қатъий чегаралаш имконияти бор. Масалан, дарё. Муттасил равишда сув оқиб турган, ўз ўзанига эга бўлган ҳар қандай сув ҳавзасига дарё дейилади, лекин жойлашган жойи, узунлиги, унда оқаётган сувнинг ҳажми, хусусиятларига кўра Амударё, Сирдарё, Энасой, Волга, Дунай деб ажратилади.

Номинатив белгининг характери ва чегараси белгининг қуйидаги икки вазифаси асосида аниқланади:

1. Унинг предметга нисбатан мутаносиблигига кўра юзага чиқадиган денотатив вазифаси асосида.

2. Тушунча билан алоқадорлиги асосида юзага чиқадиган сигнификатив маъно асосида.

Денотат ва сигнификатнинг ўзаро алоқадорлиги негизида сўз маъноси намоён бўлади.

Номинация жараёнини тушунишда моддий оламдаги объектлар билан уларнинг денотатлари орасидаги алоқани билиш муҳим аҳамият касб этади. Сабаби уларнинг миқдорини амалий жиҳатдан аниқлашнинг иложи йўқ. Масалан, кечаси осмонда милтираб турган дар қандай осмон жисмига юлдуз деб қаралади. Эстрада юлдузи, погондаги юлдуз, юлдуз расмини чизмоқ каби ҳолатларда эса денотат ва унга боғлиқ равишда

сигнификатнинг ўзгарганини ёзишимиз мумкин.

Номинатив жидатдан нарса ва предметларни туркумлаш, бир вақтнинг ўзида уларни умумлаштириш ҳамда жамлаш мумкин. Бу жараёни машина сўзининг семантикасини таҳлил қилиш орқали кузатамиз.

Маълум бир иш — ҳаракатни юзага келтирадиган энергияни ҳосил қилувчи механизмга **машина** дейилади.

Инсоният ўз тараққиёти давомида машиналарнинг шундай кўп турларини яратдики, улар ичида энг моддий қурилмалардан тортиб компьютерлар орқали бошқариладиган мураккаб қурилишга эга бўлган замонавий агрегатларгача бўлган механизмлар мавжуд.

«Машина» номи билан аталувчи бир нечта объектларни кузатиш орқали мазкур сўзга хос бўлган белги —хусусиятлар аниқланади.

1. «..кекса қоровул машинани кечқурунга созлай олмасдан маёкни алмаштириш чоғида вафот этди. Шунда унинг хотини икки ёш боласини кечаси билан машинани қўлида айлантриб чиқишга мажбур қилди. Бунинг учун унга «Легион фахрийси» орденини бердилар» (А.Блокнинг онасига ёзган мактубидан). Бу парчада машина сўзи орқали доимий равишда ёруғлик оқимини вужудга келтириб турадиган қурилма назарда тутилган.

2. «..Эндиликда шаҳардан тортилиб то ўтлоқзорларгача чўзилган, ўрмон ичига кириб кўринмай кетган, ораларида қуш зарралари учиб юрган қўшалок рельс йўли бўйлаб ҳар куни икки мартаба оқ тутун кўринади ва машина ҳуштак чалиб ўтади». (А.Н.Толстой, «Терентий Генералов»). Келтирилган мисолда машина сўзи паровоз маъносида келяпти.

3. «..Офтобда қорайиб кетган капитан машинани секинлатиш ҳақида буйруқ берди. (А.Н.Толстой «Бўрон»). Бу гапта машина сўзи пароход двигатели маъносида ишлатилган.

Машина атамаси орқали мазкур лексема маъносидаги сифат

ўзгаришлари ҳам ифодаланади.

4. «...Яқиндагина даҳшатли саналган қорамтир-қўнғир рангли машина бир умрга стволини қаққайтирганича жарликда қийшайиб ётарди» (М.Шолохов. «Улар Ватан учун жанг қилдилар»). Машина бу ерда танк маъносини англатяпти.

5. « Америкалик Оуэн ўзининг товуш чиқарадиган машинасини намойиш этиш мақсадида Европага ташриф буюрди» (О.Васильев «Британия билан учрашув»).

О. Васильев машина сўзини граммофон маъносида ишлатган.

6. Эргономика фанида материя, энергия ёки информацияни ўзгартириш мақсадида ишлатиладиган ҳар қандай қурилма машина дейилади.

Металлга ишлов бериш орқали маҳсулот тайёрлайдиган дастгоҳ ҳам, материянинг ички ёнув двигатели ёрдамида ҳаракат қилиш шакли бўлган автомобиллар ҳам, электр энергиясини ҳосил қилувчи аккумуляторлар ҳам, тингловчига юқори частотали электромагнит сигналларини ахборот тарзида етказувчи радиоприёмниклар ҳам машина ҳисобланади (Ю.Т.Алексеев Эргономика — амалий фан», М., 1979)

Юқоридаги мисоллардан англашиладики, машина сўзининг денотата маълум бир вазифани бажариш учун энергия ҳосил қилувчи нотабий имкониятларга эга бўлган барча объектларни ўзида жамлайди.

Бундай объектларнинг техник жиҳатдан мунтазам равишда такомил топиб бориши номнинг сақланиб қолиши учун асло ҳалақит бергани йўқ, аксинча, бир пайтлари ўта содда саналган иш қуролларини ифодалаган машина сўзи механизмларни такомиллаштириш жараёнида юзага келган мураккаб агрегатларни аташда ҳам давом этмоқда.

Машина сўзи мисолида инсон тафаккурининг абстракция қила олиш ҳамда умумлаштириш хусусиятлари намоён бўлмоқда. Бу эса ҳар бир жонли тилнинг ўзига хос, ажралмас белгиси саналади.

Абстракциялаш ва умумлаштириш орқали барча белгилар ичидан предметлар туркумини ўзида бирлаштирган белгини топиш мумкин бўлса, иккинчи томондан маълум бир объектни бошқаларидан ажратиб туришга асос бўлган ҳамда минимал белгилар сонини аниқлаш осон кечади. Мана шу белгилар миқдорини денотат ёки аташ объекта дейиш мумкин.

Г.В.Колшанскийнинг фикрича, «номинация моддий предметларни ифодаловчи лингвогносеологик акт саналади. Моҳиятига кўра эса у аниқ бир нарсани ифодалаш учун эмас, балки бир қанча ходисаларни қамраб олган, сўз маъноси учун умумий, мавҳумий характер касб этадиган ифодалаш усули саналади. Бунда ифода кўламининг кенглиги ёки торлигига алоҳида диққат қилинади.¹

Объектларга тегишли бўлган белги — хусусиятлар тафаккур ёрдамида аниқланади ва идеал шакл сифатида сигнификатда қайд этилади. Бундай белгилар ҳар бир объектда мавжуд бўлади. **Машина** сўзидаги бундай белгилар қаторига **нефть, бензин, кўмир, электр токи** ва шу каби энергия ҳосил қилиш учун ишлатиладиган қўшимча механизмларни, яратилиш вақтини, ихтирочисини, ҳаракат тамойилларини ва шу кабиларни кўрсатиш мумкин.

Том маънодаги белги ҳамиша якка предмет ёки ҳодисани эмас, балки предметларнинг бутун бир туркумини, гуруҳини англатади.

Сўзнинг предметлик маъноси остида шу предмет мансуб бўлган предметларнинг бутун бир туркуми ётади. Бу эса номинативлигининг бош хусусияти саналади. Тил бу хусусиятдан маҳрум бўлганда эди, унинг коммуникатив ва гносеологик вазифалари йўққа чиққан бўларди. Бунинг исботини **стол** сўзи мисолида кўришимиз мумкин.

1 Колшанский Г.В. Лингво-гносеологические основы языковой номинации. Вкн. Языковая номинация. Москва.. 1977, С.-141

Дунёда стол номи билан юритилувчи жуда кўп предметлар мавжуд. Улар бир —биридан шакл —тузилиши, ранги, оғирлиги, қиймати, ясалиш вақти ва ҳоказолари билан кескин фарқланиб туради. Айни пайтда уларнинг ҳаммаси битта ном — **стол** сўзи стида бирлашади.

Стол сўзига изоҳли луғатларда шундай таъриф берилган.

1. Бирор нарса қўйиш, ўрнатиш учун баланд таянч оёқчалар устига маҳкамланган горизонтал тахтали мебель тури.

Мазкур изоҳ бир турга мансуб бўлган предметлар учун умумий бўлган сон —саноксиз белгилар ичидан аташ учун энг зарурий бўлган минимал белгининг ҳамма вақт яққол ажралиб туришидан далолат беради.

Стол сўзида бундай барқарорлашган белгилар сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Горизонтал сатҳнинг мавжудлиги.
2. Оёқчаларнинг борлиги.
3. Бажарадиган вазифаси.

Бундай белгилар объектнинг ўзагини ташкил қилади ҳамда аташ (номинация) жараёни учун энг муҳим нарса саналади.

Моддий объектнинг идрок қилинадиган барча белги — хусусиятлари сўз белгисининг идеал кўриниши ҳисобланган сигнификатда ўз ифодасини топади. Сигнификатда идрок натижасида ҳосил қилинган моддий нарса ҳақидаги умумлашган ахборотлар ўз аксини топган бўлади.

Бу ўринда предметдаги «энг муҳим белгилар» атамасига изоҳ бериб кетишга тўғри келади. Бу атама барқарор, маълум бир туркумга кирувчи предметларнинг ҳар бирида мавжуд бўлган ва тил белгиси орқали ўз ифодасини топган денотатни ҳам қамраб элувчи белгини ўз ичига олади.

Ҳақиқий сифатлари ҳар доим ҳам юзага чиқавермайдиган, текин тил соҳиблари томонидан осонгина аниқланадиган бу каби белгилар реал объектлар учун эмас, балки аташ (номинация) жараёни учун зарурий нарса саналади.

Нарсалар ва туркумларнинг мавхум номини моддийлаштирадиган белги ҳар хил бўлиши мумкин. Бу белгининг биринчи галда предметлар туркумига алоқадор бўлиши талаб этилади, бироқ номинация учун бу белгининг бор ёки йўқ эканлигининг унчалик аҳамияти йўқ¹.

Муайян туркумга кирувчи янги нарсани бошқаларига бир—хиллаштириш учун баъзан унда битта денотатив белгининг мавжудлиги кифоя қилади.

Замонавий мебель саноатида мебелларнинг турли хил намуналари, шу жумладан, ихчам қайтарма столлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда (вагон купеларидаги қайтарма столлар бунга намуна бўла олади). Бажарадиган вазифаси ҳамда горизонтал сатҳнинг мавжуд эканлиги билан улар битта ном остига бирлашади. Эътибор қилинса, столлар учун муҳим саналган қисмлардан бири таёқчаларнинг бу ўринда иккинчи планга тушаётганини ҳамда предметларни идентификациялаш чоғида улардан фойдаланилаётганини кузатиш мумкин.

Столлардаги «вазифа» белгиси ҳар хил тушунилиши ҳам мумкин. Бу ҳолат нафақат ёзиш ёки зиёфат қилиш учун мўлжалланган столларга, балки тўқимачилик саноатида кенг қўлланиладиган махсус столларга ҳам тааллуқлидир. Масалан:

1. Дазмол қилиш учун мўлжалланган, махсус газламали тагламага эга бўлган столлар (бундай столларга электр токи ҳамда маҳсулотни намлаб туриш учун ўзига хос пойнакка эга бўлган сув шланги уланган бўлади).

2. Газмол ўлчовчи метрли столлар.

3. Электрофотографик мослама билан жиҳозланган ҳамда андозанинг қулай вариантыни олиш учун ишлатиладиган силлиқлаш столлари._____

1 Юқоридаги келтирилган таъриф Г.В.Колшанскийнинг фикрларини инкор қилмайди. Унинг ишларида «муҳим белгилар» атамаси остида реал объектда мавжуд бўлган белгилар назарда тутилган.

4. Узунлиги 11 ва эни 4 метргача борувчи бичув столлари. Уларга газламани андоза асосида кесадиган электр машина ўрнатилган бўлади.

Бу каби махсус столлардан ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида ҳам кенг фойдаланилади.

Кўрсатилган объектларнинг аниқ мақсадларга қаратилган ўзгарувчан вазифалари ҳам уларнинг столлар туркумига киритилиши учун учун асло монелик қилмайди.

Кўриниб турибдики, денотатив белгиларнинг йиғиндиси реал объектларни идентификация қилишда муҳим ўрин тутмоқда.

— Идрокнинг абстрактлаштириш моҳияти шундаки, — деб ёзади Г.В.Колшанский, — у ҳар бир реал объектга хос бўлган умумийлик за хусусийлик диалектикасини қамраб олади ҳамда шунга мос равишда туркум ва шу туркум ичида фарқли белгиларга эга бўлган предмет мисолида буни ном орқали сўзда намоён қилади.¹ Сўз белгиси ҳар қандай ҳолатда бир қанча сифатларни ўзида жамлаган бўлади. **Стол** сўзининг маъноси ҳам бир қатор элементларни умумлаштириш асосида вужудга келган. Шу сабабга кўра бу сўз тол типигаги ҳар қандай предметни ифодалаш учун ишлатилади.

Стол сўзи маъносида умумлаштириш хусусиятига эга бўлган икки хил имплицит белгининг мавжудлиги бунга имкон яратмоқда.

1. **Столда** мебель тури сифатида шу туркумга кирмаган барча предметлардан уни ажратиб турувчи интеграл белгиларнинг борлиги.

2. **Стол** тушунчасини «стул», «диван» ва шу кабилардан фарқлашга ёрдам берувчи дифференциал белгиларнинг мавжудлиги.

¹ Колшанский Г.В. Лингво-гносеологические основы языковой номинации-В кн.: Языковая номинация (Общие вопросы).-М., 1977, С.-14

Айрим ҳолларда стол туркумига кирувчи баъзи бир предметларни ифодалаш учун сўз қўшилмаларидан ҳам унумли фойдаланилади. Масалан: нақшиндор стол, бичик столи, шалоқ стол, қизил ёғочдан қилинган стол ва ҳоказолар.

Юқоридагиларнинг барчаси идрок орқали маълум бир иқдордаги объектлар ичидан интеграл ва дифференциал белгиларнинг минимал қийматини фарқлай билиш заруриятини келтириб чиқаради. Бунда предметларни битта туркумга жамлаш ичкониётини берадиган реал объектнинг ўзи ва аташ учун асос бўлган денотатни бир —биридан ажрата олиш муҳим аҳамият касб этади.

Тил номинациясининг гносеологик аспектдаги энг мууим хусусиятларидан бири шундаки, у ўзида борлиудаги объектларни аташда ҳар хил атамалардан фойдаланиш мумкинлигини таъмин эта олади.

Тил бирликлари ҳар вақт муайян предметларни ўзида ифода этади. Уларнинг номинатив функциялари борлиқнинг инъикоси сифатида юзага чиқади. Муаллифлар гуруҳи томонидан яратилган “Тил номинацияси” асарида мазкур масала шундай ёритилади: Моддий предметлар беқарор ва ўзгарувчандир. Кўпинча улар аниқ чегарага эта бўлмайди. Инсоннинг руҳий ҳамда эмоционал ҳолатларига тегишли бўлган нарсалар эса улардан кўраҳуам мавҳумроқдир».¹

Денотат, яъни предметларнинг энг оддий фарқли белгиларини ҳам ўзида мужассам этадиган ҳодисага алоҳида аҳамият бериш зарур. Денотат ёрдамида предмет ҳақидаги тасаввурларимизни алоҳида категория сифатида тартибга солишимиз мумкин. Денотатда жамланган лингвистик белгилар физиклар, кимёгарлар томонидан мазкур предметлар ҳақида айтилган белгиларга ҳар доим ҳам мос тушавермайди.

1 Уфимцева А.А и др. Лингвистическая сущность и аспекты номинации. В кн.: Языковая номинация., - Москва., 1977. С.-30

Денотатив белгилар ўзларининг хусусиятларига кўра мантикқа яқинроқ туради, лекин уларни мантиқ белгиларига ўхшатиш сира тўғри келмайди. Тилда денотатив белгиларни танлаш доимо қатъий, мантикқа асосланган бўлавермайди. Баъзида денотатга предметнинг ўзида учрамайдиган тасодифий белгилар қўшилиб қолиши мумкин.

Денотат ҳақида ҳозирга қадар уни бошқа тил ҳодисаларидан фарқлаб турадиган аниқ таъриф яратилмаган. Қолаверса, унда номинация учун ягона асос бўладиган нарсанинг ўзи ҳам йўқ.

Предмет ҳақидаги тушунчанинг бундай ўзгарувчан ҳолати уни билишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Денотатларни икки асосий турга бўлиш мумкин:

а) Моддий денотатлар. Унта қуйидагилар киради:

1. Материянинг ҳар хил турлари. 2. Ҳаракатлар. 3. Жараёнлар. 4. Ҳодисалар. 5. Хосса ва хусусиятлар. 6. Миқдор. 7. Вақт кўлами. 8. Макон кўлами. 9. Жонли ва жонсиз нарсалар. 10. Саналадиган ва саналмайдиган нарсалар.

б) Идеал денотатлар. Унга қуйидагилар киради: 1. Сизги. 2. Ҳис — туйғу. 3. Ғоя ва шу кабилар.

Моддий денотатларда номинация учун зарурий бўлган белгилар жамланган бўлади ва улар ёрдамида предметларни идентификациялаш мумкин.

Идеал денотатлар моддий денотатлардан ўзига хос тузилишларга эга эканликлари билан фарқланиб туради. Инсондаги руҳий ҳамда эмоционал ҳолатларни бевосита кузатиш имкониятининг йўқлиги идеал денотатларни алоҳида тадқиқ қилишни тақозо этади.

Моддий предметлар англанади, ҳис —туйғу, гоё эса ифодалайди, холос.¹

Масалан, ғуза, стол, тоғ, терак, барг, томир —моддий асосга — денотатга эга бўлган номлар.

Орзу, арзончишк, яхшилик, бирлик, севинч — абстракциялаш йўли билан топиладиган идеал денотатлар асос бўлган номлар.

Идеал денотатларнинг аниқ асосларга эга эмаслиги ҳамда ларнинг мавҳум характер касб этиши аташ (номинация) жараёни учун бир қатор мураккабликлар келтириб чиқаради.²

Идеал денотатларда моддий денотатлардаги каби қиёслаш имконини берадиган аниқ белгилар тўплами мавжуд эмас. Шу боисдан ҳам идеал денотатлар аталаётган ходиса ҳақидаги бутун ахборотни ўзида жамлаган идеал компонентга, сигнификатга максимал даражада яқинлашади.

Масалан, «ҳаракат» сўзининг сигнификатида «қўзғалмас» сўзига зид қўйилган «механик ҳаракат», «силжиш» маънолари ётади. Бу ерда бир ердан иккинчи ерга силжишдан ташқари, ижтимоий — сиёсий ташкилотлардаги, турли хил оқимлардаги ҳаракатлар ҳам ҳисобга олинган. Мисол учун: Фаластин Қаршилик Ҳаракати каби. Қўриниб турибдики, бу ўринда идеал денотат худди моддий денотат каби аташ объекта бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳаракатнинг турлари ичидан барчаси учун умумий бўлган «ўзгариш», «аралашув» маънолари ажратиб олинмоқда. Идеал денотат идрокнинг абстракт фаолияти натижасида юзага чиқишига қарамасдан, баъзан қиёслашда моддий объектларнинг ўрнини боса олади, деган фикрни олға суриш имконини беради. Жамловчи отларни билдирувчи қашшоқлар, аскарлар каби сўзларда ҳам юқоридаги каби ҳолат кўзга ташланади. Улардаги тил белгилари предмет билан ўзаро алоқада бўлади.

1 Гонди Л. Проблемы семантики.,-М., 1975. С.-47

2 Степанов Ю.С. Номинация, семантика, семиология. В кн.: Языковая номинация. М.. 1977, С. 320-321

Мазкур сўзлар одамларнинг аниқ бир гуруҳини англатяпти. Булардаги бирлаштирувчи ҳамда фарқловчи белгилар асосида аташ объекта бўлган денотат юзага чиқмоқда. Уларнинг вакиллари ифодалаш учун алоҳида тил бирликлари талаб қилинади. Масалан **қашшоқ, аскар** каби.

Предметларнинг гуруҳларини ифодалаш учун турли белгилардан фойдаланиш шуни кўрсатадики, баъзи бир умумлашма тушунчалар ҳам аташ объекта вазифасини бажариши мумкин.

В.Г.Гак таъкидлаганидек, аниқ ва мавҳум сўзлар атамаси шартли характерга эга.

Тафаккур шаклининг ҳаётга муносабатини ўрганувчи мантиқ фани учун бу масала ўта муҳим саналади, лекин тилшуносликда у иррелевант дейилади. Тилшунослик тилнинг тафаккурга ва у орқали борлиққа бўлган муносабатини ўрганади.

Нафақат киши онгида инъикос этган реал объектлар, балки тафаккур орқали вужудга келган идеал образлар ҳам инсон тафаккурининг предмети бўлиши мумкин.

Демак, тил белгисининг номинатив маъноси денотат ва сигнификат ўртасидаги алоқадорлик асосида ўрганилади. Ўзининг экстралингвистик характериға кўра денотат номинация учун зарурий саналган реал объектдаги минимал белгиларнинг тўплами сифатида гавдаланади ва билвосита номинация объекти саналади.

Денотат билан товушлар йиғиндиси ўртасидаги алоқаға ишлатиш муносабати деб қараш мумкин. Тил белгиларининг маъноси денотатив белгиларнинг инъикоси сифатида сигнификатам, яъни тушунчани ҳосил қилишда намоён бўлади.

Сигнификатда номинация объектини ташкил қилувчи денотатив белгилардан ташқари ўз моҳиятиға кўра тушунча мазмуниға тўғри келадиган фикрий феномен бўлади. У муайян туркумға кирувчи алоҳида

предметларнинг барча хусусиятларини ўзида жамлаб келади.

Аслида номинация актига моддий ҳамда руҳий оламдаги предмет ва ходисаларга хос муайян денотатив белгилар (ўзига хослик, сифат ва муносабат) ни акс эттирувчи, бунинг пировард натижасида тил бирликлари сўзлашув мулоқатида мазмун касб этувчи сигнификат — тушунчанинг тил бирликларида барқарорлашув жараёни сифатида қараш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сигнификат характери аталаётган объектнинг ўзига хослигига боғлиқ равишда ўзгариши мумкин.

Сигнификат предметларнинг аниқ бир туркумини ёки улардан фақат биттасини ифодалаган ҳолларда ўз мазмунига кўра маълум бир тушунчага тўла мос келади. Қиёсланг: **қоя, дарахт, ғилдирак** ва белги, сифат ва муносабатларнинг энг юқори умумлашма мавҳум тушунчалари ҳам сигнификат бўлиши мумкин. Солиштиринг: **ишонч, садоқат, етуклик**.

Мавҳум тушунчалар, моддий дунёни акс эттирувчи тафаккур - категориялари ҳам сигнификат бўла олади: **субстанция, муносабат, миқдор** ва шу кабилар.

Баъзи бир ҳолларда бундай тушунчалар бошқаларга нисбатан турдошлик муносабатида бўлади, масалан, **сезги, ходиса, материал** ва шу кабилар. **Алвасти, сув алвастиси, сув париси** кўринишидаги номларда сигнификат ирреал предметларни фикрлаш орқали юзага чиқадиган алоҳида тушунчани билдиради. Кўрсатилганлардан ташқари илм—фан, техника, санъатга оид атамалар ҳам сигнификат бўлиши мумкин.

Одатда тил бирликлари ўз маъносида ассоциатив, эмоционал, функционал ва бошқа элементларни қамраб олади. Турли хил оқимга мансуб бўлган тилшунослар тил белгиларининг таъкидлаб тилган хусусиятларини очиб беришга бир неча бор уриниб кўрганлар. Жумладан, Э.Сепир сўз маъносидаги қуйидаги семантик элементларни ажратишни таклиф қилади:

1. Умумий, мавхум (abstract, general) — хусусий, аниқ (special, concrete);

2. Билвосита ифодаланган (Direct) — бевосита ифодаланган (calculated);

3. Қийматсиз (non —evaluative, pure) — қийматли.

4. Оддий (simple) — модификацияланган (modified)

Қатъий қилиб айтганда, бу тасниф сўз семантикасини ўрганишда объектив усул саналмайди. Унинг камчилиги шундан иборатки, бу таснифда семантик компонентлар йиғиндиси реал объект сифатининг тугал тавсифини жуда ҳам оз ифодалайди.

Бу комплекс муайян туркумга кирувчи барча аъзолар ва уларни ифодаловчи лексик бирликларнинг тўла рўйхатини қиёсий таҳлил қилишдан келиб чиқади.

Сўзнинг сигнификатив томонини ўрганишда лексик бирликларнинг тил системасида аниқ шаклдаги узвий ҳалқачаларни ташкил қилиши ва бу ҳалқачаларнинг бир —бири билан ўзаро парадигматик муносабатларда бўлиши муҳимдир. Яшаш жойининг турларини билдирувчи қуйидаги сўзлар бундай лексик — семантик гуруҳни ташкил эта олади. Масалан, уй, сарой, кулба, қаср, ёғоч уй, очик уй, чайла, қапа, ертўла, хароба, ғор, ўтов, чодир ва шу кабилар.

Бундай сўзлар гуруҳи баъзи бир ҳолларда тушунча майдони _еб аталувчи семантик қурилишни ташкил қилади. Бундай қаторга кирувчи турли хил шаклдаги сўзлар ўзларининг илк маъно характериға кўра бир — бирлари билан боғланган бўлади ва шу билан бирға мазкур лексик — семантик гуруҳ ичида ўзига хос фарқланувчи белгиларға ҳам эға ҳисобланади.

Сўзға муайян лексик — семантик гуруҳнинг аъзоси сифатида қаралади, шунға мос равишда унинг маъноси шу сўзнинг гуруҳдаги бошқа аъзоларға нисбатан алоқадорлиғига кўра очиб берилади.

Мисол учун ички салбий ҳис — туйғуни ифодаловчи сўзларнинг лексик — семантик гуруҳлари қуйидагилардан ташкил топган:

а) характериға кўра салбий ҳис — туйғуни келтириб чиқарувчи сўзлар; б) характериға кўра эмоцияни ифодаловчи сўзлар; в) даврий фактор ёрдамида юзага келувчи сўзлар.¹

Лексик — семантик гуруҳни бу каби тартибга солиш шундан далолат берадики, масалан, «алам» сўзининг сигнификатида қуйидаги семантик компонентлар мавжуд: биринчи дуч келишлик ички яширинлик, пассивлик, ўзини бошқариш, давомийлик.

Қизиғи шундаки, у ёки бу сўзнинг маъносидан, аниқроғи сигнификат тузилган семалар комплексни аниқлаш лексик — семантик гуруҳни ташкил қилган аъзоларни бир неча бор қайта гуруҳлаш натижасида юзага чиқади.

Бу нарса баъзи бир сўзларнинг яқинлик даражасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, алам ва ғазаб сўzlари ўзини бошқариш белгисига кўра битта гуруҳга киради. Шунингдек, биринчи дуч келишлик — такрорийлик, ички яширинганлик — юзага чиқишлик, пассивлик — фаоллик, давомийлик — қисқа муддатлик каби белгиларнинг қарама — қарши қуйилишида ҳам уларнинг бир гуруҳга мансублиги асос қилиб олинади.

Бир маъноли сўзларда бўлгани каби кўп маъноли сўзларда ҳам уларнинг сигнификат қурилиши табиий қизиқишларни келтириб чиқаради.

Бу шу нарса билан изоҳланадики, сигнификат идеал тузилма сифатида ўзида биз унинг идеал томонини сўз маъноси деб атайдиган семантик элементларнинг тўла рўйхатини ифодалайди.

Сигнификатнинг бу ўзига хослиги кўп маъноли сўзларнинг айрим маъноларини асосий, бош маъно компоненти сифатида семалар комплексига киритиш мумкинлиги ҳақидаги фаразларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлиб хизмат қилади.

Бундай қарашларнинг шубҳали эканлигини айри сўзининг маъноларини таҳлил қилиш натижасида кўрсатиб бериш мумкин. “Келишмовчилик, ихтилоф” маъноси кўп маъноли сўзнинг семантикасига мантикий қисм, шунингдек, тил нуқтаи назаридан компонент сифатида кирмоқда. Агар бу комплекс сўзнинг «асосий» маъно босқичида турибди деган фикрга қўшиладиган бўлсак, ҳар қандай ҳолатда матннинг қандай бўлишидан қатъий назар **«айри»** сўзи бошқа семалари билан биргаликда қўлланилиши лозим деган қарашни тан олиш керак бўлади.

Бу шубҳадан ҳоли эмас. Юқоридаги маъно (бинобарин, комплексни ташкил қилувчи семалар ҳам) қуйидаги сўз бирикмаларида мутлақо ортиқча саналади: катта дарахтнинг айри шохлари кўп бўлади, балчикда айри туёқ излар кўринар эди, омборда иккита айри қолган, бу йили боғбонларга кўп айри керак бўлади. Бу ўринда иккиламчи номинация жараёнида сигнификатда учрайдиган шаклий ўзгаришлар ҳақида ҳам эслаб ўтиш жоиз.

Сигнификат ўзида предметнинг мавҳум белгиларини жамлаган, ундаги имплицит шаклни сақлаб қолган идеал қурилма сифатида сўз маъносининг ажралмас қисми саналади.

Бинобарин, сўз семантикасида содир бўлаётган ҳар бир ўзгариш сигнификатнинг тузилишига ҳам таъсир қилмасдан қолмайди, албатта.

Маълумки, иккиламчи номинация предмет (денотат) ва тушунча (сигнификат) ўртасидаги ўзига хос «ўйин» га асосланади.

Маъно кўчишнинг турли хил кўринишлари ташқи томонига кўра бир —бирига яқин бўлган, табиатига кўра эса фарқладиган объектларнинг вазифа томонидан ўхшашлиги асосига қурилади.

Иккиламчи номинация шартига кўра денотатив белгилардан кўчма маъно асосладиган қайси биридир бошчилик хусусиятига эга бўлади.

Предмет алоқадорлигининг «силжиши» янги семантик вазиятда юзага чиқадиган тушунча белгиларини мулоқотда ифодаловчи сигнификат

тузилишини қайта кўриб чиқади. Қиёсланг: ёғоч - таёқ, хода ва қурилиш материали, хом ашё. Бу ерда бирламчи номинацияда назарда тутилмаган «хом ашё» белгиси иккиламчи номинациянинг ядросида турибди. Бундай ҳолларда янги сигнификатив мазмун «ўз —ўзидан» сўзнинг номинатив — ҳосила маъносини ифодаловчи сўз тузилмасида ўзининг мантиқий — предметлик алоқаларини зуҳр этади.

Сигнификат ўзининг бу хусусиятига кўра нафақат иккиламчи номинацияни қўллаш натижасида юзага келадиган семантик ўзгаришларни, балки бирламчи номинациянинг турли кўринишларига боғлиқ бўлган ўзгаришларни ҳам кўрсатувчи ўзига хос барометр саналади.

Воқеликдаги янги объектларни номлаш эҳтиёжи қуйидаги кўринишлар воситасида амалга оширилиши мумкин:

Бирламчи номинациянинг 1. Содда (бир ўзакли); 2. Сўз ясовчи; 3. Таркибга ажратилган кўринишлари орқали.

Семантик неологизмлар содда кўринишдаги номинациянинг турларидан бири саналади. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, тилнинг аташ имкониятлари алоҳида тил белгиларининг маъно тузилишини мураккаблаштириш (кўпинча мавҳумлаштириш ҳисобига) орқали юзага чиқарилади.

Бу усул илм-фан тараққиётининг тилдаги ифодаси сифатида нсоният фаолиятининг турли хил соҳаларида қўлланилади. Математика, физика ва бошқа фанларда ишлатиладиган атамалар мазкур усулнинг тадбиқий натижалари саналади. қиёсланг: **илдиз, оғирлик, нарса, материал, нур, куч ва ҳоказо.**

Кўрсатилган усулни шаклдошлик (омонимия) нинг манбаи сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Негаки, бундай ҳолларда бир -бирига шаклдош бўлган тил бирликлари бутунлай ўзгача объектларни ифодаламоқда, қиёсланг: дарахт илдизи ва квадрат илдиз.

Гарчи лингвистик адабиётларда бундай таклифларнинг тўғрилигига

шубҳа билан қаралган бўлса—да, баъзи бир ҳолларда нейлон, капрон, тефлон каби сўзларнинг пайдо бўлишини ҳам содда номинация деб аташ мумкин.

В.А.Ицкович, жумладан, шуни қайд қиладики, нейлон сўзи шу матони ишлаб чиқарган корхоналар жойлашган иккита шаҳар — Нью-Йорк (N.Y) ва Лондон (Lon) нинг қисқаришидан ясалган.¹

Шуниси қизиқки, бу қисқартма сўзнинг охирида келаётган —он —рон, —лон) қисми тез орада сўз ясовчи восита сифатида қўлланиши бошланди ва орлон, дедерон, стилон, дакрон сингари сўзларда ўз ўрнини топди.

Содда (бир ўзакли) атамалар баъзи бир ҳолларда якка шахслар томонидан ҳам яратилди. Масалан, газ сўзи XVII асрда голланд олими Ван —Гельмонт томонидан киритилган бўлса, робот атамаси илк бор Карел Чапек «Р.У.Р» пьесасида тилга олинган.

Умуман олганда, шуни таъкидлаш керакки, бир ўзакли атамалар бугунги кунда сўз ясалишидан кўра ҳам кўпроқ қўлланилмоқда.

М.Докулил буни янги атамаларни юзага келтиришда мутлақо ўзига хос восита ҳамда луғат жамғармасини ривожлантириш ва эшитишда муҳим усул деб баҳо беради.¹

Сўз ясалишидан фойдаланиш жамиятдаги ижобий ўзгаришлар, — техника, санъат тараққиёти билан боғлиқ бўлади, лекин муайян бир тилда сўз ясалишининг у ёки бу туридан унумли фойдаланиш шу тил ички қурилишидаги ўзига хосликларга муносиб равишда турлича бўлиши мумкин.

Инглиз тилида сўз ясалишининг кенг тарқалган кўринишларидан бири феъл префиксациясидир:

To rewrite «қайта кўчирмоқ», to deform «шаклини ўзгартирмоқ», to dislike «кўнгилсизликни бошидан кечирмоқ» ва ҳоказо.

¹ Ицкович В.А. Новые тенденции в образовании аббревиатур М., 1972, С. - 95

Немис тилида икки ёки ундан ортиқ асосни бир—бирига қўшиш орқали сўз қўшилмаларини ҳосил қилиш сўз яшашнинг унумли усулларида бири саналади. Morgendammerung «тонг» Friedensanhanger «тинчлик тарафдори», Atomwaffenkrieg «атом қуроллари қўллаб жанг қилиш» ва ҳ. Француз ҳамда рус тилларида сўз яшатишининг бундай усулларида кам фойдаланилади, уларда қўшимчалар ёки сўз бирикмалари орқали янги сўз яшаш усули кучли. Қизиғи шундаки, сўз яшашнинг муайян қолипи тилларда турлича бўлиши мумкин.

Француз тилида металллар ва қурилиш материалларини ифодаловчи отлар шу асосдаги нарсаларни бўйаш учун ишлатиладиган нарсаларни ифодаладиган феълларнинг яшалиш анбаи бўлиб хизмат қилади. (Қиёсланг: cementer, betonner, chromer, nickeler). Инглиз тилида худди шу қолип ўзгача бир усулда берилади (to asphalt, bronze, nickel, silver).

Сўзнинг ономасиологик тузилишини текширишга бағишланган илмий тадқиқотларда базис ва белги тушунчалари ажратилади.

Бу ўринда базис атамаси остида ҳосиланинг предмет, белги ва ҳаракатлар туркумига мутаносиблиги тушунилади. Бунда умумий тушунча ичидан мазкур сўз ифодаланаётган маъно ҳисобга олинади. Шунга асосланган ҳолда **ёзувчи, юборувчи, ёлғончи, овчи** сўзларида маълум хоссани ифодалаётган тушунча категориясини базис дейиш мумкин.

Бу сўзлардаги базисини аниқлаш ва белгилашда муҳим аҳамият касб этадиган ўзгарувчан катталиқ унинг ономасиологик белгиси ҳисобланади: **ёзувчи - китоб** ёзаётган шахс, **овчи** - ов қилаётган шахс за ҳоказо. Мазкур боғланишда қўшимчаларсиз сўз яшатиши ҳақида эслаб ўтиш жоиз. Бунда англашилаётган нарсга ҳиссиёт, идрок, —шунча тарзида янгича талқинда, категориал ҳолатда акс этади.

Бу эски асосга янгича категориал гуруҳни қуриш демакдир.¹

1 Уфимцева А.А. Лингвистическая сущность и аспекты номинации. В кн.: Языковая номинация., Москва., 1977. с — 63

Қўшимчасиз сўз яшанинг усулларида бири конверсиядир. Конверсиядан инглиз тилида унумли фойдаланилади: curl «гажак»- to curl «жингалак қилмоқ»; convert «янги ишлатилган» - to convert «ўзгартирмоқ». Бундай ҳолларда ифода жараёни предмет ёки белгини дастлаб англатган асос орқали юзага чиқмоқда.

Қўшимчаларсиз сўз ясалишининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда кўринади: «бу вақтда сўз яшанинг барча усуллари учта асосий ономасиологик категорияни (предметлик, атрибутивлик ва жараённи) аниқлаш ҳамда модификациялашга қаратилган бўлади — қўшимчаларсиз сўз яшаш айнан мана шу маънони юзага чиқариш учун хизмат қилади.¹

Е.С.Кубрякова сўз ясалиш жараёнига номинация акти сифатида қарар экан, унинг тубандаги ўзига хос белгиларини ажратади:

1. Сўз яшаш материаллари сифатида азалдан тилда мавжуд бўлган бирликлар ишлатилади.

2. Янги пайдо бўлган ном бир сўз доирасида юзага чиқади.

3. Ҳосил бўлган номда асосда бор бўлган белги, белгилар ёки белгининг бир қисми қайтарилади.

4. Ҳосила тузилишида асос белги қолдирган ҳар хил «излар» уларнинг мотивацияланиш ҳамда семантик «софлик» даражаси ҳақида гапириш имконини беради.

5. Ҳосила ном янги сўз демакдир, шу боис унинг шаклий томонидан асос сўзга хос бўлган ҳолатлар қайтарилмайди.

6. Ҳосилани вужудга келтириш муайян тилда табиий ва ҳисобли бўлган аниқ формаси жараёнлар натижасида амалга оширилади.

¹ Уфимцева АА. Лингвистическая сущность и аспекты номинации. В кн.: Языковая номинация., Москва., 1977. с-64

2 Кубрякова Е.С. Производное слово как особая единица системы языка. В кн. «Теория языка. Кельтология» М., 1976. С.-80

7. Аниқ номни ясаш учун зарур бўлган саралаш жараёни, қолаверса сўз яшашнинг барча ҳодисалари: аффиксация, кўшма сўзлар ясалиши, конверсия ва шу кабилар бир —биридан нафақат ясалиш техникаси билан, балки ўзларининг ономасиологик йўналишлари билан ҳам фарқланади уларнинг семантик оқибатлари ўхшаш эмас.²

Сўз яшашнинг юқорида санаб ўтилган хоссалари шундан далолат берадики, номинациянинг бу тури янги моддий объектларни аташ учун жиддий имкониятларга эга.

Сўз яшашнинг энг муҳим афзалликларидан бири шундаки, у янги номларни тилда азалдан бор бўлган бирликлар асосида яратади. (масалан, немисча: Sachverständigenbericht «эксперт доклади», Laboratoriumgruppen arbeitsmethode «бригада-лаборатория» усули. Бу эса сунъий равишда ясалган газ ва робот кўринишидаги конструкцияларни четлаб ўтиш имконини беради. Бир сўз доирасида қамралган бирламчи номинациядан фарқли ўлароқ, ёйиқ номинация кўп аъзоли, лекин мазмунан туташ бўлади. Сўз бирикмаларининг бу туридан фан ва техниканинг турли соҳаларида ягона тушунчани ифодалаш мақсадида кенг фойдаланилмоқда. Тубандаги «синтактик» атамалар бунга мисол бўла олади: Чебишев тури, Брайтон цикли, ойнаванд блок, мембранали арматура, ёйсимон статерли двигатель, содда элемент ва шу кабилар. Булардан кўриниб турибдики, ёйиқ номинация инсоният фаолиятининг турли соҳаларидаги тараққиётга жўровоз бўлмоқда ҳамда ўзининг юксак даражадаги маҳсулдорлигини йўқотмай келмоқда. Муҳими, юқоридаги сўз бирикмаларининг муайян боғланишга эгалиги уларнинг фарқли хусусияти саналади; улар таркибидаги қисмлар фақат шу ҳолатдагина номинатив ҳамда коммуникатив вазифа бажара олади. Шунингдек, улар бошқа сўз бирикмалари таркибида ҳам иштирок этиши мумкин (гардишли арматура, ёғли арматура ва шу каби), бироқ бу ҳолатдарда олдинги бирикмаларида берилган маъноларнинг биронтаси ҳам қайд этилмайди. Уларнинг мазкур

хусусиятини тубандаги лексик синтагмаларни солиштириш орқали ҳам кўриб этиш мумкин:

Адрес столи, паспорт столи, буюртмалар столи, топилмалар столи, тақриз столи, сабзаётлар столи, балиқ столи ва ҳоказо. Стол сўзининг иккинчи ўринда келиб, ўзгача бир маъноларда ишлатилаётганини сезиш қийин эмас. Бу ерда икки сўз бириккан тақдирдагина коммуникатив вазифа юзага чиқмоқда: адрес столи, паспорт столи каби.

Иккинчи кўринишда эса стол сўзи «таомнома», «овқатлар учун» сўзлари ўрнида келиб сабзаёт, балиқ учун мўлжалланган, гўшт учун мўлжалланган ва ҳоказо маъноларда қўлланмоқда — парадигмани ташкил қилмоқда.

Дастлабки қарашда биринчи ҳолда ҳам парадигма борга ўхшайди, лекин диққат билан кузатилса, иккинчи кўринишда биринчи ҳолдагига қараганда сўзлар бир —бири билан маҳкамроқ алоқага киришганини сезиш қийин эмас. **Стол** сўзининг доимий воситаларисиз ҳам кўрсатилган маънони (таомнома маъносини) ифодаламоқда. Солиштиринг. Бу сихатгоҳда ҳамиша аёло даражадаги стол бўлади.

Бу ўринда **стол** сўзига маъно қўйишнинг исботи сифатида қараш мумкин.

Шунга ўхшаш ҳолатни ўзига хос парадигма ҳосил қилувчи **олтин** сўзининг маъно кўчиши орқали куз, бола, давр сўзларида ҳам кузатиш мумкин.

Пархез столи билан адрес столи ўртасидаги фарқланишга нисбатан олтин бола ва олтин узук орасидаги фарқланишда биринчи ҳолатга мутаносиб равишда иккинчи ҳолатда иккиламчи номинация даражасининг кучлилиги сезилади.

Юқорида келтирилган **стол ва олтин** сўзларининг маъноларидаги қиёсий боғланишлар шундан далолат берадики, ёйиқ номинациянинг баъзи бир турлари (коллокация, лексик синтагма) га сўз маъноси

кўчишининг шаклланиши сифатида номинациянинг биринчи босқичидан иккинчи босқичига ўтиш деб қараш мумкин.

II БОБ Номинациянинг кейинги босқичлари

1-§. Тилшунослик фанида иккиламчи

номинация муаммолари

Семантик жиҳатдан кенг тармоқланганлик ва тил унсурларининг кўчма маъноларда кўп ишлатилиши табиий тилнинг энг муҳим белгиларидан бири саналади.

Иккиламчи номинациянинг табиати ва унинг тил тараққиётидаги таъсири масаласи азалдан турлича оқимга мансуб бўлган тилшуносларнинг диққат —эътиборини ўзига тортиб келган.

Кўп маънолилик ва маъно кўчиришга бўлган қизиқиш тадқиқотчиларнинг тилни реал борлиққа мутаносиб келиши қонуниятларини очиб беришга бўлган қизиқишларига бориб тақаладики, бунда тилнинг кўп қирралилиги ва чегарасизлиги муҳим аҳамият касб этади. Моддий оламнинг тил ёрдамида адекват акс эттирилиши номинациянинг турли хил кўринишлари, жумладан, тўғри номлаш орқали амалга оширилади. Баъзи бир ингвистик қарашларга асосланадиган бўлсак, бу усулга механик тарзда амалга оширилган объектив оламнинг шунчаки бир ёрлиғи деб қаралмайди. Бироқ идрок жараёнида бундай номлаш нарсанинг ҳиқий ҳолатига мутаносиб келиши шубҳадан ҳоли эмас. Ўзида моддий олам фактларига мурожаат жараёнини белгилар ва бу ҳолатни тил тизимида инсонларнинг бойлиги сифатида гавдалантирадиган тўғри аташни маълум бир маънода аталаётган объектлар синфига хос бўлган умумий белгиларнинг юзага чиқишини таъминлайдиган дастлабки гносеологик акт деб ҳисоблаш мумкин.

Бу жараён номинация объектининг сифатларини парчалаб ўрганишга йўналтирилмаган; бу ерда асосан бир туркумга хом бўлган предметларнинг бошқа бир туркумга кирувчи предметлардан фарқли хусусиятларини ажратиб олиш назарда тутилган. Дифференциал (фарқловчи) деб аталган белгилар тўплами мазкур предметни борлиқдаги

бошқа нарсалардан аниқ ажратиб олиш имконини беради. Шу билан бирга интеграл (бирлаштирувчи) белгилар ҳам борки, улар асосида ҳар бир конкрет ҳолатда муайян предметларни маълум бир турга —синфга жамлаш мумкин бўлади.

Бу белгиларнинг барчасини шу тариқа ажратиш улар ўртасидаги чегараларни аниқ кўрсатиб беради ва бунинг натижасида у ёки бу лексик бирликни, реал объектларни гуруҳларга «тармоқлаш» усули билан номлаш мумкин бўлади. Афсуски, моддий борликдаги янги нарсаларни ифодалашда тўғри номлаш йўлида доимий тўсиқ мавжуд. Аввало, бу ерда гап тилнинг лексик тизимида янги лексик бирликларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиш хавфи борлиги ҳақида кетмоқда. Билиш натижаларини мумкин қадар тезлик билан тилда акс эттириш лозим, бироқ тўғри номлашни мазкур мақсадда қўллаш эртами —кечми ноқулай ҳолатга олиб келиши мумкин. Тил лексик тизимининг тинимсиз ўсиб бориши вокабуляр (сўз захираси) нинг ўта кенгайиб кетишига сабабчи бўлади. Бунинг натижасида тилнинг коммуникатив вазифасига путур етиши мумкин.

Назарий жиҳатдан лексик тизим тараққиётидаги тезкор ва мўътадил ҳолат бўлиши мумкин ҳодиса саналади. Негаки, исоннинг руҳий ва физиологик имкониятлари улкан, аммо хотира имконияти эса чегаралангандир. Бундай чегаралардан ўтиладиган бўлса, инсон барча сўз захираларини эслаб қолиш имкониятини йўқотади, пировард натижада эса тилнинг коммуникатив функцияси чиппакка чиқади. Агарда тил табиати бунинг олдини олмаганда эди, бундай ҳолатнинг юз бериши ҳамиша муқаррар бўлиб қолаверарди. Тилдаги усуллар унинг доимий равишда такомиллашиб боришини таъминлайди. Бу хусусият, ўз навбатида, В.Гумбольдт томонидан қайд этилган бўлиб, у «Тил маълум бир тугаллик чегарасига эга бўлади ҳамда унинг на органик тузилишида, на ички тузилишида ҳеч қандай ўзгариш рўй бермайди. Шу боис, айнан уларда руҳнинг жонли ифодалари ҳолатида тилнинг ўта нозик такомили

кўринади», — деган эди.¹ Бу ҳолат вокабулярии сон жиҳатидан ўсиб кетишидан қочиш имкониятини беради. Бундай имкониятлардан бири иккиламчи номинация саналади.

Маълумки, кўчма маънонинг турли хил кўринишларидан фойдаланиш тил тараққиётининг дастлабки босқичларига бориб тақалади. Илк тадқиқотчилар тубжой аҳоли тилида, масалан, Австралияда рамз ҳамда табуларнинг мураккаб тизимини кузатишган бўлиб, улар шу ерда яшовчиларнинг маданий ва маиший ҳаёти заминида юзага келган мавҳум характерга эга бўлган тушунчалар тизимининг тилда акс этиши саналади. Мазкур рамз ва гулар тил тизимининг мураккаб ҳамда серқирра хусусиятларидан узоқ фойдаланиб келинганлигининг натижасида шакллангандир. В.Гумбольдт сўзларнинг тузилишидаги ички қайта қурилишни, уларнинг маъновий бирикишларини, сўзнинг бошланғич маъносидан зукколик билан фойдаланишни, қисқартиришни ва шунга ўхшаш усулларни юқоридагилар қаторида эслатиб ўтади. В.Гумбольдт фараз қиладики, дастлабки ташкил топган пайтида юқ, унчалик такомил топмаган, аҳамиятсиз бўлган тил эслатиб ўтилган воситаларни қўллаш натижасида тушунчаларнинг янги олами кашф этади.²

Ҳозирги замон тадқиқотчиси учун иккиламчи номинациянинг юзага келиш шартларини тасвирлаш ва номлаш механизмининг очиқ бериш муҳим саналади. В.Гумбольдтнинг фикрича, номлаш жараёнининг ўзи предмет ва ҳодисани англашдаги бошланғич фаза саналади. Бундан ташқари, у лексик бирликларнинг система ҳосил қилиш табиати ҳақида шундай дейди:

1 Гумбольдт В.О сравнительном изучении языков применительно к различным эпохам их развития. В.кн лев В.А. История языкознания XIX-XX веков в очерках и извлечениях.4.1. М, 1964,С. 73.

2 Гумбольдт В.О сравнительном изучении языков применительно к различным эпохам их развития. В.кн.: Звегинцев В. А. История знания XIX-XX веков в очерках и извлечениях. Ч. 1. М., 1964, С. -74.

«Фақат сўзгина фикрлар оиласида тушунчани алоҳида бирлик сифатида юзага чиқаришга қодир ва унга ўзидан яна кўп нарсани қўша олади. Сўз ёрдамида аниқликка эга бўлган гоё бир вақтнинг ўзида муайян сатҳларга киритилади»¹.

Яна Гумбольдт шундай хулосага келадики, ҳатто янги предметларга «кўчирилган» ҳолатда ҳам сўзнинг товуш бирлиги ўша сўздаги ассоциацияга ҳамоҳанг бўлади.

В.Гумбольдтдек буюк тилшунос олимнинг бу фикри тилдаги кўчма маънонинг мавжудлигини кўрсатувчи исботлардан бири саналади.

Кўчма маънодан фойдаланишнинг муҳим шартларидан бири улардан фойдаланишда улар асосига қўйилган белгиларни сақлаб қолишдан иборатдир. В.Гумбольдтнинг фикрлари шуни тасдиқлайдики, кўчма маъно кўп ҳолларда уни тўғри маъно билан боғлайдиган ассоциатив муносабатни осонгина тиклай олади.

В. Гумбольдт тилдаги маънонинг табиатини чуқур ўрганишда давом этар экан, шундай хулосага келади: тилни ўзининг ички имкониятлари асосида аста—секин кенгайиб борадиган, зоҳирий ютуқлар боис такомиллашувчи алоҳида сатҳ сифатида талқин қилиб бўлмайди. «Бундай қараш, — деб ёзади у, — тилнинг моддийлиги ва амал қилиш хоссаларидан четдадир»². В.Гумбольдтнинг юқоридаги фикрлари тилларнинг бугунги ҳолатлари билан ўз тасдиғини топяпти. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, инсон билимларининг турли соҳалардаги ютуқлари ҳар доим ҳам янги атамавий имкониятларни юзага чиқаравермас экан. Кўп ҳолларда лексик бирликларнинг семантик имкониятлари ҳисобига тилнинг сифат жиҳатидан такомиллашувига асосий эътибор қаратилади.

1 Гумбольдт В. О сравнительном изучении языков применительно к различным эпохам их развития. В.кн.: Звегинцев В.А. История языкознания XIX-XX веков в очерках и извлечениях. Ч.1. М., 1964, С. -82.

2 Гумбольдт В. О различие строения человеческих языков и его влияние на духовное развитие человеческого рода (извлечения). В кн.: Звегинцев В. А. История языкознания XIX-XX веков в очерках и извлечениях». 4.1. М., 1964. С. 88.

Мазкур аспектда тўғри маънонинг модификациям, кузатилаётган объектдаги сифат ўзгаришларини ифодалашга қаратилган қайта идрок этиш муҳим роль ўйнайди.

Баъзи бир ҳолларда реал объект шу қадар ўзгариб кетадики, уни ифодаловчи сўз муайян ўринларда архаизм бўлиб кўриниши мумкин.

Фикримизнинг исботи сифатида XIX асрнинг охирларида пайдо бўлган **автомобиль** сўзининг «тақдирини» олишимиз мумкин. Дастлабки ўзиюрар коляскалар ташқи кўринишига кўра аравадан деярли фарқ қилмаган.

«Роллс-Ройс» нинг ўта кучли двигателлар, гидровакуумли кучайтиргичлар, бурилиш даражасига мос ёнувчи равишда чироқлар, телефон, музлатгич, стереоаппаратура, алоҳида таҳкамликка эга бўлган ойналар ҳамда техник тараққиётнинг сўнгги ютуқлари асосида жиҳозланган охирги модели автомобилсозликнинг илк босқичида яратилган турдошидан барча метрлар бўйича кескин фарқ қилади.

Гарчи мазкур объектнинг тузилишида бир неча ўн йиллар мобайнида муҳим ўзгаришлар содир бўлган бўлса—да, у ўзининг асосий вазифасини бажаришда ҳамон давом этмоқда. Автомобилнинг барча турлари ички ёниш двигатели ҳамда тўртта ғилдиракнинг борлиги билан бошқа юриш воситаларидан вазифасига кўра фарқланиб келмоқда (айтмоқчи, мотоциклларнинг пайдо бўлиши билан двигателларнинг фарқлаш хусусияти ўзининг дастлабки гчийтини йўқотди. Шунингдек, ички ёниш двигателларининг ҳаракатланиши асосида яратилган ҳозирда электр двигателли автомобиль ёки электромобиль деб аташ мумкин бўлган автомобиллар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин). Бу фактор шуни кўрсатадики, **автомобиль** сўзи орқали муайян объектни аташ қатъий одат тусига кирган.

Сўз семантикасидаги бундай ўзгаришлар В.Гумбольдт фикрлагани каби бир турдаги объектни ифодаловчи сўзнинг тамомила бошқа бир

турдаги объектни ифодалашга кўчиши, яъни нарсанинг табиатига алоқадор бўлган тўғри атамага бевосита боғланмаган иккиламчи номинацияни келтириб чиқарадики, у тилга реал фаолиятни адекват ифодалаш имконини беради.

Немис олими В.Вундт сўз маъносидаги ўзгаришларга хос бўлган тил қонуниятларини психологик аспектда очиб беришга ҳаракат қилган. В.Вундтнинг физиология, психология ва филологияга қизиқиши унинг тадқиқот методларида ўз изини қолдирди. Ҳатто айтиш мумкинки, ундан сўнг тил фактларига қизиқиш шу қадар ортиб кетдики, улардан психологияда ҳам самарали фойдаланилди.¹

Иккиламчи номинацияга алоқаси борлиги учун шунини таъкидлаш жоизки, В.Вундт сўз маъносининг ўзгаришидаги уч ҳолатни алоҳида ажратиб кўрсатган: ўхшашлик асосидаги алоқа, замон ёки фазовий ёндошлик асосидаги алоқа, қарама — қаршиликлар асосидаги алоқа. Буларнинг барчаси ассоциатив характерга эга ва бунинг учун В.Вундт **апперцепция** атамасини киритган. Мазкур атама остида у ассоциатив алоқаларни бирлаштирувчи, алоҳида ҳолатларда нарсанинг муайян образини гавдалантирувчи элементар характерга эга бўлган вазифани тушунган.

В.Вундт томонидан ажратиб кўрсатилган маънодаги ўзгаришлар бир хил характерга эга эмас. Улардан баъзилари бевосита ифодаланаётган тушунчадаги тараққиётга боғлиқ бўлса, иккинчилари бу тараққиётга алоқаси бўлмаган ташқи тартибларга боғлиқ бўлади. Улардан биринчилари маънонинг тармоқланишига боғлиқдир: «битта маъно вақт ўтиши билан турлича аспектлар ва ассоциатив боғланишларни ўзида ифодаловчи бир қатор янги тушунчалар билан ривожланиб боради.²

1 Ср Звегинцев В.А. История языкознания XIX-XX веков в очерках и извлечениях. Ч.1. М.1964. С. 126.

2 Звегинцев В.А. Семасиология. М: Моск. ун-т.1957. С.16

Сўзнинг семантикасидаги бундай ўзгаришлар шундай фикрга олиб келдики, В.Вундт тўғри ва кўчма маънодаги ассоциатив боғлиқликларни тан олган ва бунда у биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган фактор сифатида тўғри маъно ифодалаган такомил нуктасини асос деб қабул қилган. Бу фикрга тўла қўшилиб бўлмайди, негаки, муайян товушлар йиғиндисининг кўчма маънони ифодалашга ўтишини тушунчанинг одатдаги тармоқланиши деб баҳолаш мумкин. Бунинг пировард натижасида содир бўладиган семантик ўзгаришни асосий сабаб деб кўрсатиш мумкинми?

Шаҳар меъморчилигида аниқ, ягона режага киритилган, бирмунча эстетик характерга эга бўлган шаҳар ичидаги тўғри транспорт йўлини ифодаловчи **проспект** атамасида мазкур сўз шу маънода ишлатила бошланганидан буён катта ўзгаришлар содир бўлгани йўқ. Шоҳкўчалар шаҳарсозлик ривожига боғлиқ равишда қиёфаларини ўзгартирди, бироқ бу нарсасида тушунчадаги маъно ҳажмининг жиддий ўзгаришига асло сабабчи бўлгани йўқ. Мана шундай барқарорлик атамавий ҳолат саналади ва улар учун бу меъёрдир.

Проспект (шоҳкўча) атамасининг қишлоқ хўжалигида ҳам ишлатила бошланганлиги маънонинг кенгайишига олиб келди. Бу шундай содир бўлди. Агросаноат бирлашмаларининг тараққиёти туфайли ердан фойдаланишнинг турли хил методлари яратилди. Бу эса ўз навбатида агротехника билан боғлиқ сўзларнинг луғат жамғармасида янги сўзларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Шу билан бирга агротехника атамаларида олдиндан мавжуд бўлган сўзларни янги маънода қўллаш ҳам йўлга қўйилди. Шундай жараён туфайли **проспект** атамасини кўчма маънода қўллаш келиб чиқди. Бир хил навдаги полиз ёки мевали дарахтлар қатъий тартиб асосида параллел тарзда экилган майдонга **проспект** атамаси ишлатила бошландики, бу атама нафақат қишлоқ хўжалиги ҳужжатларида, балки оммавий — ахборот воситаларида ҳам

кенг қўлланила бошланди. Фикримизнинг исботи сифатида Ўзбекистоннинг замонавий агросаноати ҳақида берилган телевизион кўрсатувдаги Голдан Делише проспекти атамасини келтиришимиз мумкин. Табиийки, мазкур атамадаги меъморий тушунча билан боғлиқ маъно иккиламчи атамадаги товушлар комплексини тўла ифодалаш учун асос бўла олмайди. Бу ерда кўчма маънонинг ҳосил вазифасида объектлар ўртасидаги бошқа бир ўхшашликлар асос вазифасини ўтамоқда. Транспорт магистралари ва замонавий фан тавсиясига кўра ўсимликлар қаторидаги тўғрилиқ сўз маъносининг кўчишида бош асос саналмоқда.

Маънонинг кенгайиши иккиламчи номинациясини келтириб чиқарди. Бу билан сўз семантикасида сифат ўзгариши содир бўлди, лекин тушунчанинг одатдаги кенгайиши билан боғлиқ бўлган миқдор ўзгариши рўй бергани йўқ.¹

Агар ўзгариш кейинги фактор асосида рўй берадиган бўлса, бутун жараён атама маъносидаги этимологияга бориб тақаладиган тўғри номлаш доирасида амалга ошган бўлади. В.Вундтнинг фикрини ривожлантирадиган бўлсак, тушунча эволюцияси ва сўз этимологияси сўздаги ўзгариш жараёни учун билвосита муҳим саналган учрашиш нуқтасига эга бўлиши мумкин, аммо амалда ажратилган сўзнинг кўчма маъноси учун тўғри маънонинг бугунги ҳолати асос вазифасини ўтайди. Бунда денотат янгитдан номланаётган объектга хос бўлган белгиларга ўхшаш у ёки бу белгиларни ўзида жамлаган бўлади.

Сўз семантикасидаги эски ва янги маъноларни В.Вундт кўп маъноликнинг кўриниши деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, эски маънонинг йўқолиши сўз мотивациясининг йўқолишига ва семантик занжирнинг узилишига олиб келади. Бунинг натижасида тилда уларнинг бирлиги

¹ Проспект (шоҳкўча) сўзининг бошқа маъноларига ҳам диққат қилинг: нашр проспекти, режа — проспект. Булар мазкур ишнинг вазифасига қармайди. Биз бу ерда этимологик дублетлар ҳақида сўз юритганмиз.

сезилмай қолади, кўп маъноли сўзнинг алоҳида бир маъноси мустақил сўз сифатида қабул қилинади. В.Вундтнинг фикрини қайсидир маъноларига кўра бир —бирига боғланган бирликларда семантик ажратиш рўй бериб, омонимларнинг баъзи бир турларининг пайдо бўлишига олиб бориб тақаш мумкин.

В.Вундтнинг семантик жараёнлардаги психологик тадқиқи ифода ва маъно ўртасидаги алоқаларни тушунтиришда ўз изини қолдирди. Бу боғланишга В.Вундт томонидан одатдаги ассоциатив алоқалар сифатида баҳо берилади. Бунда товуш ифодасига мазмуннинг мос келиши билан боғлиқ бўлган киши онгидаги юзлаб тасаввурларга асосланилади. В.Вундтнинг фикрича, киши онгида рўй берадиган ассоциатив боғланишлар туфайли товушдар йиғиндиси улар ифодалаётган предметга мутаносиб келади. Бироқ бундай ҳолларда ассоциатив равишда реал предметларга бириктирилган маъно тақомилият ва семантик силжиш анъаналарини йўқотган бўлади.

Бундай боғланишлар ҳақида Л.И.Выготский шундай деб ёзади:

“Сўз ва маънони боғлаб турувчи ассоциация шу турдаги бошқа предметларга мутаносиб равишда кучайиши, уларга бириктирилиши, ўхшашлик ва қўшилувчанлик асосида предметларнинг доирасига тарқалиши ёки аксинча, бир қатор сифат ҳамда миқдор хусусиятларини йўқотиши мумкин, аммо у ўзининг ички руҳий хоссасини асло йўқотмайди, бундай бўлганда эди, у ассоциация саналмай қолган бўларди. Барча тараққиётлар (сўз маънолари — Л.Х.) алоҳида сўзлар ва предметлар ўртасидаги ассоциатив боғланишларнинг ўзгаришига олиб келади: олдин бошқа предметни ифодалаган сўз кейин бошқа предмет билан ассоциатив алоқадорликда бўлиб қолиши мумкин. Масалан, **пальто** сўзи дастлаб битта одамни ифодалаган бўлса, кейинчалик бошқа предметга кўчди.¹

Выготский Л.С. Мышление и речь. М- Л.: ОГИЗД934. С. 262-263.

В.Вундт томонидан таклиф этилган семантик ўзгаришлардаги бундай талқин кейинчалик шу ҳолида тараққий эттирилди. Семантика билан шуғулланувчи тадқиқотчилар учун биринчи галда ҳисобга олиниши зарур бўлган семантик ўзгаришларнинг адекват қурилишини таъминловчи ифода (товуш) ва маъно ўртасидаги алоқани текширишдаги камчилик ўша ҳолида қолаверди.

В.Вундт томонидан илгари сурилган ғоянинг ўзига хос ривожланишини Г.Шпербер назариясида кўришимиз мумкин. Бу назария ҳам лингво — психологик асосда шаклланди, лекин унинг муаллифи ўзидан олдинги тилшунос олимларга нисбатан жиддий тилшунос сифатида иш кўрган ва семантик ўзгаришлар сабабини матнга боғлаб талқин қилган. Г.Шпербер сўзнинг семантик тараққиёти масаласига алоҳида тил бирлиги эмас, балки унга худди сўз бирикмасининг элементлари каби ёндошиш керак деб ҳисоблаган. Мисол учун Г.Шпербер **крест** сўзидаги **бахтсизлик**, **азоб** маъносини евангелистик ифода бўлмиш **ўз дардини тортмоқ (нести свой крест)** бирикмаси таркибида олиш керак деб изоҳлайди.¹ Афсуски, бу сўзнинг семантик структураси тараққиёти тўғри, текис амалга ошмайди. Аслида, крест (хоч) сўзи бир неча сабабларга кўра христианча сабр —бардош рамзи бўлиб қолган. Ўзига михланган одам чексиз азобларни ўзида синаб кўради ва унинг бу ўлими унга эргашган кўп сонли одамлар учун ўзига хос огоҳлантириш бўлиб хизмат қилган. Зеро, хочга михланган одам унга эргашган одамлар учун азобланиш ва чексиз ишонч рамзи қилиб қолди. Шу тариқа мана шу босқичда азоб, чидам. оғрик, кечириш, хукм этилиш, итоатгўйлик, муқаддаслик каби маънолар шаклланди ва юқоридаги сўз аста —секин насронийликнинг рамзи қилиб қолди. Ҳозирги кунда мазкур сўзнинг маъноси янгича мавҳум унсурларни ўзига жамлаган.

¹ Sperber H. Einführung in die Bedeutungslehre. Bonn, 1923.

Бу босқичга сўзнинг кўчма маънога эга бўлиши учун асос давр деб қараш мумкин. Унинг юзага келишидаги асосий сабаблардан бири шундаки, насроний ўлимни бўйнига олганини ифодалаш учун ўз ёнида хочни олиб юриши керак бўлган. Шу ҳолда **хоч** сўзи кўчма маънога эга бўлди, сабаби у ўзида ҳаётдаги қочиб қутилиб бўлмас кундалик кўнгилсизликларни, касалликларни ва азобларни ифодалайди. Шубҳасиз, бу сўзнинг кўчма маънода қўлланиши маънонинг юзага чиқишида асосий фактор бўлиб хизмат килади.

Шубҳали бўлиб кўринган томони шундаки, мазкур сўзнинг семантик жиҳатдан ўзгариш сабаблари Г.Шпербер томонидан евангелистик ифода таъсирида кўриб чиқилиб, у чегараланган сўзлар йиғиндисини ўзида бириктирган ва кўчма маъно шу доира ичидагина олинган. Кўриниб турибдики, матнлар кўчма маъноларни ўзларида нормал қўлланилиши учун асос ҳисобланса-да, улар ўз ҳолича тадқиқ қилинаётган сўзлардаги семантик силжишларнинг, ўзгаришларнинг шаклланишини таъминлаб бера олмайди. “Шпербер томонидан ажратиб кўрсатилган матн охир-оқибатда реал ҳолатда юзага чиқади ва бунда у вазифа нуқтаи назаридан коммуникатив (мулоқот) бўлақларининг экстралингвистик жараёнини ифодалаш учун йўналтирилган бўлади. Худди шу сабаб асосида кўчма маъно келиб чиққан.

Дарвоқе, иборалар таркибида ўз ўрнига эга бўлган, муайян сўзлар қуршовида юзага чиқаётган кўчма маънонинг бўлиши шарт амас. Масалан, бу ўринда **хоч** сўзининг **оғир, мукаррар** каби сўзлар билан бирга иштирок этган иборалар таркибидаги маъноларини олишимиз мумкин.

Сўз маъносини модификация қилиш жараёнини Г.Шпербер инсоннинг рухий ҳолатлари асосида тушунтирар экан, бу ўринда эмоционал ҳолатни семантик силжишдаги асосий омил деб ҳисоблайди. Афсуски, Г.Шпербер сўз маъносининг ўзгаришидаги эмоционал

омилларнинг ҳал қилувчанлик хусусиятларини ажратиб кўрсатар экан, ўз эътиборидан асосий бир нарсани, яъни тилнинг тафаккур билан боғланганлигини четда қолдирган.

Тил материалларини компонент сифатида психологик жиҳатдан изоҳлаш Лейпциг университетида шаклланган Ёш грамматикачилар оқими вакиллари асосий иш тамойили бўлиб қолди. Ёш грамматикачилар барча тил ўзгаришлари шахснинг кундалик нутқий фаолиятида такомиллашади деб ҳисобладилар. Уларнинг асосий қарашлари 1880 йили нашр қилинган Г.Паулнинг “Тил тарихи тамойиллари” асарида ўз аксини топди.

Г.Пауль ўз китобининг 4-бобида полисемияни рад этган, кўп маъноли сўзнинг барча маънолари бир маънога бирикади деб ҳисоблаган Т.Штейнтал билан баҳсга киришади. Г.Пауль сўз семантикаси мазмунидаги бундай соддалаштиришга қарши чиқиб, полисемия ва моносемияни чегаралашга имкон берувчи ўлчов мезонларини ишлаб чиқади ва шу мақсадда окказионал ҳамда узуал маъно тушунчаларини киритади. Узуал маъно остида шу тил соҳиблари учун тасаввурлар йиғиндисини берувчи сўздаги мазмунни тушунади.

Окказионал маъно остида эса сўзловчининг нутқ жараёнида шу сўзга боғлаган тасаввурларини талқин қилади. Г.Паулнинг бу фикри шундан далолат берадики, у тил ва нутқ жараёнларини чегаралаб қўйишга ҳаракат қилган ҳамда сўздаги ҳар бир фикрий четга чиқишларни ҳам кузатган. Маънодаги бу икки типни ажратишда Г.Пауль қуйидагича ёндашган: сўзлар узуал ҳолатда кўп маъноли, окказионал ҳолатда эса бир маъноли бўлади.

Сўзнинг кўп маънолилигини аниқлаштирувчи фактор сифатида Г.Пауль биринчидан, маънодаги барча кўламини озайтирмаган ҳам кўпайтирмаган ҳолда тўла қамраб олувчи ягона таърифнинг бўлмаслигини эътироф этади; иккинчидан, сўз маъносидан тўла ҳажмда окказионал

жиҳатдан фойдаланиш мумкин эмаслигини таъкидлайди.

Г.Паулнинг фикрича, кўпгина ясама сўзларда мустақилликка интилиш кучли бўлиб, улар узул маъно аҳамияти касб этиши мумкин. Бунда ясама сўз окказионал ҳолатда асосий маъносиз ҳам тушунилаверади. Г.Пауль тилда мустақил маъно сифатида ишлатилувчи жуда кўп ясама сўзлар борлигини эътироф этади. У тарихан бир—биридан узилиб қолган қариндош маъноларни тиклаш учун этимологик усулдан фойдаланишни таклиф килади.

Масалан, ҳозирги немис тилида Fuchs- тулки, малла ранг от, чалла ранг одам, айёр, олтин (олтин танга), биринчи семестр талабаси маъноларида ишлатилади.

Унга таққосланг: ўрта асрлардаги немисчада Воск- эчки, эчкилар, хато кетиш ва ҳ.¹ Г.Пауль томонидан товуш ўхшашлиги асосида берилган баҳо ҳозирги немис тилидаги Acht-диккат, важоҳат, саккиз сўзини ҳам кўп маъноли сўз сифатида қараш имконини беради. Шаклий ўхшашликнинг тасодифий эканлигини Г.Пауль яхши тушунса —да, яққол кўриниб турган шаклдош сўзларни у кўп маъноли сўз сифатида шунинг учун кўрсатиб ўтганки, бундай товуш бирикмасини матндан ташқарида эшитиб, сўзловчининг нимани назарда тутаетганини билиб бўлмайди.

Бу ўринда Г.Паулнинг сўзлардаги кўп маънолиликнинг юзага чиқишида матннинг муҳим аҳамият касб этиши ҳақидаги фикрларини эслаб ўтиш жоиз. «Мен учун,— ёзади Г.Пауль, — ўрмонда сайр қилаётиб, расм дўконида ёки бирор қаҳвахонада кандайдир гравюрани томоша қилаётиб, Blatt-«варақ». «расм», “рўзнома” сўзини эшитиб, гапнинг рўзнома ҳақида бораётганлигини англаш барибир эмас»². Қайси маънода келаётганлиги матнга киритилмаган ва ҳеч намоиш қилинмаган, кўрсатилмаган бўлса, эшитувчи биринчи галда сўзнинг одатдаги маъноси ҳақида ўйлайди; бу билан ҳар доим ҳам мақсадга эришиб бўлмайди.

Г.Пауль семантик ўзгаришларнинг бош сабабини узул ҳамда

окказионал маънолар ўртасидаги чегаранинг беқарорлигини келтириб чиқарувчи шахс руҳиятининг хусусиятларида деб билади. Т.Пауль бу борада ўзига хос тасниф таклиф қилган бўлиб, ўзгаришларни тартибга солиш мақсадида тўртта семантик ўзгариш категориясини келтиради.

1. Маънонинг торайиши.
2. Маънонинг кенгайиши.
3. Маънонинг аралашуви (ўхшашлик, вақт ва макондаги аралашув ва шу каби)
4. Алоҳида ҳолатлар (гипербоалар, кўпол ифодалар, эвфемизмлар, баҳони ифодаловчи сўзлар).¹

Махсуслашув (маънонинг торайиши) Т.Пауль турларидан бири сифатида кўриб чиқилган.² Соф окказионал ва узулал маъно ўртасидаги фарқни исботлаш мақсадида у **Schirm** сўзининг семантик таҳлилини келтиради. Мазкур сўз окказионал планда «тош экран», «абажур», «шапка соябони», «ёмғирпуш», «соябон» маъноларида ишлатилади; булар ичидан «тош экран» ва «абажур» маънолари маълум бир ҳолатлардагина қўлланилади, **«соябон»** маъносида эса ҳар қандай ҳолатда енгил қабул қилинади. Бундай кўринишларда предметнинг функцияси эмас, балки тузилиши ва шакли идентификация қилинган бўлади.

Шу асосда шундай хулосага келинади: «Хатто мантиқан ҳам умумий маъно актида тушунилаверадиган мустақил маъно умумий маънодан ажралиб чиққан алоҳида маъно сифатида кўрсатилади».³

Г.Пауль мустақил маънога эга бўлган соябон маъносини окказионал маънодан ўсиб чиққан узулал маъно деб тушунади.

У иккинчи семантик ўзгаришни маъно ҳажмининг кенгайиши, тушунча мазмунининг бирлашиши билан характерлайди.

Пауль Г. Принципы истории языка. Москва, 1960, С.-106-124

Пауль Г. Принципы истории языка. Москва, 1960, С.-106

Пауль Г. Принципы истории языка. Москва, 1960, С.-107

Сўзнинг таркибида унинг барча эски маънолари мавжуд бўлса-да, уларнинг хаммаси эмас, фақат биттасигина сўзловчи ва тингловчи учун керак бўлади. Айнан мана шу ҳолат мазкур жараён учун бошланғич нуқта саналади. Г.Пауль бу фикрини **gehen** сўзининг семантикаси билан исботлашга уринади. Бу сўз, аввало, **«юрмок»** маъносини англатади ва бошқа ҳаракат усуллариغا нисбатан **fahren-бормок, reiten-бирор нарсани миниб бормок** сўзларига нафақат маъно томонидан, балки ҳолат ҳамда тинчлик жиҳатидан ҳам қарама — қарши қўйилади. Бу қарама — қаршиликка дастлаб зарурият деб қаралди, кейинчалик алоҳида маъно деб тушунила бошланди. Бу эса мазкур сўзнинг қуйидаги бирикмалар таркибида ишлатилишига олиб келди: *das Muhlradgeht* (тегирмон парраги айланаяпти-юряпти), *die Uhrgeht* (соат юряпти) ва ҳ. Семантик ўзгаришларнинг учинчи тури сифатида маънонинг қоришиб кетиши — макон ва вақт муносабатида ном кўчиши деб кўрсатилади.

Ўзгаришнинг бу типига метонимия ва синекдохани киритиш мумкин.

Мисол тариқасида Г.Пауль **Graukopf-оқ сочли, оқсоқол** ва **Lugenmaul** - алдоқчи (сўзма —сўз таржимада «алдоқчи оғиз») ва шу каби бошқа сўзларни келтиради.

Г.Пауль ўзгаришнинг тўртинчи турига биринчи учта турини ҳосил қилишда шаклланадиган, лекин мантиқий доирага мос тушмайдиган ўзгаришлар —гиперболалар, қўпол иборалар, метоталар, эвфемизмлар ва айрим кўтаринки маънодаги сўз қадрининг тушиши билан боғлиқ маъноларни киритади. Масалан, **немис - тилидаги «жаноб»** сўзи дастлаб қўл остида бўлган кишиларнинг ўз хожасига нисбатан айтиладиган сўзини ифодалаган бўлса, вақт ўтиши билан у мурожаат шаклига айланиб қолган.

Г.Паулнинг назариясидаги асосий эътирозга сабабчи бўладиган ҳолатлардан бири шундаки, у узувал маънонинг ўзгариб бориши окказионал маънода фойдаланишнинг шакл ўзгариши билан боғлиқ

бўлади ва бу нарса беихтиёр равишда амалга оширилади деб ҳилсоблайди.¹ Бундан шу нарса келиб чиқадики, кўрсатилаётган гемантик ўзгариш тасодифий характерга эгадир.

Бироқ бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Негаки, иккиламчи номлашнинг турли кўринишлари вақт ўтиши билан номлашнинг асосий усулларида бирига айланиб қолди ва шу билан бирга уларда тил қонуниятларининг янгича сифат ўзгаришлари ўз зухрини топди.

Шу тариқа Г.Пауль тил материалларига бой бўлган маъно ўзгаришларининг ўзига хос таснифини яратди ва унинг тақомилини белгилаб берди.

Бунда у асосий эътиборни сўзловчи нутқидаги узуал маънонинг окказионал маънога айланиш механизмига қаратди. Бу ўз навбатида келгуси авлод тилшуносларининг диққат —эътиборини ўзига жалб этди. Масалан, семантиканинг бу соҳасига Ш.Баллининг сўзнинг гапдаги зарурияти ҳақидаги таълимотини киритиш мумкин.² «Ёш грамматикачилар» томонидан асос солинган индивидуал психологизмнинг асосий ғоялари Россияда ҳам қўлланила бошланиб, ўз навбатида XIX асрнинг 70 — 80 йилларида икки лингвистик мактабни: Москва ҳамда Қозон тилшунослик мактабларини келтириб чиқарди. Қозон тилшунослик мактаби Бодуэн де Куртенэ томонидан ташкил қилинган бўлиб, бу мактаб вакиллари асосий диққатни тил фаолияти ва ўзининг фонетик қонуниятларидаги психологик томонларни ўрганишга қаратганликлари билан характерланади. И.А.Бодуэн де Куртенэнинг шогирди бўлмиш Н.В.Крушевский ўз устозининг илмий қарашларига таянган ҳолда умумий тилшунослик муаммолари билан жиддий шуғулланди.

¹Пауль Г. Принципы истории языка. Москва, 1960, С.-106

² Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. Москва, 1955, С.-87

Н.В.Крушевский тил тараққиёти қонунларини ўрганар экан, асосий эътиборни сўзнинг морфемик тузилиши ва сўз ясалишига қаратди, аммо унинг ишларида тил ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги ўринларга ҳам дуч келишимиз мумкин.

Масалан, у ёзади: «...предметларнинг номини, сифатини, ҳаракатини, ҳолатини ва ш.к.ларни билдирган сўзлар бир — бирларидан нафақат мазмунига кўра, балки ташқи кўриниши, тузилиши ва маълум бир даражада товуш томони билан ҳам фарқ қилади. Биз бу ерда тил тараққиётининг қонунларига берилган дастлабки кўргазмани беришимиз мумкин.

Бу қонун сўзлар дунёсининг фикрлар дунёсига мос тушиш қонунидир. Дарҳақиқат, тилга белгилар тизими сифатида қараладиган бўлса, тилнинг идеал ҳолати шу нарса билан характерланадики, белгилар тизимига улар ифодалаётган нарсалар тўлиқ мос тушади. Кўрамизки, тилнинг бутун тақомили мана шу идеалга интилиш билан боғлиқ».¹

Сўзлар дунёсининг тушунчалар дунёсига мос тушиши масаласини Н.В.Крушевский ўзига хос талқин қилган. Келтирилган фараз остида Н.В.Крушевскийнинг шундай фикри ётадики, бунга кўра предметлар тўғрисидаги тасаввурлар улар бажарадиган вазифаларнинг ўхшашлиги, муваққат тааллуқлилиқ ва ҳ. тамойиллар асосида бирлашади. Шу асосда тасниф қилинган предметларни билдирувчи сўзлар системани ҳосил қилади деган фикр тутилади: «Агар буюмлар тўғрисидаги тасаввурлар уларга тушадиган сўзлар билан чамбарчас боғланган бўлса, у ҳолда нима назарда тутилади? Сўзлар ўзлари англатган буюмлар билан биргаликда онгимизда гуруҳланади. Тилда уларни биз от билан биргаликда олмош, сон, феъл, сифат, равиш каби гуруҳларга бўламиз — ку!»²

1 Крушевский Н.В. Очерк науки о языке. Казань:Б.И., 1833,С.- 68.

2 Крушевский Н.В. Очерк науки о языке. Казань: Б.И..1833.С.- 67.

Н.В.Крушевский тил тизимида сўзларнинг ишлатилиши устида олиб борган кузатишларига асосланиб, бундай ҳолатни ишлаб чиқиш учун ғоятда қимматли бўлган шундай хулосага келади: «ҳар қандай сўз бошқа сўзлар билан ўхшашлик асосида ассоциатив узвлар орқали боғланган бўлади... сўз бизнинг руҳиятимиздаги бошқа сўзларни ўхшашлик асосида психик януниятлар туфайли қўзғата олади...

Агар сўзлар ўхшашлигига кўра бизнинг онгимизда тизимлар ва уяларга жойлашган бўлса, улар ассоциациянинг бирикиш қонуниятлари туфайли бир қаторга тизилади»¹.

Н.В.Крушевский замонавий атамалардан фойдаланиб, сўзнинг парадигматик ва синтагматик аспектлардаги фаолияти ҳақида сўз юритади.

Н.В.Крушевскийнинг ассоциатив муносабатлар ҳақидаги таълимоти имплицит жиҳатдан ўзига шундай ғояларни бирриктиради, бу ғоялар семантик майдон ҳақидаги Л.Вейсгербер, И.Трир, Г.Ипсен, В.Порциг ва бошқа олимларнинг илмий қарашларига яқин келади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, иккиламчи номинацияни мана шу назария асосида кўриб чиқиш кўп маъноли сўзни тилнинг лексик — семантик системасидаги бир элемент сифатида кўриб чиқиш имконини беради ва бунда уларнинг ўзаро алоқаси ҳақида бир бутун тасаввурга эга бўлиш мумкин бўлади.

Шунга ўхшаш ёндашувни кейинроқ Ф.де Соссюр таълимотида кузатиш мумкин. У айтадики: «...сўзлар нутқда бир —бири билан бирикиб, бир чизик остида тўғри муносабатга киришади. Бу эса бир вақтнинг ўзида икки элементни бирданига талаффуз қилиш имконини бермайди»².

1 Крушевский Н.В. Очерк науки о языке. Казань: Б.И., 1833, С-67

2 Соссюр Ф.де Курс общей лингвистики. В.кн: Ф.де Соссюр. Труды по языкознанию. М.: Прогресс, 1977. С. - 155

Ф.де Соссюр синтагматик муносабатлар остида тилнинг тўғри чизиқли табиатига мувофиқ равишда “re-lire”— қайта ўқимок “contretous” — ҳаммага карши, “la vie humaine” — инсон ҳаёти ва шу каби ҳолатларда ўз ўрнига эга бўлган муносабатларни тушунади.

Бошқа бир томондан Ф.де Соссюр сўзларни «ўзаро бир — бирлари билан қандайдир умумийликка эга бўлган ва хотирада жамланган» гуруҳларга бўлади. Шу асосда улардан гуруҳлар ҳосил қилиб улар орасидаги турли хил муносабатлар қайд қилинади. масалан, «enseignement»- ўқитиш сўзи беихтиёр инсон онгидаги бошқа кўплаб сўзларни келтириб чиқаради: “enseigner”- ўқитмок, “renseigner”-яна ўқитмок каби. Улар у ёки бу хусусиятига кўра — бирига ўхшашлигини айтиб ўтади. Бу муносабатлар Ф.де Соссюр томонидан ассоциатив муносабатлар сифатида таърифланади¹.

Сўзнинг вазифавий масалаларига нисбатан бўлган бундай ёндашув Ф.де Соссюрнинг тил белгилар системаси эканлиги ҳақидаги умумий қарашларига асосланади. Унинг концепцияси ўзининг илмий янгилиги ва тил белгилари қонунларини кенг умумлаштира олиши билан бошқа қарашлардан фарқ қилиб, тилни структурал методлар асосида ўрганиш учун асос яратди. Ф.де Соссюрнинг «Умумий тилшунослик курси» китобидаги лингвистик белгининг табиатига бағишланган таҳлил иккиламчи номинацияни тадқиқ қилишда ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Ф.де Соссюр белгининг ўзгарувчанлиги ва мунтазамлилиги масаласига бағишланган бобда айтиб ўтадики, белгининг доимийлиги тилнинг мўътадил бўлиши учун кафолат саналади; тилнинг авлоддан авлодга бус — бутун ҳолда ўтиш ҳолатини ҳам унутмаслик лозим. Лекин барқарор тилнинг характерли хусусиятларидан бири шундаки, тилнинг узлуксиз тарзда давом этиши натижасида белги жуда тез ёки секин тарзда ўзгариб боради.

¹ Соссюр Ф.де. Курс общей лингвистики. В.кн: Ф.де Соссюр. Труды по языкознанию. М.:Прогресс. 1977. С.-155

Ф.де Соссюр тилнинг ўзгариш қонуниятларини жуда кенг тушунади, фонетик ҳамда мазмуний эволюцияни ҳам шунга киритади. Бундаги асосий нарсаси сифатида ўзгаришларнинг таснифий турларини эмас, балки уларнинг асл моҳиятини тушунади: ўзгариш факторларининг алоҳида ёки бир —бири билан бириккан ҳолдаги таъсиридан қатъий назар, улар ҳар доим ифодаловчи ва ифодаланмиш ўртасидаги муносабатларни ҳаракатга келтиради.¹

Ф.де Соссюр тил ўзгаришлари, жумладан, семантик ўзгаришларнинг объектив характерга эга эканлигини, тил моҳиятига кўра доимий равишда ўзгариб турувчи ифодаловчи ҳамда ифодаланмиш ўртасидаги муносабатларни инкор эта олмаслигини таъкидлаб ўтади.²

Кўриниб турибдики, Ф.де Соссюрнинг бу иши ўта синчковлик билан таҳлил қилишни тақозо этмоқда, бироқ у семантик ўзгаришларни табиий тилнинг ажралмас хоссаси сифатида кўрсатиши билан биз учун ғоятда қимматли саналади.

Шуни ҳам уқтириб ўтиш керакки, биз томонимиздан тадқиқ қилинаётган семантик ўзгаришларни Ф.де Соссюр қонуний эмас, деб ҳисоблаган.

Тил фаолиятини шахмат ўйини билан таққослаб, у шундай деган эди: «...Фақат бир жойдагина бизнинг қиёслашимиз ноўрин бўлиши мумкин. Шахматчида бир юриш билан шахмат тахтасидаги муносабатлар тизимига таъсир қилиш мўлжали бор бўлади, тилда эса ҳеч ўйлаб турилмайди, унинг «доналари» бетартиб ва тасодифан ўзгариб боради...

Шахмат партияларининг тилга мос тушиши учун инсон ўзини онгсиз ҳаракат қилаётган ёки ҳеч нарсани ўйламайдиган ўйинчидек ҳис қилиши керак»³.

1 Соссюр Ф.де. Курс общей лингвистики. В.кн: Ф.де Соссюр. Труды по языкознанию. М.: Прогресс. 1977. С.-107-108

2 Соссюр Ф.де. Курс общей лингвистики. В.кн: Ф.де Соссюр. Труды по языкознанию. М.: Прогресс. 1977. С.-108

3 Соссюр Ф.де Курс общей лингвистики. В.кн: Ф.де Соссюр. Труды по языкознанию. М.: Прогресс. 1977. С.-122

Хатто французча routre «бия» сўзининг «тусин» маъносида кабул қилиниши маълум сабабларга кўра тил таркибида қайд этилган беҳисоб ҳолатлардан бири саналади, ҳолос.¹

Тилнинг борлиққа бўлган муносабати масаласи «Сўзлар ва буюмлар» (Worter und Sachen) семасиологик оқими номояндалари томонидан ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, улар сўз такомилини шу сўз ифодалаган буюмлар тарихи билан боғлашга ҳаракат қилиб кўрганлар.² Бу борадаги Г.Шухардтнинг қарашлари диққатни ўзига тортади. У бир қатор долзарб муаммоларни кўтариб чиқар экан, ҳар қаторида номинация масаласини ҳам ичига олган тилнинг борлиққа бўлган муносабатини тадқиқ қилиб кўради. Г.Шухардт номинация механизмини бизни ўраб турган оламни индивидуал ҳис қилиш билан боғлиқ томонлардан излаб кўрди: «Қачон ва қандай қилиб янги ифодани ҳосил қилиш мумкин? У ёки бу -индивид томонидан алмашувга бўлган талаб ва эҳтиёж барча ҳолларда алмашув учун сабаб бўлиши мумкин».

Номлаш жараёнини ўрганиш учун Г.Шухардт синонимия ҳодисасига мурожаат қилади.³

Асосий сўзни, яъни номлаш пайтида тил жамоасидаги ҳар бир аъзонинг қизиқишлари билан боғланган белгини танлаш орқали уларнинг келиб чиқиш қонуниятларини изоҳлаб беради... «У ерда объектив сабаблар, воситалар, ҳолатлар ҳаракатга келади, лекин ҳар бир аъзонинг фавқулодда шахсий қизиқишлари ҳал қилувчи сабаб бўлиши мумкин».⁴ Ўсимлик номлари орасида беҳисоб равишда синонимларни учратиш унга материал бўлиб хизмат қила олади.

1 Соссюр Ф.де. Курс общей лингвистики. В.кн: Ф.де Соссюр. Труды по языкознанию. М.Прогресс. 1977. С.-126

2 Подробнее см... Уфимцева А.А. Лексическая номинация (первичная нейтральная). В кн.: Языковая номинация (Виды наименований) М., 1977.

3 Шухардт Г. Избранные статьи по языкознанию. М.Т950. С. 205-206

4 Шухардт Г. Избранные статьи по языкознанию. Москва., 1950, С.-204

Г.Шухардтнинг фикрича, бир ўринда номлаш учун мазкур ўсимликни иккинчисига таққослаш асосий вазифани ўтаган бўлса, иккинчи ўринда ўсимликнинг гўзаллиги, учинчи ўринда унинг фойдали жиҳати, баъзида диний ақидаларга боғлиқ томонлари ҳисобга олинади. Албатта, мазкур фактлар номлаш жараёнида муҳим роль ўйнаши мумкин, лекин уларни мутлақлаштириш ва аҳамиятини бўрттириб кўрсатиш асосли эмас.

Ўсимлик номларининг диалектал, адабий —орфографик ва илмий — терминологик жиҳатларини ўрганиш уларнинг бир қатор хусусиятларини ойдинлаштириб беришга хизмат қилиши мумкин. Г.Шухардт эса атайлаб қилгандай диалектал изланишларни лингвистик сатҳдан чиқариб ташлаган.

Шунингдек, Г.Шухардт баъзи бир ҳолларда қайсидир объектни идрок қилишда тўла ўзгариш бўлса —да, бу унинг номининг ўзгаришига олиб келмаслигини ҳам қайд қилган, масалан, Қуёшнинг атрофида Ернинг айланиши исботини топганлигига қарамасдан, кундалик ҳаётда унга нисбатан эскича ёндашув давом этмоқда¹.

Бироқ сўзнинг семантик томонини белгилашда бундай фактларнинг кўп ҳам ҳисобга олинмаслиги ҳаммага маълум.

Номланаётган объектдаги сифат ҳамда миқдор белгиларининг имплицит тарзда ўзида ифодаловчи маънодаги сигнификатив жиҳатнинг кенгайиши идрок орқали акс эттирилади. Бу ҳолатни сўзнинг ҳар турли: махсус, оғзаки сўзлашув ва ҳоказо матнларида ишлатилиши меъёрий шартларидан бири сифатида қабул қилиш мумкин. Сигнификатдаги ҳали юзага чиқмаган имкониятлар муайян матн эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда маънодаги у ёки бу коннотатив элементларни фаоллаштириши мумкин.

¹ Бу ўринда, гарчи бизнинг мавзуйимизга алоқадор бўлмаса ҳам, Коперникнинг Қуёш системаси ҳақидаги назарияси ҳамма томонидан тан олинганлигига қарамасдан, қуёш чикди ва қуёш ботди деб гапиришда давом этаётганимизни эслатиб ўтмоқчимиз.

Г.Шухардт нарсанинг тўла янгилашиш имкониятлари ва уни нутқда қисман бўлса — да, модификациялашнинг йўқолганлигини ҳисобга олган ҳолда баъзан ўзгарган нарсага ўзгармаган сўзнинг “йўлдошлик” қилишини ҳам кўрсатиб ўтган.

Ўзгариб кетган нарса то ўзининг ифодасини топмагунча, сўз уни аташда давом этаверади. Нарсалардаги тўла сифат ўзгаришларини ифодалаш учун бундай ҳолларда тилнинг қўшма сўзлар, сўз бирикмалари, қўшимчалар каби воситаларидан унумли фойдаланилади.

Бу эса сўзга ўхшаш объектларни аниқлаш чоғида унинг моҳиятини кўрсатувчи компонент сифатида узоқ вақт давомида номинатив вазифани бажариш имкониятини юклайди.

Г.Шухардт шу билан боғлиқ ҳолатда турдош саналган баъзи бир ўсимликларнинг турини, турчасини ва бошқа кўринишларини ифодалаш учун келгусида сўз ҳамда сўз бойликларидан фойдаланиш имкониятлари мавжудлигини эслатиб ўтади.¹ Бундай мисолларни барча тилларда кузатиш мумкин. Масалан, **машина** сўзи, ўз вақтида, энергияни ҳосил қилишига қараб вазифасига кўра ўхшаш бўлган бир қатор механизмларни ифодалаган. Аста — секин бундай механизмлар шу қадар кўпайиб кетдики, уларни ифодалаш учун битта сўз етарли бўлмай қолди. Бу босқичда машина сўзи тикув машинаси, қирқиш машинаси, чок машинаси, қир ювиш машинаси, қадоқлаш машинаси, электрон ҳисоблаш машинаси, автомашина каби сўз бирикмалари учун турдош бўлиб қолди.

Г.Шухардтнинг қарашларида яққол кўриниб турган камчилик шундан иборат эдики, у идеал тилда сўз фақат битта маънони ифодалаши керак, нарсаларнинг ҳар бир тури алоҳида ифодага эга бўлиши лозим деган фикрни илгари сурган: «..дунёдаги идеал тил шу билан характерланадики,

1 Шухардт Г. Избранные статьи по языкознанию. М: 1950. С. — 205

ҳар бир сўзда битта маъно, ҳар буюмда битта ифода бўлади»¹. Шундай тилни принцип жиҳатидан идеал деб ҳисоблашга уриниш тушунарли, лекин табиий тилнинг тараққиёт жараёнида ўз тасдиғини топмайди ва уларнинг табиатига тўғри келмайди. Бундан ташқари, бу борада Г.Шухардт, Р.Мерингер ва бошқаларнинг қарашларида бизни иккилантирадиган томонлар бор.

Тил амалиётида бўлганидек, лингвистик назария ҳам гарчанд атаманинг буюм билан ички боғлиқлиги йўқлигига қарамасдан унинг тарихини буюмлар тарихига ўхшашлигига бизни ишонтирмоқчи бўлади. Тил тараққиётидаги ўзгаришлар нафақат экстра — лингвистик факторларга, балки тилдаги фонетик, морфологик ва семантик қонунларга ҳам боғлиқдир.

XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида бир нечта лингвистик оқимлар ташкил топган бўлиб, уларнинг принципларида ўша даврдаги фикрлар ўз ифодасини топган эди. «Сўз ва буюмлар» эстетик идеализм ва янги тилчилар мактаблари билан бир қаторда «Ёш грамматикачилар» га зид равишда Ф.де Соссюр томонидан олға сурилган ғояларни ривожлантиришни ўзларига бош мақсад қилиб олган бошқа мактаблар ҳам ташкил топди. Уларнинг сўнгилари сифатида Прага лингвистик тўғараги, Дания структурализми, Дескриптив лингвистика ёки Америка структурализмини тилга олишимиз мумкин.

XX йилларда шаклланган Прага лингвистик тўғараги вакиллари тилни структураси томонидан ўрганиб бориб, унинг функционал жиҳатларини ўрганишга астойдил киришдилар, улар томонидан тил тараққиёти жараёнини ўрганишда структурал методларнинг тадбиқ этилиши шу тилдаги ёндашувларнинг муҳим хусусияти саналади.

Мазкур тугарак вакиллари мавжуддиги функционал жиҳатдан

1 Шухардт Г. Избранные статьи по языкознанию. М.: 1950. С. — 202

муқаррар бўлган сўзни тилнинг номинатив фаолияти маҳсули деб ҳисоблашди. Шу билан бирга сўзнинг турли тилларда ҳар хил белгилар билан мавжуд бўлишини ва потенциал ҳолатда туришини кўрсатиб ўтишди. Тил ва борлиқ ўртасидаги масалаларга муносабатларига кўра, борлиқ тил воситасида муайян элементларга бўлинади.¹

В.Скаличка «янги номинация» иборасининг ҳажмини аниқлаштирар экан, сўз ва атамаларнинг таянч эмаслиги ҳақидаги маълумотни илгари суради, масалан, *vraní* око «бўри меваси» ва *volske* око «бўртма кўз» алоҳида феноменларнинг номи саналади, бироқ иккита сўздан иборат бўлади.² Шунга ўхшаш ҳолатларни кўриб чиқиб, В.Скаличка шундай хулосага келади: кўз ва номни чегаралай билиш керак. «Қиёсланг: ном тилнинг аташ бирлиги саналади. У кичик бўлакларга, шунингдек маъно қисмларига бўлинмайди. Солиштиринг: масалан, око «кўз», *vraní* око «бўри меваси»³ В.Скаличка, шунингдек, сўз ва атамани ҳосил қилувчи формал ҳамда маъноли элементларнинг бир —бирига мутаносиблигини ҳам ўрганиб чиқди. Бу нарсани қуйидаги фикрда ўз ааксини топди: «Морфема формал асосга эга. Сема эса маъноли асосга»⁴. Бунда шу нарсани ҳисобга олинадигани, бир морфема бир неча минимал тил бирликлари, яъни семаларга эга бўлиши мумкин.

Масалан, subaty сўзидаги «у» морфемаси уч семага эга: 1. Бош келишик, 2. Бирлик, 3. Жинс категориясига.

В.Скаличка ўзининг мазкур асарида кўп маънолилиқ ва омонимия ўртасидаги чегарадаги муайян морфемалар ҳамда сўзларни бир —бирига боғлаш асосида аниқлаш имконияти борлигини кўрсатиб ўтди.

1 Тезисы Пражского лингвистического кружка. В кн.: Пражский лингвистический кружок. М., 1967, С.-22

2. Скаличка В. Асимметрический дуализм языковых единиц. В кн.: Пражский лингвистический кружок. М., 1967, С.-119

3 Скаличка В. Асимметрический дуализм языковых единиц. В кн.: Пражский лингвистический кружок. М., 1967, С.-123

4 Скаличка В. Асимметрический дуализм языковых единиц. В кн.: Пражский лингвистический кружок. М., 1967, С.-122

Чунки шунга ўхшаш ҳолатни немис тилидаги bauer «деҳқон» ва bauer «катак» сўзларининг мисолида кўриш мумкин. Бунинг сабаби уларда омонимияга ўхшаш формал маъноли хусусиятнинг мавжудлигидир.¹ Бу мактабнинг бошқа бир вакили Б.Тринка ҳам кўп маъноли сўзларни таҳлил қилишга уриниб кўрган. Унинг фикрича, «сўзларнинг алоҳида маънолари кўчма маъно орқали бир —бири билан боғланган бўлса, улар тилда моҳиятан бир сўздай қабул қилинаверади»². Бу ҳолат инглиз - тилдаги hand «қўл», «ходим», «ёзув», «соат стрелкаси», «томон», “узатиб юбормоқ”, leaf «варақ», «бет», room «хона», «жой», «кенглик» ва бошқа сўзлар мисолида кўрсатиб ўтилади. Булар Б.Тринка томонидан мотивланган, иккиламчи номига эга бўлган сўзнинг маънолари сифатида талқин қилинади.

Прага мактаби вакиллари янги объектларнинг тил шаклида акс эттирилиши усуллари тўғрисида гапириб, шу мақсадда кўчма маънони қўллаш имконияти борлигини эслаб ўтганлар. Б.Гавранек koza «эчки», беран «қўй», око “кўз” сўзларидаги эмоционал бўёқдор маъноларни техник атамашуносликда тез тарқалиши мумкинлигига қўшилишини таъкидлайди.³ У шунини ҳам айтиб ўтадики, «профессионал терминлар оддий сўзлангув тилидаги сўзлар билан бўлган алоқа туфайли кўп зарар кўрса-да, улар боис кўп маънолилиги тиб боради»⁴.

Америка дескриптив тилшунослиги вакиллари нутқ элементларининг жойлашиш тартиби ҳамда уларнинг куршовига таянган ҳолда тил структурасининг формал жиҳатларини тадқиқ қилишга уриниб кўрдилар. Бунда улар психологик, фалсафий ҳамда тилдан ташқарида бўлган бошқа

1 Скаличка В. Асимметрический дуализм языковых единиц. В кн.: Пражский лингвистический кружок. М.: 1967. С.-121

2 Тринка Б. Замечания об омонимии. В кн.: Пражский лингвистический кружок. М.: 1967. С.-273

3 Гавранек Б. Задачи литературного языка и его культура. В кн.: Пражский лингвистический кружок. М.: 1967. С.-369

4 Гавранек Б. Задачи литературного языка и его культура. В. Кн.: Пражский лингвистический кружок. М.: 1967. С. - 368

ҳолатларга боғлиқ ҳамда нутқ, белгиларининг ўзига хос томонларини дудмаллаштиради деб, семантик факторлар таҳлилидан ўзларини нари олиб қочдилар.

Л.Блумфильд ўзининг лингвистик тадқиқотларида тилнинг мазмуний томонини ҳисобга олиш лозимлигини рад этмади. Бироқ семантик муаммоларни кўриб чиқишда у томонидан семантик ходисаларга берилган таъриф бизда шубҳа уйғотади. Сўзнинг маъновий томонларини тадқиқ қилар экан, Л.Блумфильд марказий (тўғри) ва оғишган (метафорик, кўчма) маъно тушунчаларидан фойдаланди. Иккиламчи номинацияни кўриб чиқишда Л.Блумфильд кўчма маънонинг ёндош шакллар билан боғлиқ ҳолатларида дистрибутив методдан фойдаланади. Масалан, cat сўзи ўзидан кейин -kin\catkin қўшимчасининг келишини талаб қилса, ҳамма вақт кўчма маънода қўлланади, яъни дарахт популарини англатади.

Л.Блумфильд иккиламчи номинацияга таъриф бера туриб, кўчма маънонинг инсон тилидаги табиийлиги ҳамда муқаррарлигига шубҳа билан қарайди. Л.Блумфильд муаммоларини семантик фактор асосида ечишга бўлган уринишларини нолингвистик ҳаракат деб билади ва бунини методологик хатолар қаторига киритади. Эслатиб ўтиш жоизки, Европа структурализми Америка шароитида ўзининг мустақил ривожини топди. Бунда ўша даврда АҚШда ҳукмрон бўлган фалсафий оқимлар: мантикий позитивизм ва фалсафий прагматизмлар катта роль ўйнайди. Лингвистик муаммоларни прагматик жиҳатдан ҳал этишда дескрипчилар тил тавсифини лингвистик интерпретация йўли билан эмас, балки тил факторларини қайд этиш орқали амалга оширдилар.

Америкалик тилшунослар тилни тадқиқ қилишда мазмуний меъёрларни ҳисобга олмаган ҳолда, фонология, морфология ва синтаксисни тавсифлашда максимал даражада тилни формаллаштириш йўлидан бордилар. Бу эса объектив тил мезонларини аниқлаш

имкониятини ҳисобдан чиқариб юборувчи семантикани тилшунослик фанидан ташқарида ўрганиш лозим деган хулосаларга олиб келди.

Мазкур оқимга мансуб бўлган олимлар томонидан ишлаб чиқилган дистрибутив таҳлил, умуман олганда, ҳар қандай тил ҳодисаларига нисбатан қўлланилиши мумкин, аммо тил сингари кўп аспекти ҳодисага нисбатан бўлган бундай формал ёндашиш умумий ва хусусий характердаги кўплаб муаммоларни ҳал қилиш имкониятини йўққа чиқаради.

Америка мактабининг тажрибаси шуни кўрсатдики, семантика тилнинг ажралмас бир қисми сифатида унинг ичида олиниши шарт.

Умумий тилшунослик асосларини функционал — структурал позициядан туриб ҳал этишга уринган А.Мартиненинг ишларида ҳодисаларини структурал методлар асосида ўрганишга бағишланган ҳар хилликлар мавжуд.¹ Тил тараққиёти қонунларига қўшимча тарзда А.Мартине иккиламчи номинация масалаларига қизиқиб кўрган.

А.Мартиненинг фикрича, тежамкорлик тамойили тил тараққиёти ва мавжудлигининг бош сабаби саналади.

Инсоннинг мулоқотга эҳтиёжи билан унинг ақлий ва гмоний қувватининг маълум бир нуқтага келтириш ўртасидаги :мий қарама — қаршиликларни тил ўзгаришларининг амалдаги финиши сифатида талқин этиш мумкин.² А.Мартине «сўзлар ва белгилар миқдорининг ортиб кетиши ортиқча куч сарфлашга олиб келишини баён қилади. У бу фикрни жамоа томонидан ҳам оқланган деб ҳисоблайди. Бундай кенгайиш тежамкорликка олиб майди ва албатта, ўз тўхтамини топади. Шу тариқа тил ҳаракати камчил куч деб номланган тамойил асосида бошқарилади.»³

1 Мартине А. Основы общей лингвистики. В сб. «Новое в лингвистике» вып. 3., М., 1963.

2 Мартине А. Основы общей лингвистики. В сб. «Новое в лингвистике» вып.3., М., 1963. С.- 532

3. Мартине А. Принципы экономии в фонетических изменениях. М.: 1960. С.- 126 Шунга ўхшаш фикрни Пешковский А.М. ҳам айтиб ўтган. У табиятан тил ўзининг воситаларида тежамлигини таъкидлаган. Қаранг: Пешковский А.М. Объективная и нормативная точка зрения на язык. В. Сб.: «Русский язык в школе» вып.1, 1923

Бизнинг эътиборимизни тортган сатҳда А.Мартине 2 хил тежамкорликнинг борлигини таъкидлайди: синтагматик ва парадигматик. Унинг фикрича, коммуникатив эҳтиёжларни қондириш учун тил соҳиблари нутқ тизимидаги сўзлар миқдорини кўпайтиришлари мумкин. (масалан, уй бекаси ўзининг **Bendix**¹ ёки занжиридаги бирликларнинг кўпайиши муносабати билан *machine a layer*-«*кир ювиш машинаси*» ҳақида гапириш мумкин.) Биринчи ҳолатда синтагматик тежамкорлик юзага чиқмоқда: бир номама учтасининг ўрнида ишлатилияпти...

Иккинчи ҳолатда янги бирликлар қўшилмасини от сўз юкумидан узоқлаштирувчи парадигматик тежамкорлик кўрсатилади. Яна шу нарсани алоҳида уқтириб ўтиш ўринлики, тежамкорлик тамойили олимлар томонидан кенг тушунилган. Буни А.Мартиненинг қуйидаги фикрларидан ҳам билиб олиш мумкин: “Тамойил нуқтаи назаридан бирон — бир хулосага келиш (парадигматик ёки синтагматик тежамкорлик назарда тутиляпти — Л.Х.) уларнинг қўлланилишига боғлиқ: агар келтириляётган объект тез —тез эслатиб турилса, у хотира учун ортиқча юк саналса ҳам, унга қисқача ном ёзиш тежамкорликдир; акс ҳолатларда эса объект аҳён — аҳёнда эсланса, хотирага куч бермай, унинг узун номини сақлаб қолиш тежамли саналади». Бундан ташқари, А.Мартине Cine, ёки Cinema «кино» ни cinematographe «киноматограф», metro «метро» ни chemin de fer metropolitain «метрополитен» ўрнида иплатиш каби ҳодисалар ҳақида ҳам эслатиб ўтади.

Тежамкорлик тамойили тил ҳаракатининг муҳим белгиларидан бири бўлиб, шубҳасиз объектив равишда тилда мавжуд бўлади. Бироқ, айтиш ўринлики, айрим сўзлардаги семантик ўзгаришларнинг такомили негизида ҳар доим ҳам фикр аниқлиги ва қулайлиги ётмайди.

¹ Кир ювиш машинасининг тури.

Тилнинг лексик тизимидаги тақомилият тил тараққиётига таъсир кўрсатувчи ижтимоий ўзгаришлар ва бошқа ташқи факторларга боғланган ўзининг тўғри чизиқли табиати билангина тавсифланмайди.

Немис тилшуноси В.Ингендаль тилни руҳий жараён деб тушунади ва тил ўзгаришларини (шу жумладан, семантик процессларни ҳам), шу жараённинг зуҳр этишидан гувоҳлик бериб турувчи ҳодиса сифатида талқин қилади. Янги лингвистик маъноларни ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этувчи метафорани у бу қатордаги энг муҳим ҳодиса деб билади.¹

В.Ингендаль ўз ишида метафоранинг қуйидаги таърифини беради: «Метафора мустақил тил элементи ҳисобланиб, матн таркибида янги функционал муносабатлар билан ажратилган бўлади»².

В.Ингендалнинг фикрича, кўчма маънонинг юзага чиқиш хусусияти муайян тилнинг шартлари билан боғланган бўлади. Мисол тариқасида у метафоранинг немис тилидаги баъзи бир хусусиятлари ҳақида гапириб, сўзлар кўчма маънолари билан ажратилганда, уларнинг бир сўз туркумидан иккинчи бир сўз туркумига ўтиб кетиши мумкинлигини далил қилиб келтиради. Масалан, Aal оти «қора кукун» маъносидан Sich aalen «**яшамаслик**» маъноси билан феъл сўз туркумига ўтиб кетди*³.

Бундай ҳодисалар ҳар доим ҳам учрамаса —да, лекин улар бизнинг билимимизни ўсиши мумкин бўлган тўғри маънони кўчма маънодан чегаралаб қўювчи формал мезонлар билан кенгайтиради. В.Ингендаль ўз ишида немис тилидаги метафораларни етарлича кўриб чиқди. Хусусан, у морфологик мураккаб сўзда элементлардан бирининг кўчма ва сўзнинг яхлит метафорик ўзгариш сабабларини ҳам тадқиқ этган.

1 Ingendahl W. Der Metaphorische Prozess. Dusseldorf, 1971, s.25

2 Ingendahl W. Der Metaphorische Prozess. Dusseldorf, 1971, s-34

3 Ingendahl W. Der Metaphorische Prozess. Dusseldorf, 1971, s.42 «Моҳияти жиҳатидан бу жараён соддалаштирилган. Муайян ислохотларда унга кўп поғонали ва кўп аспекти жараён сифатида қараш мумкин. кўрииб турганидек, кўчма маънонинг юзага келиш имконияти биринчи сўздаёқ (бу ерда — отда) юзага келмоқда; бундай тилнинг грамматик қурилишида бир сўзнинг маълум бир грамматик қатордан иккинчи бир қаторга ўтиши учун шароит яратиб беради (худди немис тилида бўлганидек)»

Метафоранинг табиати ҳақида фикр юритиб, В.Ингендаль бундай хулосага келдики, метафорик жараёнлар инсон тилининг ажралмас бир қисми саналар экан.

Маъно кўчишнинг метафорик усулидан фойдаланиш тил жамоаси аъзосининг алоҳида мақсадига боғлиқ ва у объектив жиҳатдан тушунтириб бўлмас нарсадир.¹

Немис тилшунос олими В.Кёлер ҳам тилнинг мавжуд бўлишида иккиламчи номинациянинг ролини аниқлаб беришга ҳаракат қилди. Ҳақиқатдан ҳам, — деб ёзади у,— метафораларга ҳеч қачон зарарли бирлик деб қаралмайди. Уларни айрим ҳоллардагина тушуниш мумкин. Улар тилнинг қурилмавий ҳосиласи саналади ва табиий тилларда интерсубъектлик мулоқот вазифасини бажаради. Янги метафоралар аста — секин сўзловчининг онгида маълум маънолар ҳамда тушунчалардан фойдаланиш имкониятларини мустаҳкамлайди ва тингловчига адекватли маънони узатади»². Метафора шундай супер белгик, у бошқа белгиларнинг нотабиий ва аномал комбинацияси асосида ташкил топади. Белгиларнинг бу аномал комбинацияси шундай тузилганки, бунда у коммуникацияга ҳалал бермайди. Аксинча, бошқа тил бирликлари бажара олмайдиган махсус мулоқот вазифасини ҳам муваффақият билан бажара олади»³.

В.Кёллер иккиламчи номинациянинг турларини табиий тилнинг табиий ва зарурий хусусияти сифатида баҳолайди.

Тил ҳодисаларининг семантик томони ҳар доим кўпчилик тилшуносларнинг диққат-марказида бўлиб келган. Улар ўз тадқиқотларида тил бирликларининг икки томонли моҳияти ҳақидаги ғояга таянганлар.

¹ Ingendahl W. Der Metaphorische Prozess. Dusseldorf, 1971, s.306

² Koller W. Semiotic und Metaphor. Stuttgart, 1975, s.5

³ Koller W. Semiotic und Metaphor. Stuttgart, 1975, s.6

Табиий тилларнинг мавжуд бўлишида иккиламчи номинациянинг ролини аниқлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар чуқур тадқиқ қилинди. Мазкур масалалар В.В.Виноградов, Б.В.Томашевский, А.И.Смирницкий, Р.А.Будагов, Д.Н.Шмелев, А.А.Уфимцева ва бошқа бир қатор тилшуносларнинг ишларида ўз аксини топди.

Кўп маънолилиқ ва кўчма маъно, асосан, тил табиатининг объектив ва доимий белгиси сифатида баҳоланди.

Биз томонимиздан тадқиқ этилаётган семантик жараёнлар адабиётшунос олимларнинг ҳам диққатини ўзига тортди. Шулардан бири Б.В.Томашевскийнинг фикрича кўчма маънонинг бадий таҳлили шуниси билан қизиқарлики, бу таҳлил қўлланилганда, нафақат кўп қўлланилувчи кўчма маънолар қайд этилади, балки уларнинг окказионал ва муаллиф томонидан баҳо берилган маънолари ҳам юзага чиқиши мумкин.

«Қиёслаш, — деб айтади Б.В.Томашевский, — фақат қиёсланаётган предметларнинг ўхшашлик томонигагина эмас, балки муаллифларнинг қиёсланаётган предметга бўлган муносабатига ҳам асосланади (она ва олов)¹. Бу хусусият бизнинг бадий — маданий фактор ҳақидаги билимларимизни тўлдиришга ёрдам беради ва кўчма маънони қўллаш табиатига таъсир қилади, шунга кўра унинг тил таҳлили ҳам бизда қизиқиш уйғотади. Борлиқни бадий тасвирлаш мақсади уни илмий жиҳатдан қайд этиш мақсадидан кескин фарқ қилади: илмий фикр ҳамиша ҳодисаларни умумлаштиришга ва мавҳумлаштиришга етаклайди. Кўчма маънонинг мазкур соҳада қўлланиши инсон онгининг мавҳумлаштириш вазифаси таъсирида юзага чиқади. Бадий фикрлаш эса ўз натижаларининг бошқача усулларда акс этишини талаб қилади.

Бу ерда умумлаштиришга зид бўлган ҳолат мавжуд. Бадий асар муаллифи ўз қарашларини баён қилаётганда, илмий далиллар орқали эмас,

1 Томашевский Б.В. Краткий курс поэтики. 5-е изд. М.-Л.: 1931. С.-38

балки ўз фаолиятини предметга нисбатан бўлган эмоционал муносабатларига кўра белгилайди. Бундай мақсад асосий ҳаракат орқали кузатилаётган нарсани аниқлаштиришни талаб қилади. Мисол тариқасида Б.В.Томашевский асар қаҳрамонига унинг кийимидаги белгиларни деталлаштириш орқали етарлича тавсиф бериш мумкинлигини эслатиб ўтади¹. Бадий асарларда кўчма маънони қўллаш муаллифларнинг эмоционал муносабати ва борлиқни кенг умумлаштириш орқалигина эмас, балки муайян воқеа иштирокчиларининг ички дунёсидаги ҳис — туйғуларнинг юзага чиқишини тасвирлаш йўли билан белгиланади. Бу эса ўз навбатида муаллиф томонидан турли хил сўзларни окказионал кўчма маънода қўллаш имкониятини берувчи йўлларнинг қўлланилишига олиб келади.

Р.А.Будагов барча тилларнинг табиий хоссаси саналган кўп маъноликни тан олар экан, тил тараққиётининг турли босқичларида юзага чиқадиган иккиламчи номинациянинг хусусиятларини ҳисобга олиш заруриятини ҳам кўрсатиб ўтган.²

«Кўп маънолилиқнинг характери ёки кўринишлари муайян тил тараққиётининг умумий даражасига, тил маданиятига, ёзув анъаналарига (унинг кўҳна ёки янги ёзувлардан бири эканлигига, жанрига кўра бир ёхуд кўп тимсоллилигига) ва ҳоказоларга боғлиқ равишда турлича бўлиши мумкин».²

Р.А.Будагов ушбу ҳолатни исботлаш мақсадида скандинавистларнинг қуйидаги фикрини келтиради. Қадимги исланд тилида «роман», «қисса», «ҳикоя», «новелла», «драма», «мақола», «илмий тадқиқот», «иншо» каби сўзларнинг ўртасида лексик фарқланиш бўлмаган. Уларнинг ҳаммаси учун «нимадир ёзилган», «нимадир айтилган»

1. Будагов Р.А. Что такое развитие и совершенствование языка.? М.:Наука,1977.С.-41 .

2 Будагов Р.А. Что такое развитие и совершенствование языка.? М.: Наука,1977. С,- 44

маъноларини билдирувчи «**saga**» (**saga**) сўзи қўлланган ва у юқоридаги барча тушунчаларнинг маъносини ўзида ифодалаган. Р.А.Будагов ёзади: «Кўп маънолилиқнинг бундай тури ҳали инсонлар ҳаётини ва бадий ҳақиқат, тарихий ҳамда тўқима воқеа ўртасидаги айрича тушунчаларни ажрата билмаган босқичларда жуд бўлган. **Cara-saga** сўзида кўп маънолилиқ шу тариқа кишилиқ жамиятининг муайян босқичида инсонлар тафаккури ҳамда халқ маданиятининг даражаси билан мутаносиб равишда пайдо бўлган.»¹

Маълумки тилшунослиқдаги формал метод тарафдорлари семантикани тилдан ташқарида таҳлил қилишга уриниб кўрдилар. Тил ҳодисаларига бундай ёндашувнинг қусурларини кўрган Р.А.Будагов шундай деб таъкидлайди: «Формаллаштириш ҳар бир жонли тил учун табиий хосса саналган кўп маънолилиқ, лексика ва грамматикада кенг ва маҳсулдор ишлатилувчи синонимия, омонимия ҳодисаларини, услубий тармоқланишни ва шунга ўхшаш кўпгина ҳодисаларни ҳисобга олмайди.

Формаллаштириш оқибатида тил уодисалари шундай содда — лаштириладики, ундаги мураккаблиқдан фақат ўлик ва куп —қурук схемагина қолади, холос».²

Р.А.Будагов ўз ишларида кўп маъноли сўзлардаги бош маънони тан олган ҳолда унинг алоҳида маънолари ўртасидаги алоқадор — 'шқларга ҳам тўхталиб ўтган. Бу хил маъно мазкур тил соҳиблари томонидан бошқа маъноларга нисбатан олдинроқ ажратилади ва чатига алоқадор ҳисобланмайди.

Р.А.Будагов кўп маъноли сўздаги бош маънонинг тарихий такомилни қайдлаш, ўйлаб чиқариш, кўрсатиш учун асос бўла :..\майди, деб ҳисоблайди.²

1 Будагов Р.А. Человек и его язык М: МГУ., 1976. С. 116-117

2 Будагов Р.А. Человек и его язык М: МГУ., 1976. С. -115

Д.Н.Шмелев маъновий алоқалар ҳақида бошқача бир фикрни илгари суради. Унинг кўрсатишича, сўздаги маъно оттенкалари биринчи галда экстралингвистик факторларнинг таъсир характерга боғлиқ бўлади. Унинг концепциясига кўра сўз биринчи галда моддий борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни тил воситасида акс эттирувчи белги саналади ва шу билан бирга у ўзида ижтимоий —иқтисодий ўзгаришларни, техник тараққиётни, идрок жараёнини ва шу кабиларни ифодалайди. Мазкур ҳолатни ифодалаш учун турлича маъно кўчиш усулларида фойдаланилади. Д.Н.Шмелев маъно кўчишнинг уч турини ажратиб кўрсатади: метафорик (ўхшашлик асосидаги), метонимик (алоқадорлик асосидаги) ва вазифадорлик асосидаги маъно кўчиш.¹

Иккита реал объект ўртасидаги ўхшашлик асосидаги маъно кўчишга метафора дейилади. Д.Н.Шмелев метафора усули билан маъно кўчишнинг ўзига хосликларини тадқиқ қилар экан, у ёки бу лексик гуруҳ таркибига кирган аъзоларнинг фаоллашувига таъсир кўрсатувчи ва кутилмаганда уларнинг кўчма маънода қўлланилиши учун шароит яратиб берадиган умумий характердаги жиддий ўзгаришларнинг бўлиш эҳтимоли ҳақида эслатиб ўтади. Д.Н.Шмелев фуқаролар урушидан кейин кўплаб терминларнинг кўчма маъно асосида пайдо бўлганлигини таъкидлайди: техник жиҳатдан қайта қуруланиш, қурилиш жабҳаси, маррага чиқмоқ ва ҳ.к.²

Дарҳақиқат, мазкур сўзлардаги кўчма маънонинг пайдо бўлишида экстралингвистик факторларнинг ўрни алоҳида бўлган деган фикрга қўшилса бўлади.

Д.Н.Шмелев, шунингдек, кўп маъноли сўзлардаги маъноларнинг муносабати масаласига ҳам тўхталиб ўтган. Тадқиқотчи биринчи галда

1 Шмелев Д.М. Очерки по семасиологии русского языка. М., 1964. С.-57

2 Шмелев Д.М. Очерки по семасиологии русского языка. М., 1964. С.-59

универсал хоссаси туфайли фаоллашувчи «хусусий» маънони ўз ичига олган қандайдир семантик конгломерат сифатида умумий маънодаги ғайриоддий саналган «умумий» маънони кўрсатиб ўтган. **«Ер, сув** ва шу каби сўзларнинг маънолари шу сўзлар тааллуқли бўлган қандайдир умумий маънонинг бирлашган вариантлари саналмайди. Балки уларнинг асосида маъно элементи таналувчи ҳдмда умумий маънони ташкил этмайдиган битта семантик элемент ётади»¹.

Ҳақиқатдан ҳам биз томонимиздан таклиф этилган «умумий маъно» билан **«конгломерат»** ни қиёслашда давом этадиган бўлсак, бундай ҳолатларда турли хил элементларнинг бирлашуви сифатида кўп маъноли сўздаги семантик томоннинг нарсалар вазиятига мутаносиб келишида имкониятларнинг камайганлигини кузатишимиз мумкин.² **Конгломерат** одатда бирлашишнинг энг муҳим хусусияти турғун бўлган қурилма томонини ифодалайди.

Кузатилаётган тил ҳодисаларига тадбиқан олинадиган бўлса, шундай фикр туғиладики, «умумий маъно» поғонали муносабатларнинг йиғиндиси сифатида ўз такомилнинг муайян босқичларида маълум бир имкониятларни йўқотиб боради ва келгусида семантик ўзгаришларсиз тилда ишлатилаверади.

Табиий, тилда бундай ҳолатнинг бўлиши шубҳалидир, негаки айнан ўша тил қатламига кирувчи бирликка нисбатан «доимий» атамасини қўллаш қийин масала. Тилшуносларнинг фикрича, миқдорий жиҳатдан ўсиб кетганлик эмас, балки уни ташкил қилувчи аъзоларнинг (жумладан, семантик жиҳатларнинг ҳам) аниқ ҳаракатчанлиги боис амалда бунини аниқлаш мумкин эмас.

1 Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. М., 1973. С.-71

2 Бундай таққослаш тадқиқ жараёнидан четга чиқиш саналар, лекин бизнинг фикримизча, баъзи бир ҳолатлар борки, улар «умумий маъно» даги этишмовчиликларни аниқ кўрсатиб бера олади.

Бундан ташқари, «умумий маъно» ни тан олишда шундай фикр юрадики, семантик элементларнинг бундай бирлашмасида маънолардан бири етакчилик вазифасини ўтайди. Бу шундай иккиланишга олиб келадики, тил ҳодисаларини тадқиқ этишда қайси усул мавҳум: синхрон усулими ёки диахрон? Агар сўздаги семантик томонни тарихий асосда олиб кўрадиган бўлсак, у ҳолда сўздаги этимологик муносабатларга биринчи ўринда таъкид тушган бўларди. Бундай ҳолатларда сўз семантикасига тугал тавсифни бериш унчалик қийинчилик туғдирмасди. Сабаби «хос маънолар» ни белгиловчи мотивацияли алоқалар ўз ҳолида сақланган бўлади, акс ҳолда нимага битта маъно иккинчисига бўйсунди-ю, тескарисини эмас — бу нарса тушунарсиз бўлиб қоларди.

Агар сўзнинг семантик тузилиши синхрон усулда текшириладиган бўлса, у ҳолда кўп маъноли сўзнинг у ёки бу маъносининг келиб чиқиш ҳолатларини ўзида ифодалаган тарихий такомил назардан тушиб қолади.

Мураккаб семантикага эга бўлган лексик бирликларнинг семантик тузилишини кўриб чиқишда ҳар икки усулни қўшиб олиб бориш бундай бирликларнинг табиатини объектив тушунтиришга ёрдам беради. Бироқ «умумий маъно» ни аниқлаш учун ишлатилган принципиал талқин акцентларнинг қўшилиб кетишига ва кўп маънолилиқ ҳодисасининг адекват тарзда акс этишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Бу масалани ҳал этишда кўп маъноли сўзнинг алоҳида маъносини изоҳлашда «қоришиқ» тушунчани қўллаган Д.Н.Шмелевнинг талқини яхши қабул қилинган.¹

Мазкур атама маъноларнинг ўзаро муносабатларига алоҳида ажралиб турувчи ва сўздаги ҳар бир маъно таркибига кирувчи умумий семантик элементларнинг мавжудлигини тасдиқлаб турувчи полисемантик сўздаги алоҳида маънолар муносабатини ўзида ифодалайди.

1. Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики М., 1973. С. 80-95

«Агар кўп маъноли сўзнинг семантик тузилишини доира сифатида тасвирлайдиган бўлсак, у ҳолда маънолар «умумий маъно» нинг секторлари (вариантлари) сифатида эмас, балки дойра мчиди бир — бирининг устига қўйилган бир —бирига боғлиқ қатор тарзида кўзга ташланган бўларди».¹ Бундай талқинда полисемантик сўзнинг маъно тузилишидаги имкониятларни иерархик муносабатлар сифатида талқин этиш назарда тутилмаган. Бундай ёндашув, бизнинг фикримизча, буюмларнинг ҳақиқий ҳолатини объективроқ акс эттиради ва тил табиатини ҳисобга олади.

А.А.Уфимцева сўзнинг маъновий жиҳатларини таҳлил қилар экан, тадқиқот объектини жуда кўплаб бўлақларга бўлиб юборади.

А.А.Уфимцеванинг ёндашувидаги характерли хусусият шундан иборатки, у А.И.Смирницкийнинг лексик — семантик вариант (ЛСВ) ҳақидаги концепциясини маъқуллаган ҳолда сўзда алоҳида маъноларнинг юзага чиқишида ўта нозик фарқларнинг зуҳр этиши мумкинлигини кўрсатиб берди.

А.А.Уфимцева лексик маънонинг табиатини янада яхшироқ адекват тадқиқ этиш мақсадида сўздаги иккита мазмуний аспектни ажратади: лексик ва лексик — семантик.

Сўз лексема сифатида ўзининг грамматик шакллари, маъно — лари билан бутун ҳолда тилнинг лексематик сатҳидаги асосий бирлик саналади. Ўз мазмунига кўра сўзнинг алоҳида маъносига тенг турувчи лексик — семантик вариант лексик — семантик сатҳ — даги асосий чегаравий бирлик ҳисобланади.²

Лексема тадқиқотчи томонидан виртуал (доимий) маънони ташувчи бирлик сифатида баҳоланади ва сўз — лексеманинг ишлатилишида ўз аксини топувчи тўғри маънонинг барча хоссаларини қамраб олиши таъкидланади.

1 Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. М, 1973. С.-76.

2 Уфимцева А.А. Типы словесных знаков. М.: Наука, 1974. С.-75

Шу билан бирга у бевосита «предметлар қатори» га тааллуқли бўлади, осон ажратилади, кўп қўлланилади... ҳамда тилдан фойдаланувчиларнинг мажбурий минимумига (сўз заҳирасига) киради, бир вақтнинг ўзида бир сўз —лексема бошқасига қарама —қарши қўйилган зарурий ва етарли мазмунга эга бўлади.¹

Сўзнинг лексик — семантик варианта (худди лексема сингари) А.А.Уфимцева томонидан икки ёқлама белги сифатида аниқланади. А.А.Уфимцеванинг фикрича, лексема билан лексик —семантик вариант (ЛСВ) ўртасидаги фарқ шундаки, ЛСВ актуал сўз белгиси, яъни (вертуал қаралса — қаршилиқ ҳолатида) битта белги маъноси ва белги шаклига эга бўлган бирлик саналади. ...Бундан ташқари, :ўзнинг лексик —семантик варианта асосий, кичик чегаравий бирлик ҳисобланади. У нутқда ишлатилади, игу билан бирга тилнинг коммуникатив аспектида сўз — лексема каби қўлланади, вокабулярдаги чуқур маънога эга бўлган бирлик саналади, тилнинг муайян босқичида ишлатилувчи сўз маъноларини умумлаштиради.

Юқорида айтилган фикрлар қисман умумий маънога тегишли ҳолда А.А.Уфимцеванинг позициясига алоқадор саналади. Унинг фикрича, умумий лексик маънонинг бўлиши ишончсиз нарсадир. Кўп маъноли сўзнинг алоҳида маъноси таркибига кирувчи умумий семантик элементларнинг объектив тарзда мавжудлигини А.А.Уфимцева барқарорлашган, ифодаланаётган лингвистик белгининг ичида ўзгаришларга энг кам учраган сўздаги семантик ўзгаришлар учун асос вазифасини ўтовчи инвариант сифатида талқин қилади.

Иккиламчи номинация масаласига бағишланган қарашлар ичида идрок жараёнига қаратилган мавжуд предметлар ва объектларнинг реал

¹ Уфимцева А.А. Типы словесных знаков. М.: Наука, 1974. С.-77

хусусиятларини ўз ичига олган денотат шаси ҳақидаги Г.В.Колшанский фикрлари эътиборга молик.¹

Бизнинг фикримизча, мазкур тушунча бир турдаги предметларни бошқа турдаги предметлардан фарқлаш имкониятини берадиган дифференциал ва интеграл белгиларни ўз ичига олувчи конфликтни тўла очиб бера олади. Денотатнинг тузилиши бевосита тафаккурнинг умумлаштириш фаолияти билан боғлиқдир. Бунинг натижасида миқдор жиҳатдан чегараланмаган ҳар қандай предметга хос бўлган ўзгармас белгилар мажмуи ҳосил бўлади. Бунда денотат у ёки бу лексик бирликларни қўллашда қулайлик туғдирувчи марказлаштирувчи ўз ҳолида экстралингвистик хоссага ўрта асосий фактор саналади. Бу нарса маъно кўчиш жараёни учун ўта муҳим саналади, қайсики бу босқичда кўп ҳолларда денотатда бўлганидек, реал объектнинг номинацион белгиларида ҳам қайд қилувчи маъно кўчишининг асосига қўйилган белгиларни аниқлашдан и борат бўлади.

Бу шу билан изоҳланадики, денотат таркибига кирган ментлар субъектив характердаги факторлардан ҳоли бўлади ва уларнинг тил соҳиблари томонидан бир маънода тушунишда ҳеч қандай қусур бўлмайди. Бундан шу хулоса келиб чиқадики, сўзнинг кўчма маънода қўлланишига бўлган энг катта эҳтиёж —бу унинг ҳаммага тушунарли ва кўчма маънонинг ҳамма турларида денотатга :ерилган объектив баҳонинг юқори эканлиги саналади.

Юқорида айрим лингвистик оқимлар ва баъзи тилшуносларнинг номинация, жумладан, иккиламчи номинацияга нисбатан бўлган ёндашувларига берилган қисқача тавсифдан мақсад-иккиламчи номинациянинг табиатини адекват ёритиш ва унинг тал тизимида тутган ўрнини белгилашда қўлланилган методларнинг турли—туманлигини

¹ Колшанский Г.В. Лингво-гносеологические основы языковой номинации. В кн.: Языковая номинация (Общие вопросы). М., 1977, С.-112

кўрсатишдан иборат эди. Турган гапки, сўздаги семантик тараққиётнинг ўзига хослиги жуда кўп лингвистик оқим вакиллариининг эътиборини ўзига тортди. Мазкур окимларнинг текширувдан кутган пировард натижалари сўз маъносидаги турғун ва беқарор томонларини кўрсатиб бериш билан боғланган эди. Тилшунос олимларнинг сўздаги ўзгаришнинг объектив характерини тушуниши улар томонидан илгари тузилган атамаларда ўз аксини топди.

Г.Пауль сўздаги «узуал» ва «окказионал» маънони бир —бирига қарама —қарши қўйди, Г.Стерн «тўғри» ва «кўчма» маънога таъкид зсди, А.А.Потебня «яқин» ва «узоқ» маънони ажратди. Л.Блумфильд тўғри ва «аралаш нутқ», шунингдек «марказий» ва «чекинган» маъно ҳақида гапирди, В.В.Виноградов «сўз маъноси» билан сўзнинг «ишлатилишини» бир —биридан ажратди, А.И.Смирницкий сўзнинг “лексик-семантик вариантыни” фарқлади.

Терминологияда сўзнинг маъновий томонидан ранг —баранглиги нафақат ўрганилаётган объектнинг кўп ифодалилиги ҳақида, балки унга ёндашувларнинг ўзига хослиги ва сўздаги семантик такомилни тушунтириб беришга сабабчи бўладиган ҳолатлар ҳақида ҳам маълум бир маънода кўрсатмалар бериши мумкин.

Г.Пауль индивидуал ҳолатларда узуал маънодан окказионал маънонинг қочишида маъновий ўзгаришларнинг манбаини кўрди. 3 Вундт семантик жараёнларни психологик интерпретациялашни таклиф қилди ва шунга асосланиб боғланишлардаги умумий кэнуниятларни маъновий ўзгаришларга сабаб бўлади деб ҳисоблади. Э.Велландер экстралингвистик характердаги ўзгаришларда фарқли равишда содир бўладиган «маънодаги туб ўзгаришлар» ни алоҳида уқтириб ўтди. У экстралингвистик ўзгаришлар деганда номини қайта аташ мўлжалланган объектларни назарда тутган эди. Г.Шпербер эмоционал факторлар таъсирида тилнинг

семантик ҳолатини ҳосил қилувчи «энергия манбалари» ни тарғиб қилди. Худди шунга ўхшаш фикрлар К.Фосслер, Л.Шпитцер ва бошқалар томонидан ҳам олға сурилди. Г.Стерн семантик ўзгаришларнинг ҳосил бўлишида шароит яратадиган уч ҳолатни яратди: сўзлар муносабатидаги ўзгариш, сўзнинг предметга муттаносиблигидаги ўзгариш ва сўзловчининг сўзга нисбатан объектив ўзгариши. Г.Шухардт номинациянинг механизмини атроф —оламнинг индивидуал ҳис —ҳаяжон билан тилдаги объектив факторлар асосида ифодаланишининг ўзига хосликларидан қидириб кўрди. Функционал лингвистика вакиллари семантик ўзгаришларни эмоционал факторларга ва тилдаги лекттиликнинг ўсиб боришига олиб бориб боғладилар. А.Мартиненинг фикрича, тилдаги бундай ўзгаришлар тежаш тамойилидан фойдаланиш туфайли содир бўлади. Кўчма маъно моҳиятини очиб беришга қаратилган бундай ёндашувларга берилган қисқача тавсиф шуни айтиш имконини берадики, масалаларнинг қўйилиши ва концепцияларнинг турли -туманлигига қарамасдан кўпгина тилшуносларнинг ишларида бирламчи номинацияга қисман мурожаат қилинган, холос. Бизга мақбул бўлган энг яхши ҳолларда ҳам у кенг кўламдаги лингвистик тадқиқотларнинг бир қисми сифатида тақдим этилган.

Турли хил оқимга мансуб бўлган тилшуносларнинг семантика масаласидаги талқинларининг ранг — баранглиги у ёки бу тадқиқотчи томонидан бир факторнинг ҳал қилувчи фактор сифатида яратилишига шубҳа уйғотади. Бироқ қўлланилган методларнинг турфалиги шу даражада фойдалики, улар кўрилаётган масалани барча қирралари бўйича баҳолаш ва сўз маъносининг ўзгариш жраёнини, соф лингвистик ҳамда экстралингвистик факторларнинг ролини аниқлашда зарурий мезонларни ишлаб чиқиш имконини беради.

2-§. Янги тушунчаларни ифодалаш усуллари

Сўзнинг кўп маънолилик хусусияти тилнинг лексик тизимини ўзгартириб юбора оладиган ҳодиса саналади. Битта шакл (сўз) остида бир нечта маънони ифодалаш мумкинлиги лексик тизимнинг номинатив имкониятларини оширади ва уни тубдан ўзгартириб юбора олади. Лексиканинг асосий қисмини тилда олдиндан мавжуд бўлган сўзлар воситасида янги маънони ифодаловчи лексик бирликлар ҳосил қилади. Кўп маънолиликнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, у табиатига кўра битта конунга бўйсунмайди. Баъзи бир ҳолларда кўп маънолилик муайян сўзга тегишли бўлган тўғри маъноларнинг йиғиндисидан иборат бўлади. Буни **азиз** сўзи мисолида кўриб чиқишимиз мумкин.

1. Иззат-ҳурматга сазовор, қадрли, ҳурматли, муҳтарам. Азиз меҳмонларга нон-туз тугилди.

2. Ҳар нарсадан улуғ, аъло, бебаҳо: Сумалак баҳорнинг азиз таоми саналади.

3. Пулга ҳам топилмайдиган, қимматли, камчил, тақчил: Чўлда сув жуда азиз нарса бўлади.

4. Дин. Муқаддас, қутлуғ, табаррук: Бу ерлар азиз қадамжолардан бири ҳисобланади.

Азиз сўзидан **аланга**¹ сўзидаги кўп маънолилик шу билан фарқ қиладики, кейингисида иккиламчи номинация усулидан фойдаланилган.

1. Ёниб турган ўтдан, оловдан кўтарилаётган ёлқин: Шам алангаси хар томондан эсиб турган шабадада тебранар эди. А.Қахҳор. Кўр кўзнинг очилиши.

2. Ёруғлик, ёруғ шуъла. Ашулачиларнинг қуёшда қорайган юзлари машъалаларнинг алангасида йилтирар эди. А.Мухтор. Опасингиллар.

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — М.: Русский язык, 1981.-Т.1.,30-38 б.

3. Кўчма. Ўт олдирувчи, жўшқин жараён; жўшқиндик, ҳовур; юракка ўт солувчи, ёндирувчи ҳис-туйғу: Фирок алангаси. Ишқ алангаси.

4. Адлнгаланиб ёна бошламоқ. Жанг майдонида душманнинг етти танки аланга олиб ёнди. А.Раҳмат. Эллик бир баҳодир.

5. Кўчма. Кучаймоқ, зўраймоқ, авжига минмоқ, шиддатди тус олмоқ. Ўзбек ойимнинг ғазаби тагин ҳам аланга олди. А.Қодирий. Ўтган кунлар.

Луғат жамғармасининг шиддатли равишда ўсиб бориши айнан иккиламчи номинацияни қўллаш натижасида ўз аҳамиятини йўқотади. Бунда тилда азалдан мавжуд бўлган номинатив восита янги вазифани бажариш учун хосланади.¹

Умумлаштирилаётган нарса ва предметларнинг денотатив ўхшашлиги иккиламчи номинацияни қўллаш учун асос бўла олади. Бундай ҳолларда денотатларнинг айнан ўхшаш бўлиши талаб этилмаслиги ҳам мумкин. Иккиламчи номинацияни қўллаш учун неча белгиларнинг бир —бирига тўғри келиши асосий фактор вазифасини ўтай олади.

Қиёсланаётган объектлардаги баъзи бир ўхшашликлар уларни номлаш пайтида юзага чиқади. Бу жараён аталаётган нарсанинг миқдор ва сифат белгиларини тўла таҳлил қилиш учун етарли саналади. Яна бир нарсани ҳам ҳисобга олиш лозим: объект учун имий бўлмаган ўзига хос ёки муҳим белгилар бундай таҳлил тида тушиб қолиши мумкин.

Иккиламчи номинацияда турли хил денотатларга хос бўлган алоҳида белгиларни аниқ ифодалайдиган етакчи белгига алоҳида эътибор қаратилади. Одатда бундай белгилар кам кузатилади.

Уларни реал объектнинг моҳиятини, турини ва маъносини ўзларида тўла акс эттиргани учун доминантлар дейиш мумкин бўлади. Иккиламчи

¹ Телия В.Н. Вторичная номинация и ее виды. В кн.: Языковая номинация (Виды наименований). М., 1977. С.-129

номинацияда улар биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади. Бу ўринда «доминант» атамаси турли объектларнинг денотатидаги ўхшашликларни кўрсатувчи белги маъносида ишлатилмоқда.

Объектлардаги у ёки бу белгининг иккиламчи номинация жараёнида етакчи вазифага ўтиб қолиши шу билан изоҳланадики, денотатлар ҳар вақт бир —бирига тўла мос кела олмайди.

Маъно кўчириш вақтида етакчи белги биринчи ўринга чиқади. Қайси белгининг етакчилик қилиши номинация объектининг ўрганилиш даражасига ва унинг ижтимоий аҳамиятига боғлиқ бўлади.

Предмет ҳақидаги тасаввур унда мавжуд бўлган миқдор ва сифат белгиларига тўла асосланади. Айниқса, бу ҳолат иккиламчи номинация жараёнида яхшироқ кўзга ташланади.

Иккиламчи номинацияни вужудга келтирувчи экстралингвистик факторлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- моддий оламдаги нарса ва ҳодисалар ҳақида билимларни чуқурлаштирадиган туб ижтимоий ўзгаришлар;
- олдин маълум бўлмаган нарса ва ҳодисаларни ифодаловчи янги объектларнинг вужудга келиши;
- илгари мавжуд бўлган объектлардаги ўзгаришлар (ўз номини сақлаган ҳолда).

Булар иккиламчи номинациянинг турли хил усуллари қўллаш орқали юзага чиқади.

3-§. Иккиламчи номларнинг турлари

Логик — психологик қонуниятлар асосида моддий оламдаги нарса ва предметларни қиёслаш, умумлаштириш ҳамда тил орқали ифодалаш жараёнида маъно кўчишнинг турли хил усулларидан фойдаланиш табиий тилдаги лексик қатламни чегаралайди, уни тинимсиз равишда ўсиб боришдан сақлайди. Ҳар бир жонли тилда маъно кўчишининг бой имкониятлари мавжуд бўлади. Эпитет, қиёслаш, метафора, метонимия, синекдоха, гипербола, литота, ирония, аллегория, перифраза, вазифадошлик, ташбеҳ ва ҳоказоларни бунга мисол қилиб олишимиз мумкин.

Маъно кўчиш усуллари ичида ўз хусусиятларига кўра метафора ва метонимия алоҳида аҳамиятга эга. Негаки, улар шунақа, каби, ўхшаш, янглиғ, худди, нақ сингари кўшимча лексик воситаларни талаб қилмайди. Сўз шаклининг ўзида маъно кўчирилишини таъминлайди, иккиламчи номинация учун асос вазифасини ўтай олади. Метафора ва метонимияга хос бўлган бу хусусиятлар уларнинг бошқа усуллардан устуворлигини таъминловчи далил бўлиб хизмат қилади.¹

Ҳозирча иккиламчи номинацияга унинг номинатив характерига кўра тўғри бўлмаган, кўчма маъноли табиий тушунча сифатида қараш қабул қилинган.

Иккиламчи номинацияни қўллаш натижасида тўғри бўлмаган, кўчма маъно реал ҳаётдаги нарса ва ҳодисаларни алоҳида номинатив қийматга эга бўлган аташ бирлиги орқали ифодалаш имконини беради.

Бунда сигнификат аталаётган нарса ва ҳодисага йўналтирилган бўлади ва у мустақил маъно сифатида юзага чиқади.²

1 Pelc. Studies in functional logical semiotics of natural Language. The-Hauge-Paris, 1973, s/144 ug

2 Уфимцева А.А. и др. Лингвистическая сущность и аспекты номинации. В кн.: Языковая номинация (Общие вопросы). -М., 1977С.-74

Сигнификатда ўзи ифодалаётган реал объектга мутаносиб келадиган барча маълумотлар ўз аксини топган бўлади.

Мисол учун физик ҳодисани ифодаловчи чақмоқ сўзини олишимиз мумкин. Унинг кутилмаган хушхабарни ёки учқунни ифодалашдаги ҳолатига келадиган бўлсак, бу нарса биздан вазиятга қараб туриб алоҳида билимни талаб қилаётганини кўрамиз.

Тўғри бўлмаган номинация шуниси билан характерланадики, унда қатъий белгиланган номинатив бирликни ишга солиш шарт қилиб қўйилади ва у номинатив аташнинг мустақил равишда амалга ошмаганлигини кўрсатиб туради.¹ Сигнификат ўзи ифодалаётган моддий объектни тўғридан — тўғри кўрсатмайди. Сабаби иккиламчи номинацияда «ўзининг хусусиятларига кўра бошқа объектларга қиёсан олинган белгилар ажратилади»...²

Тўғри бўлмаган номинацияда, албатта, бошқа бир аташдаги сигнификатга асосланишга тўғри келади. Масалан, ирода, жасорат, қаршилик сўзларида характердаги қатъийлик кўрсатилади. Уларни бартараф этиш учун синдириш атамаси танлаб олинадики, мазкур бирликдаги бирламчи маънога хос бўлган ҳолатнинг кейинги аташ жараёнига ҳам кўчаётганини кузатишимиз мумкин.

Қиёсланг: шохчани синдириш, душман қаршилигини синдириш.

Кўриниб турибдики, бунда нарса ва ҳаракатларга хос бўлган ўхшашлик асосида метафорик усул билан маъно кўчирилмоқда, лекин биринчи «синдириш» (бўлакларга ажратиш) билан иккинчи “синдириш” (енгиш) ўртасида тўғридан — тўғри алоқа кузатилаётгани йўқ.

1 Уфимцева А.А и др. Лингвистическая сущность и аспекты номинации. В кн.: Языковая номинация (Общие вопросы).-М., 1977. С.-75.

2 Уфимцева А.А и др. Лингвистическая сущность и аспекты номинации. В кн.: Языковая номинация (Общие вопросы).-М., 1977. С.-75.

Иккиламчи номинацияни, жумладан метафорани қўллаш жараёнида реал объектларга хос бўлган характерли белги ва сифатлар юзага чиқиши мумкин.

Предметни ҳиссий билиш номинациянинг янги объектига хос бўлган белги — хусусиятларни бизга олдиндан маълум бўлган нарса ва ҳодисаларга қиёслаш, солиштириш имконини беради. Бундай имконият натижасида инсон ўзи билган ва атрофлича текшириб чиққан предметлардаги белги — хусусиятларнинг номинация объектида мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текшириб кўради, фақат ўхшашларини танлаб олади. Қиёсланаётган белгилар баъзи ҳолларда предметларнинг ташқи кўринишларига асосланади. Иккиламчи номинацияда маъно кўчириш учун асосий вазифани ўтайдиган, сўзловчининг фикрий билишига йўналтирилган барқарор белгиларга кўпроқ диққат қилинади.

Метафорик усул билан маъно кўчириш тилда жуда кўп учрайди, лекин шуни алоҳида қайд этиш лозимки, предметларга хос бўлган белги — хусусиятларни тўла ва мукаммал билиш узоқ вақтни талаб қилади. Шу боис, бундай ҳолларда кўчма маъно предмет ҳақидаги тасаввурни тубдан ўзгартириб юбориши мумкин бўлган вазият етилгунча кутиб турилади. Ўпка, ичак, суяк, бўғим каби киши органлари билан боғлиқ бўлган касалликларнинг эмланишида юқоридаги ҳолатни кўришимиз мумкин.

Мисол учун туберкулёз касаллиги ҳақидаги илк маълумотлар Хаммураби (Эр: аввалги 2250 йиллар) қонунларида учрайди. Унинг 148 — , 149 — § ларида бундай касалликнинг енгил шакли ҳақида маълумот берилади ва «унга учраган аёл билан ажралиш ҳуқуқлари ҳақида» ёзилади.¹ Хуллас, мазкур ҳодиса қадим замонлардан буён инсонларга маълум бўлишига қарамасдан, у XIX асрга қадар тубандагича аталиб келинган: грекча **phthisis** «сил», лотинча consumptio “қовжираш”, “ориқлаш”,

1 Большая медицинская энциклопедия.-М., 1936,стр- 33

немисча Schwindsucht «сил», Auszehrung «ориқлаш», «нураш», русча **чахотка** «сил» ва ҳ. Келтирилган барча номлар метафорик характерга эга: лотинчада «туғаш», немисчада «ориқлаш», «нураш» маънолари олинган. Рус тилида ҳам унинг аталиши аста — секин кучдан қолиш ҳолатига бориб тақалган. Бу бежиз эмас, албатта, чунки ўпкадаги касаллик жараёни туфайли камқонлик, бунинг пировард натижасида эса кучдан қолиш, нураш келиб чиққан.¹

Ҳозирги кунда О.Н.Никонованинг «Русча —немисча луғат»и (М._г 1963) ва Лоховиц уамда Лепингларнинг «Русча —немисча луғат»ида² туберкулёз сўзи Tuberkulose ва Schwindsucht тарзида таржима қилинмоқда. Auszehrung «чахотка», «ориқлаш» маъноси эса луғат мақолаларидан ўрин олмаган. Олинган мисоллардан кўриниб турибдики, барча ҳолатларда касалликнинг ташқи белгиларига асосланган ҳолда ном қўйилган.

Инглиз медик —олими Бейли **чахотка (сил)** касаллигининг тўрт хил кўринишини ажратади: туберкулёзли, гранулёзли, меланотик ва калькулёзли.

Француз олими Лаеннек (1781 — 1826) туберкулёз ва сил тушунчаларидаги ортиқча мураккабликларни олиб ташлашни ва бошқадаги шишларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига кўра уни ягона ном билан аташни таклиф қилди. Лотинчада шишлар Tuberculum деб аталиши боне касалликнинг номи туберкулёз бўлиб қолди.

Лаеннекнинг бу таклифи ҳам касалликнинг табиатини белгиловчи кўп асрлик англашилмовчиликларга чек қўя олмади. Машҳур физиолог П.Вирховнинг «**Сил (чахотка)** касаллиги учун энг хатта хавф — бу туберкулёз билан оғришдир» деган гапи тилдан тилган кўчиб юрди.

1 Энциклопедический словарь Гранат, т-26

2 Russisch-Deutsches Worterbuch-Leipzig, 1951.

Фақат 1892 йили Р.Кох томонидан касалликни кўзгатувчи туберкулёз таёқчаларининг кашф этилиши унинг келиб чиқиш сабабларини излашларга нукта қўйди. Мазкур тушунча бугунги кунда тубандагича изоҳланади: «*Туберкулёз*» (лотинча Tuberculum — шиш сўзидан олинган бўлиб) инсонга ҳайвонлар, хушлар ва алоҳида микроорганизмлардан юқадиган юқумли касаллик саналади».¹

Бу оғир хасталик медицина фанининг мураккаб масалаларидан бири бўлиб, узоқ изланишларни талаб этди. Унинг устидаги изланишлар натижасида касалликнинг табиати, пайдо бўлиши аниқланди, унга қарши кураш олиб боришнинг чора — тадбирлари ишлаб чиқилди. Касалликнинг характери ва ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги ҳақиқий билимлар уни олдинги белгиларини ҳам ҳисобга олган ҳолда аниқ аташ имконини берди. Шу тариқа олдинги номлашда етакчилик қилган **«ковжираш», «туғаш»** маънолари кейинги аташ жараёнида доминантлик хусусиятини йўқотди, ҳатто янги номнинг семантик майдонидан чиқиб ҳам хетди. Шунга қарамай метафорик маъно ўзининг табиатига кўра предметам аташда сақланиб қолиши ҳам кузатилади.

Юқоридаги касаллик номини кўчма маънода қўллаш ҳозирда ҳам баъзан учраб қолади.

Метафорик маъно кўчишнинг асосий сабабларидан бири олдиндан тилда номи мавжуд бўлган нарс ва ҳодисаларга ўхшашлиги нарсаларнинг пайдо бўлиши саналади. Масалан бунга **лайнер** сўзини олишимиз мумкин. Бу сўз инглизча **Line-«чизик»** сўзидан олинган бўлиб, у муайян йўналиш (чизик) бўйича ҳаракат қиладиган паромлардан (мисол учун Англия ва Франция ўртасида), “Уچار юлдуз” лардан, шунингдек ички портлар орасида қатнайдиған кемалардан кескин фарқ қиладди.

1 Большая медицинская энциклопедия.-М., 1936. С.- 33

Қатъий жадвал асосида денгиз ёки океандаги йўналишлар бўйича қатнайдиغان, улкан тезюарар йўловчи кемаси лайнер деб аталган. Атлантика океанини кесиб ўтувчи кемалар қатновини йўлга қўйиш ғояси пайдо бўлди ва у 1756 йили Англияда амалга эширилди. Шу йили Фалмут —Нью —Йорк шаҳарлари орасида мунтазам қатнов йўли очилди. Почта кемаси йўловчиларни ва юкларни манзилга олиб бориб қўйди. Бунга елканли кемаларга эътиқод қўйган йўловчилар тўғри баҳо бермадилар. Уларнинг талаблари билан айрим ҳолларда баъзи бир кема капитанлари тез за қисқа фурсатда океанни кесиб ўтишга уриндилар, кўп ҳолларда эунинг уддасидан ҳам чиқдилар.

Лайнерлар ҳақидаги ҳақиқий гаплар 1817 йилнинг 27 октябридан бошланди. Шу куни Нью —Йорк газеталаридан бирида Нью — Йорк — Ливерпуль йўналиши бўйича йўловчилар ва юклар қатновини мунтазам равишда йўлга қўйиш мақсадида ҳиссадорлик жамиятини тузиш ҳақида эълон босилди. «Блэк Бол Лайн» компаниясининг тўртта елканли кемаси бу йўналишда қатновни амалга оширган биринчи лайнерлар бўлди. XIX асрнинг 20 — йилларига келиб **Line (лайнер)** атамаси остида «Ред Стар Лайн», «Суоллоутейл Лайн», «Драматик Лайн», «Кунард Лайн», «Уайт Стар Лайн» ва бошқа компаниялар иш кўра бошлади. (Қаранг: С.И.Белкин. Голубая лента Атлантики.— А., 1975). XX асрнинг ўрталарига қадар лайнер сўзи юқори даражада хизмат кўрсатувчи, йўловчи ташишга мўлжалланган йирик денгиз кемаларини ифодалаш учун ишлатиб келинди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида саноатнинг барча соҳалари, жумладан самолётсозлик ҳам юқори суръатлар билан ривожлантирилди.

Уруш ҳаракатлари кетаётган жойлардан жуда узокда жойлашган АҚШ нинг ҳам бу жараёнга тортилиши, уруш фронтининг мислсиз кўламга эга эканлиги янги типдаги оғир бомбардимончи самолётларнинг яратилишига туртки бўлди.

Собиқ Иттифокда ҳам миллий ва ҳарбий мақсадларда фойдаланишга мўлжаллаганган йирик самолётларни яратиш борасида катта тажриба тўпланди. Улардан ҳозирда ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Дастлаб ҳарбий мақсадларда яратилган йирик самолётлар кейинчалик улкан йўловчи самолётларнинг лойиҳалари устида ишлаш имкониятини яратиб берди. Урушдан кейинги йилларда Собиқ Иттифок, АҚШ, Франция ва Англияда бу соҳада катта ютуқлар қўлга киритилди. **Лайнер** сўзи ўта йирик фуқаро самолётларини ифодалаш учун қўлланила бошланди.

Шуни қайд этиш лозимки, реклама характеридаги маълумотларда **лайнер** сўзи ҳеч қандай изоҳсиз, қисқа ва лўнда шаклда ишлатилмоқда ва **ҳаво кемаси** маъносида тушунилмоқда. Масалан: «Ўзбекистон ҳаво йуллари» лайнерида учинг!

Кўриниб турибдики, лайнер сўзи бу ўринда бутунлай бошқа бир объектни ифодалаш учун хизмат қилмоқда. Денгизда сузувчи кема билан ҳаво йўналишида учувчи самолёт ўртасида умумий ўхшашлик, мослик кузатилмайди. Уларнинг муайян маршрут — чизик бўйича аниқ рейсларни амалга ошириши ҳар иккаласини битта атама — **лайнер** сўзи билан номлаш имконини бермоқда, ўзининг бирламчи номини иккиламчи номига бўшатиб берган ҳолатларга кўплаб дуч келишимиз мумкин. Лайнер сўзининг кейинги маънода ишлатилиши 1949 йили қайд этилган (Қаранг: Словарь иностранных слов»).

Иккиламчи номинациянинг бундай хусусияти Д.Н.Шмелев гомонидан **ўғит** (удобрение) сўзи мисолида изоҳланган. Мазкур сўз қадимги рус манбаларида «безак», «яхшилаш» (удобрить) маъноларида учрайди. XVIII асрдан бошлаб у қишлоқ хўжалигида турли хил моддаларни ифодалаш учун қўлланила бошланди. Тупроққа солинган **ўғит** ҳосилдорликнинг ошишини таъминлади. Ҳозирда турли хил чиқиндилар, гўнг, сунъий органик моддалар **ўғит** сўзи орқали ифодаланмоқда. Унинг

бирламчи маъноси «безак», «яхшилаш») аста —секин тадрижий равишда ўз ўрнини кейинги маънога бўшатиб берди.

Тил соҳиблари томонидан ўз фикрини эмоционал —экспрессив жиҳатдан бўёқдор қилиб етказишга уриниш метафорик маъно кўчишнинг муҳим кўринишларидан бири саналади. Масалан, тулки, эшак, сарв, ой, куёш, гул каби кўчишларни бунга мисол қилиб оламиз. Шуниси муҳимки, уларнинг аксарияти бадий асарларда кенг ишлатилган. Иккиламчи номинациянинг бадий услубда қўлланилиши субъектов характерда бўлиб, у ижодкорларнинг дунёқарашига, билимига чамбарчас боғлиқдир. Масалан, тасаввуф адабиётида **май** Оллоҳга бўлган ишқ — муҳаббатнинг рамзи, тимсоли маъносида келади.

Бадий асарлардаги метафораларнинг аксарияти хаёлий, ўткинчи саналади, лекин уларни ноўрин ишлатилган деб бўлмайди. У ёки бу сўзни ўз маъносидан ташқари кўчма маънода қўллаш муаллиф учун воқеликни бўяб, ранг —баранг қилиб ифодалаш имконини беради.

Муаллифнинг кайфиятини, ҳис — туйғуларини тўла равишда ифодалаш метафорага қўйиладиган асосий талаб саналади. Бунда ёзувчи ўзига маълум бўлган нарса ва предметларни тавсифланаётган предметга солиштиради, уларнинг ўхшаш ва ноўхшаш томонларини топади, маъно кўчиш учун асос бўла оладиган белгини қайд қилади ва шунга таянган ҳолда иккиламчи номинация усулини қўллайди. Поэтик кўчишларнинг моҳиятини тушунмаслик метафорадаги ахборотни йўқотади ёки акс тушунилишига олиб келади. Масалан, Умар Хайём рубойларида энг кўп қўлланилган «**май**» тушунчасини «**ароқ**», «**вино**» маъносида тушуниш анъанаси бор. Ҳолбуки, Умар Хайём ўз рубойларида «**май**» сўзини **илоҳий ишқ**, **муҳаббат** маъноларида қўллаган.

Метафора билан биргаликда кундалик ҳаётда маъно кўчишнинг бошқа усулларида ҳам фойдаланиш мавжуд. Тил соҳибларининг ўз фикрларини аниқ ва ифодали, содда ва тушунарли қилиб суҳбатдошига

етказишга уриниши маъно кўчишнинг метонимик усулини вужудга келтиради. Қиёсланг: Биз Анвар билан пахтада танишган эдик.

Иккиламчи номинациянинг кенг тарқалган турларидан бири метонимия саналади.¹ Метонимияда предметлар ўртасидаги алоқадорликка алоҳида эътибор берилади. Солиштирилаётган предметларнинг шакл ва замондаги ҳолатига асосланилади. Маъно кўчишнинг бошқа усуллари учун хос бўлган ассоциатив боғланишлар метонимияда муҳим роль ўйнамайди. Бунда предметларнинг бир — бирига алоқадорлиги, семантик нуқтаи назардан осон ифодаланиши муҳим аҳамият касб этади. Метонимия йўли билан маъно кўчирилганда юзага келган лексик бирлик тасодифий характерга эга бўлмайди. У борлиқдаги ўзи боғлиқ бўлган объектни тўғри маънода ифодалайди. Масалан, сўзлашув тилида **латта** сўзи, метонимия усули билан маъно кўчирилганда, умуман газламаларни, газламадан тикилган нарсаларни ва кийимларни белгилайди.

Янги ёр топганда, дўстлар, эскидан кечмоқ керак, эскини ўлган санаб, латта кафан бичмоқ керак (А.Қодирий. Ўтган кунлар). Латта жинниси! -деб бақирди Бутабой...- латтанинг учини кўрсатса, ўзингни томдан ташдайсан (А.Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари).

Метонимия усули билан маъно кўчишда реал объектлар ўртасидаги турли хил алоқалар асос вазифасини ўтайди. Булар ҳақида лингвистик адабиётларда етарлича маълумотлар берилган.

Самоварда (чойхона ўрнида) ўтирдим, Навоийни (асарларини) ўқидим каби маъно кўчиш метонимияга мисол бўла олади.

Маъно кўчишнинг ўзига хос усуллари билан бири синекдоха саналади. Бунда предметлар ўртасидаги сифат белгиларига нисбатан миқдор белгиларига кўпроқ эътибор берилади. Синекдохада қисм орқали бутун, бутун орқали қисм ифодаланади.

Уфимцева А.А. и др. Лингвистическая сущность и аспекты номинации. В кн. Языковая номинация (Общие вопросы). М., 1977. С.-94; а также Телия В.Н. Вторичная номинация и ее виды. В кн. Языковая номинация (Виды наименования). М., 1977.

Қўлини кесиб олмоқ (аслида бармоғини), туёқ (қўй, сигир ва ш.к) боқмоқ, тирноққа (фарзандга) зор каби лексик бирликлар синекдохага мисол бўла олади.

Тўғри ва кўчма маънодаги объектлар ўртасида алоқанинг бор бўлиши синекдоханинг метонимияга ўхшаш ҳодисалардан бири эканлигини тасдиқлайди.

Иккиламчи номинациянинг ономасиологик тавсифини В.Г.Гакнинг кузатишларида учратишимиз мумкин. У француз авиация терминологиясини текширар экан, шундай хулосаларга келдики, иккиламчи номинациянинг турли хил усуллари кўллаш (бошқа тиллардан сўз олиш эвазига) орқали ҳосил қилинган бундай атамалар мазкур соҳадаги жами атамаларнинг 70% ни ташкил қилар экан.¹ Алоҳида тилларда иккиламчи номинациянинг маълум бир тури бошқаларига нисбатан устувор кўринишда бўлиши мумкин.

Масалан, В.Г.Гакнинг фикрича, рус тилидаги бўёқдорликдан ходи бўлган махсус атамалар ўрнида француз тилида метафорадан хенг фойдаланилади. Қиёсланг: *fourrure* (сўзма-сўз таржимада «мўйна») «прокладка»; *fosse d'essai* (сўзма-сўз таржимада «текширув ўраси») «текширув учун ишлатиладиган камера»; *frange atmosphérique* (сўзма-сўз таржимада «атмосфера тутунлари») «атмосферанинг ташқи кўриниши» ва ҳ.²

Ҳар бир тилдаги ифодаликни таъминловчи услубий меъёрлар ҳақида гапирар экан, В.Г.Гак айтиб ўтади: «...*raquet* сўзи рус тилида ТУГУН, кути, боғлам, туп каби (узел, пачка, связка, кипа) аниқ сўзлар билан ифодаланса, француз тилида ўзаро боғлиқлик асосида кўчма маънода яхлит кўринишга эга бўлган қуйидаги лексик бирликлар орқали ифодаланади.

1. Гак В.Г. Сопоставительная грамматика.-М., 1977. С.-47

2 Гак В.Г. Сопоставительная грамматика.-М., 1977. С.-47

Paquet d'hommes «одамлар гурузи», «paquet de teg» сувнинг кучли жимирлаши», des paquets de glaise «лой тўплами» ва ҳ.¹ Санаб ўтилганлар шунини кўрсатадики, маъно кўчишнинг у ёки бу тури тилларда ўзгариб туриши мумкин. Шунга қарамасдан иккиламчи номинация табиий тилларнинг такомилидаги муҳим ҳодиса саналаверади.

Хулоса қилиб айтганимизда, иккиламчи номинация тилнинг ифода плани асосида луғат жамғармасини кескин ўсиб кетишдан сақлайдиган маъно кўчиш йўлларида тўлиқ фойдаланиладиган ҳодиса саналади. У ҳар қандай жонли тилда учровчи аташ воситалари қаторига киради. Иккиламчи номинация усулларининг ранг — баранглилиги тил тизимининг шакл ва мундарижасига уларнинг таъсир этиш имкониятини таъминлайди.

4-§. Кўп маъноли сўз маъносининг шаклланишига тил системасининг таъсири

Лексик бирликлар парадигматик ва синтагматик хусусиятларига кўра тилда ўзига хос мазмун-моҳиятига эга бўлади.¹

Лексик бирликларни семантик гуруҳларга бирлаштириш ғояси ўз вақтида М.М.Покровский томонидан қайд этиб ўтилган эди: Сўзлар ва уларнинг маънолари бир—бирларидан айри ҳолда бўлмайди: улар гуруҳларда бирлашади. Гуруҳланиш асосида улар ўртасидаги ўхшашлик ёки бош маънога қарама — қарши қўйилган маъно ётади».²

Лексик бирликларнинг мазкур хусусияти XX —асрнинг иккинчи ўн йилликларида И.Трир, Г.Ипсен, В.Порциг каби немис олимларини ўзига жалб этди. Улар ўз тадқиқотларида «семантик майдон» (Wortfeld, Bedeutungsfeld) тушунчасини олға сурдилар.³ Ушбу оқимга мансуб бўлган тилшуносларнинг изланишлари натижасида лексик бирликларнинг ички қурилишини чуқур текшириш тилда лексик —семантик майдоннинг ҳукм суришини кўрсатиш имконини берди.

Лексик — семантик майдон тушунчаси тил ҳодисаларидаги системавийликни идрок қилиш, лексемалар ўртасидаги ички тизим қонуниятларини очиб бериш учун йўл очди. Бу йўналиш кўплаб тилшуносларнинг диққат —эътиборини ўзига тортди. Семантик майдон тушунчаси бўйича ўзига хос лингвистик талқинлар юзага келди. Хусусан, унга берилган ўзгача тил тавсифини Й.Трирнинг қарашларида кузатамиз: «Муайян тил белгисини англаш учун унда майдон тушунчасининг бор ёки йўқлигини билиш лозим. Сўз фақат майдон ичида тушунилади.

¹ Қаранг, масалан, Уфимцева А.А. Слово в лексико — семантической системе языка. М., 1968.

² Покровский М.М. Семасиологические исследования в области древних языков. Уч-зап.Моск. ун-та, ист.- филол. Вып.23, 1896. С.-21.

³ Звегинцев В. А. Семасиология. М.:Моск.ун-т., 1957. С.-266.

Тушунча майдонидан ташқарида маъно англашилмайди».¹

И.Трир томонидан илгари сурилган майдон тушунчаси шуни кўрсатадики, муаллиф бунда биринчи галда лексик бирликларнинг билатериал характериға эътибор берган. У майдонни иккига ажратади: луғавий майдон ва тушунча майдони. Бир —бири билан боғланган ўз ҳолатиға кўра асосий тушунчаға бўйсунувчи тушунчани тушунча майдони сифатида талқин қилади. Сўз ва у мансуб бўлган «оилани» луғавий майдон деб атайди. И.Трир яна шуни ҳам кўрсатадики, луғавий майдон ўз хусусиятиға кўра фақат маълум бир тушунчаларнигиға ўзида акс эттира олади, қолган тушунчалар бошқа луғавий майдон воситасида юзага чиқади.² И.Трир семантик майдонни тавсифлар экан, лексиканинг предметлар билан бўлган алоқаларига, шунингдек майдоннинг аниқ чегараларини белгилаш учун ҳалақит берадиган сўзларнинг кўп маънолигиға бир неча бор мурожаат қилади.

Сўзнинг кўп маънолилигини белгилаш жараёнида унинг ўз ва кўчма маъноларини бирлаштирган синонимик қаторларни аниқлаш мумкин. Буни тугун сўзининг семантик структурасини таҳлил қилиш орқали кузатса бўлади. У қуйидаги маъноларда ишлатилади.

1. Асосий номинатив маъно: арқон, ип, лента каби нарсаларнинг уланган ёки сиртмоқ сингари боғланган ери;
2. Ўраб, бўғчалаб боғланган нарса, бўғча;
3. (адабий) Бадиий асарда воқеалар ривожланиши туртки бўлган ходиса, воқеа;
4. (кўчма) Воқеа, ходиса ва шу кабиларнинг тўқнашган, чалкаш ери; воқеалар тугуни. зиддиятлар тутуни;

1 Trier I. Der deutsche Wortschatz im sinnbezirk des Verstandes. Heidelberg, 1931, s-5

² Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. М.: Просвещение, 1975. С.- 48

5. (кўчма) Дилда тўпланган, кўнгилга ғамлик солиб турган ёки ечилмай бош қотираётган нарса.¹

Бундан ташқари тугун сўзи идиоматик ибораларда ҳам ишлатилади. Масалан, нерв тугуни — узаро бириккан нейрон таначаларининг тўплами; ёки тугун оши — одатда худойига килинадиган чучварали угра ош.

Тугун сўзининг кўчма маъносининг ривожланиши натижасида унинг кичрайтириш шакли ҳам келиб чиққан. Бу ҳолатни туйиб кўрдимда, Ечиб солдим дил тугунчасин. (Сайёр)

Ушбу сўзнинг кичрайтириш шакли ботаник атама сифатида ҳам ишлатилади: гул уруғининг остки қисмидаги уруғдонга **хосил тугунчалари** дейилади.

Тил материаллари шуни кўрсатадики, асосий маънонинг синонимларини қўллаш орқали сўзнинг полисемантик имкониятлари кенгайиши мумкин. Масалан, **тугун** сўзининг синонимлари сифатида **чигал ва чалкаш** сўзлари ишлатилади. **Чигал** сўзи луғатда қуйидагича изоҳланади: 1. Учини топиб ёзиб бўлмайдиган, чалкашиб у ер бу ерига **тугун** тушиб қолган (ип, ингичка сим ва ш.к.ҳақида); 2. (кўчма) Чалкашиб, мураккаблашиб кетган, чалкаш: **чигал вокеа, чигал иш, чигал бир** масала. Мазкур ҳолат **тугун** сўзини **вокеа ва ходисаларнинг тўқнашган ерини** ифодаловчи синоним сифатида ишлатиш имконини берган. Юқоридаги синонимик қаторни функционал — услубий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали унда семантик имкониятнинг кўплигини кузатса бўлади.

Гапни бошқа ёққа бурма. Қани, дилингдаги тугунни еч (Ойбек. Олтин водийдан шаббодалар). Бу гапда асар қаҳрамонини қийновчи қандайдир масала ҳақида гап кетяпти. Қуйидаги мисолда эса чигал сўзи бир — бирига боғланган муаммо мажмуини ифодалаш учун кўчма маънода қўлланмоқда:

1 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М.: Русский язык. 1981,-Т. II. Б.217 —218

Пўлатжоннинг кўзлари равшанлашиб кетгандек, кўпдан миясини чулғаб олган чигал ечишиб кетгандек, ўзини енгид ҳис қилди. (С.Аҳмад. Қадрдон далалар)

Чалкаш сўзи **чигал** сўзининг синоними саналади ва қуйидаги маъноларда ишлатилади: 1. Учини, бош — кетини топиб бўлмайдиган, чигаллашиб кетган: **чалкаш ип. чалкаш (бетартиб) ёғочлар**. 2. Тушуниб, охирига етиб бўлмайдиган, англашилиши қийин: **чалкаш фикрлар, чалкаш масала**. Қизиқарлиси шундаки, семантик жиҳатдан бир — биридан узоқ бўлган **тугун ва чалкаш** сўзлари **чигал** сўзи туфайли бир синонимик қаторни ташкил қилмоқда. Бошқачароқ қилиб айтадиган бўлсак, **тугун-чигал - чалкаш** синонимик қаторида чигал сўзи қаторни ҳосил қилувчи асосий занжир сифатида юзага чиқмоқда. **Чалкаш** сўзининг семантикаси кенгайиб, у нутқ жараёнидаги birlikларнинг таркибий қисмини ифодалашга ҳам ўтган: «У (Раҳмонов) ҳозир ўзининг чалкаш ҳаёти учун бутун айбни ўша тантиқ Маҳфузага юклашга тайёр эди» (А-Мухтор. Туғилиш).¹

Келтирилган мисоллар шундан далолат берадики, бундай синонимик қаторлар тилда кўп учрайди ва улар тил birlikларининг семантик имкониятларини ошириш учун хизмат қилади. Маълум бир матнда синонимик қаторнинг бошқа синонимик қаторга аралашиб кетиши кузатилади. Бундай ҳолатларда тўғри ёки кўчма маънога эга эканлиги билан ўша қатордаги сўзларга синоним бўлиб қолиши мумкин. Тўғри ва кўчма маънолар семантик жиҳатдан бир —бирини тўлдиради. Синонимик қатордаги силжишлар уни ташкил қилаётган сўзларнинг нормал қўлланилиши учун тўсиқ бўла олмайди.

Синонимларнинг тўғри ва кўчма маъноларини ишлатиш бўйича элинган маълумотлар шуни тасдиқлайдики, уларнинг маъноларига

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — М.: Русский язык. 1981.-Т. II. Б.-351.

асосланиб туриб, матнларнинг аниқ тавсифини берса бўлади. Кўчма маънода ишлатилган лексик birlikларнинг (шунингдек, синонимик қаторларнинг) кўпайиши сўзлардаги семантик сатҳнинг кенгайишини, матнлар салмоғининг ортиб боришини таъминлайди. Бундай ҳолларда семантик қаторлардаги силжиш ва бир —бирини тўлдиришга асосланган тўғри ва кўчма маънодан фойдаланилади.

Кўчма маънода ишлатилган синонимик қатор биринчи галда тўғри маънодаги лексемани кўчма маънодаги сўзлар гуруҳига қўшади ва шу усул ёрдамида унинг функционал имкониятларини очиб беради.

Келтирилган фикрлар нгуни тасдиқлайдики, муайян синонимик гуруҳ функционал имкониятларининг нафақат кўчма маънони янги сатҳда автоматик равишда қўллаш орқали, балки кўчма маънодаги сўзнинг тўғри маъносига синоним бўлган ҳолатлар ҳисобига ҳам кенгайиши кузатилади. Ушбу кўчма маънонинг пайдо бўлиши тўғри ва кўчма маъно ўртасидаги мотивацияга асосланган бўлади. Иккинчи томондан эса, кўп маъноли сўздаги тўғри маънонинг синонимик хусусиятига асосланилади.

Тавсифланаётган ҳодиса тилда кенг кўламда қўлланилади. Лексик birlikларнинг кўчма маънода қўлланишида имкониятнинг кенглиги иккиламчи номинация учун асос бўлиб хизмат қилади. Меъёردаги тил бирлиги ўз ҳолатига кўра бир нечта кўчма маънога эга бўлиши кенг тарқалган. Бу ўринда тушунчаларнинг бир —бирига аралашиб кетиши ёки лексик тизимдаги тартибсизликлар ҳисобга олинмаяпти. Агар сўз орқали бир неча маъно ифодаланмаганда эди, у биз учун камроқ қадрли бўлиб қолган бўларди.

Синонимик гуруҳлар орқали сўзнинг қўлланишидаги ёрдамчи имкониятларни ишга солиш тил birlikларининг битмас — туганмас функционал хусусиятларга эгаллигини тасдиқлайди. Сўзнинг синонимлари орқали қўшимча маъноларни бериш осон ва қулай ҳодиса саналади. Бир сўзнинг тўғри ва кўчма маънолар орқали бир нечта синонимик гуруҳда

фаолият кўрсатиши лексемаларнинг семантик имкониятларини оширади ва тилдаги луғат жамғар — масининг сон жиҳатдан ўсиб кетишига йўл қўймайди. Синонимия тамойилига кўра юқоридаги каби лексик бирликлар тор ёки кенг маънода кўп маъноли сўзнинг ички қурилишини ва маъно қирраларини очиб беришда муҳим роль ўйнайди.

Кўп ҳолларда бир сўзнинг ўзи мансуб бўлган сатҳдан иккинчи бир сатҳга ўтиши йўтшда қонуний тўсиқларнинг мавжуд бўлиши лексик бирликларнинг амалий жиҳатдан ишлатилишини ҳисоб — китоб қилиб боришга имкон бермайди. Уларнинг муайян сўз қўшилмаларида ишлатилишида қандайдир чегараларнинг мавжуд бўлишини унутмаслик керак. Улар ўзгармас, қотиб қолган шаклларни ифодалаш учун хосланмаслиги мумкин. Жонли сўзлашув тилида функционал чегаранинг ўзгарувчан, эластик, шу билан бирга реал бўлиши кузатилади.

Сўзнинг семантик қурилиши ўз тақомили йўлида турли ўзгаришларга учрайди. Бу эса ўз —ўзидан кўп маънолилиқни келтириб чиқаради. Сўзнинг семантик жиҳатдан тармоқланиши унинг бир нечта матнларда ишлатилишини таъминлайди. Тўғри номинатив маъно учун бу ғалати ҳодиса бўлиб кўринади. Сўз лексик бирлик таркибида янги маъноси билан юзага чиқади, лекин бу, ҳатто у кўп маъноли сўз бўлса ҳам, синтагматик алоқага кира олади дегани эмас. Кўп маъноли сўзнинг ишлатилиш чегаралари лексик тизимнинг ички қонуниятларига бўйсунди. Шу билан бирга, улар лексик бирликларнинг ўзигагина хос бўлган структурал —семантик хусусиятларга асосланади.

Семантик жиҳатдан қаерда чегара бўлиши бевосита кўп маъноли сўзнинг ўзига боғлиқ бўлади. Бунинг сабабларини тўғри за кўчма маънолар ўртасидаги алоқалардан излаш лозим. Кўчма маъно лексик бирликларнинг семантикасини бевосита кенгайтиради ва бир вақтнинг ўзида унинг ишлатилиш чегараларини ҳам белгилайди. Мантиққа зид бўлган ушбу ҳодиса кўчма маънонинг пайдо бўлиш ва қўлланилишидаги

туб ўзига хосликлар билан изоҳланади.

Кўчма маънонинг меъёр даражасида қўлланиши унинг тўғри маъно билан бўлган алоқасига боғлиқ. Лексик бирликларнинг семантик ранг — баранглигини таъминловчи кўчма маъно ҳар томондан тўғри маънога боғлиқ бўлади.

Кўп маъноли сўзнинг семантик имкониятлари чексиз бўлмайди. Кўчма маъно учун белгиланган нукта унга чегара вазифасини ўтайди. Сўзнинг семантик такомили бу чегарадан ташқарига чиқа олмайди.

Масалан кўк, зангори, мовий, нилий синонимик қаторидаги кўк сўзининг ишлатилишини кўк, майса, ўт синонимик қаторидаги ҳолатига, шунингдек кўк чой, қора чой, оқ чой, памил чой бирикмаларидаги кўринишларига солиштириб кўринг. Биринчи қатордаги кўк сўзи ранг семасига, иккинчиси майса семасига боғлиқ ҳолатда ишлатилади ва бу чегарадан ташқарига чиқмайди. Мисол учун кўк кўйлак, кўк олма бўлиши мумкин, лекин ҳеч қачон кўк оқсоқол, кўк характер бўлмайди.

Хуллас, лексик бирликларнинг маъносидаги мураккаб қурилиш ва уларнинг амалиётда қўлланиши мазкур бирликни ҳосил қилувчи элементларнинг барқарор ўзаро муносабатларига, алоқаларига боғлиқ бўлади.

5-§. Учламчи номинация

Номлаш назариясига бағишланган тадқиқотларни кўздан кечириш қарашларнинг хилма — хиллигига қарамай уларда қуйидаги умумий томонларни ажратиш мумкинлигини кўрсатди: номлаш бирламчи ва иккиламчи бўлиши мумкин; бирламчи ном услубий нейтрал бўлади; иккиламчи ном эса услубий хосланган бўлади.

Аммо текширишларимиз давомида янада фарқлироқ қарашлар шакллана бошлади.

Бирламчи номиинация бир неча турли бўлиб, семантик неологизмлар содда кўринишдаги номинациянинг алоҳида туридир.

Бунда тилнинг номлаш имкониятлари алоҳида тил белгиларининг маъно тузилишини мураккаблаштириш (кўпинча мавҳумлаштириш) орқали юзага чиқарилади. Жуда кўп атамалар ана шу усулда ҳосил қилинган: илдиз, оғирлик, нарса, материал, нур, куч ва бошқ.

Шунингдек, бирламчи номлар одатда бефарқ деб аталса-да, доим ҳам бундай бефарқлик кузатилавермайди. Қуйидаги бирламчи номлар қаторига назар ташлаш буни кўрсатиб бериш учун кифоя: юз-бет-афт-башара-турк; кулмоқ-ишшаймоқ-тиржаймоқ.

Шунингдек, одатда иккиламчи номинация деб аталувчи ҳодиса табиати ниҳоятда мураккаб бўлиб, иккита бир —биридан фарқ қилувчи ҳолатни қамраб олади:

1. Номи мавжуд нарсаларни иккинчи марта номлаш.
2. Номсиз нарсаларга ўхшаш (кенг маънода) нарсаларнинг номини кўчириш.

Тадқиқотчи Г.Қобулжонова ана шу икки ҳолатдан фақат биринчисини иккиламчи номлаш деб ҳисоблайди ва унинг юзага келиш сабабларини қуйидагича изоҳлайди:

«Номсиз нарсани номлаш заруриятини тушунтириб ўтишга ҳожат йўқ. Чунки ном инсон билиш фаолиятининг энг зарурий узвидир. Аммо

иккиламчи номлаш зарурияти нимадан келиб чиқади? Бу зарурият мавжуд бўлган ном сўзловчи нуктаи назаридан айтилиш шароити таъминлай олмай қолганда юзага чиқади. Иккиламчи номлаш қуйидаги жиҳатлар билан аҳамиятлидир:

Биринчидан, нутқни қисқа, таъсирчан ва лўнда қилади, қиёсланг: **Саида-синчалак | | Саида-бетиним, нозик, шаддод қиз.**

Иккинчидан, нутқни аниқлаштиради: **Жўрабоев – айик I Жўрабоев-йўғон, басавлат одам.** Иккинчи жумлада унинг йўғон ва басавлатлиги унга берилган баҳони аниқ кўрсатмайди. «Айик» эса, унинг бу белгиларидан ташқари, бу белгиларнинг ёқимсизлигини ҳам кўрсатади».¹

Унинг бу фикрларига асосан қўшилган ҳолда шуни ҳам айтиб ўтишни хоҳлардикки, «Номсиз нарсани номлаш заруриятини тушунтириб ўтишга ҳожат йўқ» деган фикрга тўла қўшилиб бўлмайди. Номсиз нарсани номлаш зарурияти, албатта, аниқ — равшан. Лекин уни нега айнан мавжуд номни иккинчи марта қўллаб номлаш зарурлиги масаласи изоҳга муҳтож. Тадқиқотчиларнинг кўпчилигига қўшилган ҳолда биз ҳам мавжуд номни иккинчи қайта ишлатиш муомала — мулоқот жараёнини енгиллаштиради деб ҳисоблаймиз (ишимизнинг юқоридаги қисмларига қаранг). Бироқ шу билан бирга иккиламчи ном атамасининг бу ўринда шартли қўлланилганини алоҳида таъкидлаб ўтамиз. Айтиб ўтилганидек, иккиламчи ном атамаси икки хил ҳодисани ифодалаш учун ишлатиб келинади.

Шунингдек, тил ҳодисаларининг кўп қирралилиги реал объектларнинг номланишидаги кўп поғоналилиқ фактларида ўз аксини топади. Бундай ҳолларда тил бирлиги икки ёки ундан ортиқ маъноларга эга бўлади. Сўз ифода планига кўра ўзгарилган ҳолда иккиламчи номинация жараёнида семантик жиҳатдан кенгайиши мумкин.

¹ Кобулжонов Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини: Филол.фанлариномзоди... дис. авторе: -1 2000. - Б.10

Инглизча **Canvas** сўзи иккиламчи номинацияда кўп поғонали усулнинг ишлатилишига мисол бўла олади.¹

Тўғри маънода бу сўз зиғир толасидан тўқилган текис материални (одатда оқ), шунингдек, каноп матони, брезентни ифодалайди. Денгиз терминологиясида у елканни англатади.

Рассомчиликда эса мазкур сўз тасвир тушириш учун тайёрланган грунтланган полотнони ифодалайди. Метонимияга асосланган юқоридаги маъно кўчиш иккиламчи номинациянинг биринчи поғонаси саналади. **Canvas** сўзи метафорик усул билан маъно кўчишда иккинчи поғонага ўтади. Бунда у йирик бадий ёки мусиқа асари маъносини ифодалаш учун ишлатилади.

Америкаликлар томонидан эса унинг метонимияга асосланган **чодир, палатка** маънолари ишлатилади. Мазкур маъно асосида унинг янги метафорик маъноси-**цирк** юзага келади.

Кўриниб турибдики, **canvas** сўзи мисолида иккиламчи номинациянинг яна бир хусусияти очилмоқда. Унинг семантикасидаги мураккаблик, ўта нозик ассоциатив асос **canvas** сўзининг нутқда кенг қўлланилишига халақит бераётгани йўқ.

Моддий оламдаги турли хил объектларга хос бўлган денотатив белгиларнинг ўхшашлиги уларни битта ном остида аташ имконини бермоқда.

Метонимия усули билан маъно кўчишда аталаётган объектлар ўртасида алоқадорлик, ўзаро боғлиқлик бўлганлиги сабабли, маъно ҳамиша очиқ —ойдин, равшан юзага чиқиб туради.

Canvas сўзи мисолида ҳосил қилинган метафорик маъно тадрижий равишда нафақат рассомчилик асарини, балки бутун санъат асарларини у орқали ифодалаш имконини берган.

¹ New English-Russian Dictionary. M.. 1972. -P. 82

Кўринадик, бир сўз кетма — кетликда (алоҳида — алоҳида эмас) бир неча марта номлаш учун қўлланилган. Номланишдаги бундай поғонавийлик жуда кам тадқиқ этилган. Шунга қарамай, ўзбек тилшунослигида номинация жараёнида поғонавийлик борасида айрим лавҳа фикрлар мавжуд. Тилшуносликда доим ҳам сўз ясалиши жараёнида даражалиликка алоҳида эътибор билан қаралган. Масалан: **«Тарокчи** сўзи **тарок** сўзидан ясалган, бунда ясовчи сўзнинг ўзи ҳам аслида ясама (тарок элементи — нисбий: якка ҳолда ясама сўз, тарокчи сўзининг составида — ясовчи сўз). Демак, бундай сўзларда деривация (ясалганлик) даражали — босқичли бўлади: биринчи деривация (тарок), иккинчи деривация (тарокчи), учинчи деривация (тарокчилик).. ҳар гал бир ҳаракат, бир ясалиш: ҳар гал — бир муносабат (ясовчи ва ясалма орасидаги муносабат — сўз яшаш муносабати). Бу ясалиш тизмаси ўз қонуниятларига, изчилликка эга («бичиқчилик сўзи бич сўзидан ясалган» деб бўлмайди»). Лекин бундай ясалиш тизмасида ҳам дастлабки элементнинг (туб сўзнинг) маъноси (тарамок, бичмоқ) охиригача сезилиб — боғланиб бориши шарт. Қаерда бу боғланиш бўлмаса, ўша ерда сўз ясалиш алоқаси ҳам йўқолади».¹ Тадқиқотчи Т.Эназаров ҳам туркий компонентли жой номларини тадқиқ эта бориб, бир қизиқ ҳолатга эътибор қаратади.

Номланишда алмашинувлар бир неча босқичда кечиши мумкин. «Апеллятив лексикадаги сўз, сўз бирикмаси ва қўшма сўзларнинг тўғридан — тўғри ономастик лексика таркибига ўтиши биринчи алмашинув қонуни ҳисобланади. Ушбу қонуннинг рамзий кўриниши тубандагичадир.

Апеллятив сўз (лар) > топоним. . қайирма > Қайирма.. қишлоқ > Қишлоқ. . иккинчи алмашинув қонуни асосида шаклланувчи топонимлар, то ономастик сатҳга ўтгунча, бир неча компонентдан иборат бўлган. **Қизирик жой** номи олдин икки сўздан ташкил топган: **қизил~ариқ**.

¹ Ўзбек тили грамматикаси. — Т.т. 1975. — Т.1. — Б.15

Ушбу топоним фонетик ўзгаришларга учраб, **Қизирик** ҳолатига келиб жой номига айланган. Вақт ўтиши билан эса бу жой номи микротопонимликдан ўсиб ўтиб, макротопонимга айланган.

Кундалик ҳаётда ишлатилаётган апеллатив сўзлардан антропоним, фитоним, этнонимлар ҳосил бўлиши ва уларнинг анротопоним, фитотопоним, этнотопонимларга айланиш жараёни жой номларига ҳос учинчи алмашинув қонунини ифодалайди:

Апеллатив сўз (лар)>антропоним>антропоним (топоним):

Ул+а>ула+ш>Улаш. . -»¹

Тадқиқотчи С.Мўминов эса номинантларда мотивациянинг уч даражаси бўлиши мумкинлиги борасида фикр юритади:

«1. Бирламчи мотивация. Бу ерда мотивланган асос мотивловчи асос учун биринчи натижа сифатида юзага чиқади. Бошқача айтганда, мотивланган асос аввал мотивланмаган ёки ремотивацияга учраган асосдан ҳосил бўлади: а) какку, қарс- курс, вов-вов (ит ҳақида), миёв (мушук ҳақида); б) темирчи. Белбоғ.. .

2. Иккиламчи мотивация. Бу ерда мотивловчи асос ўзи мотивланган бўлади: а) куккулашмоқ, миёвламоқ, чакка, қарсаклар; б) шоликорлик, сувсизлик, темирйўлчи, деворий газета, учбурчак.

3. Учламчи мотивация. Бу ерда мотивловчи асос икки марта мотивланган бўлади: тўқимачилик, ўсимликшунослик, асаларичилик... Фурқат исмини фарзандларига берар эканлар, ота- оналар машҳур демократ-шоир Фурқат (1858-1909) таҳаллусини назарда тутадилар, бу арабча сўзнинг бирламчи (апеллатив) маъноси эса «айрилиқ» бўлиб, қувғиндаги шоир таҳаллуси учун мотив бўлиб хизмат қилган»¹.

¹ Эназаров Т. Туркий компонентли топонимларнинг мотивлашуви \\\ Ҳозирги ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигининг долзарб муаммолари. Андижон, 2001. 16— 17 — б.

² Муминов С. Роль мотивации в окказионально-речевых номинациях: Автореф. дис... кандидата филол. наук.-Т., 1990- С. 10-11

Маълум бўлдики, айрим тадқиқотчилар номлашда бир неча даража

борлигини кўрсатиб ўтганлар. Аммо келтирилган мисоллар доим ҳам назарий фикрлар исботи учун мутаносиб бўлавермаган. Хусусан, бир сўз —ясама ном таркибида бир неча ясовчининг келиши номлашда даражаланишни исботлаш учун асос бўла олмайди. «Бу сўз қандай ясалган?» деган сўроқ ҳар гал бир бутун, яхлит сўзни, бир процессии кўзда тутади («тўқимачилик сўзи тўқимачи сўзидан ясалган: тўқимачи —лик»). .

Бироқ соддалашув, яхлитлашув ҳолатлари (кўнғир+от> кўнғир от>кўнғирот>Кўнғирот) ва тахаллус, байрам ва шу кабиларнинг антропоним сифатида қўллана бошланишига алоҳида эътибор билан қараш, дарҳақиқат, бунда даражаланиш борлигини кўрсатади. Масалан:

Фурқат (айрилик) > Фурқат (шоир) > Фурқат (исм), Истиқлол (мустақиллик) > Истиқлол (мустақиллик куни) > Истиқлол (исм) > Истиқлол (топоним).

Аммо номлаш жараёнида даражаланишни илғаш жуда мушкул. Сўзловчи узоғи билан икки даражани назарда тутиши мумкин. Масалан, Ер сўзининг маъноларига эътибор берсак.

1. Қуёшдан кейинги учинчи планета. Ер шари. Ер айланаси. Ер Қуёш атрофида айланади. Ернинг сунъий йўлдоши.

2. Шу планетанинг қуруқлик қисми (сув билан қопланган қисмига қарама — қарши қўйилганда). Ер планетамизнинг олтидан бир қисмини ташкил этади.

3. Планетамиз қобиғининг сиртқи қатлами. Ер бағри. Ер ости бойликлари.

4. Нарсалар турган, тирик организмлар ҳаёт кечираётган юза, сатҳ. Ерга палос солмоқ. Ерга тушган етимники. (Мақол).

5. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган тупроқ қатлами, экин экиладиган жой экин майдони. Бўз ер. Қўриқ ер. Ер ҳайдасанг — юз ҳайда. Мақол. **Ер очмоқ** экилмай ётган ерларни маданий экинлар экиш учун мосламоқ.

6. Бирор нарса банд қилиб турган, эгаллаган ўрин, жой, макон. Дарахт бир ерда кўкаради. (Мақол)

7. Бирор мамлакат, давлат ёки халққа қарашли территория. Ўзбек ери.

8. Бирор пунктдан наридаги жой; масофа. От автомобилдан ҳуркиб, хийла ергача суриб кетди. А.Қаҳҳор. Каравот.

9. Бирор нарсанинг ёки аъзонинг айрим қисми, бўлаги, жойи. Гиламнинг бир ерида доғи бор.

10. Иш жойи, муассаса, ташкилот. Ишлаган еридан справка келтирмоқ. Бирор ерга арз қилмоқ.

11. Кўрсатиш олмошлари билан келиб, шу олмошдан англашилган томондаги жойни ифодалайди. Шу ер. Ўша ер. Бу ер. У ер. — Ҳалимхона у ерда, зикирхона бу ерда кабилар. Мақол¹ Кўринадики, **Ер** сўзига тегишли бўлган маъноларни икки йирик гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга биринчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи маънолар; иккинчи гуруҳга қолган маънолар киради. Афтидан, иккинчи маъно бирламчи номлашга тегишли бўлган. Биринчи гуруҳга кирувчи маънолар иккиламчи номлашда ҳосил бўлган бўлса, иккинчи гуруҳдаги маънолар учламчи номлаш натижасидир. Албатта, номлаш даражалари яна ҳам кўп ва бошқача тартибда жойлашган ҳам бўлиш мумкин. Аммо шуниси аниқ: номлашда икки даражани назарда тутиш билан бу сўздаги маънолар ривожини тушунтириб бўлмайди.

Ёш сўзи маъноларига назар ташлаш ҳам фикримизни асослашда қўл келади:

Ёш II. 1 от. Туғилган вақтдан бошлаб ўтказилган йиллар жами; умр узоқлиги. Ўғлим ўн беш ёшда.

2сфт. Қари эмас, навқирон. Ёш одам. Ёш жувон.

3сфт. Ёшликка, ёшлик даврига хос. Ёш куч.

4 сфт, кўчма. Етарли тажрибага эга бўлмаган, тажрибасиз. Ёш

ёзувчи. Ёш санъаткор.

5 сфт, кўчма. Янги ташкил этилган, ҳали мустаҳкамланиб етмаган. Ёш колхоз. Ёш ташкилот.¹

Бу сўзда иккинчи маъно² биринчисидан келиб чиққан бўлса, учинчиси иккинчисидан, тўртинчи ва бешинчиси учинчисидан келиб чиққан. Бу эса бизга номлашнинг учламчи даражаси ҳақида гапириш имконини беради. Учламчи даражанинг мавжудлиги ҳақидаги лавҳа фикрлар, кўриб ўтганимиздек, бир қатор тадқиқотларда учраб туради. Бироқ унинг табиатидаги ўзига хос мураккаблик англаш ва изоҳлашда қийинчилик туғдиради.

Айтиб ўтганимиздек, сўзловчи кўпи билан икки даражани ҳис қилади. Аниқроғи, окказионал қўлланишларда, шунингдек, узуаллашган окказионализмларни қўллашда ҳам икки даража назарда тутилади. Бу икки даража сўз тараққиёти, номлашлар силсиласида биринчи, охири, ўзаро боғлиқ ўрта бўғин бўлиши мумкин.

Яна бир мисолга мурожаат қилсак.

Ёй I. 1. Қуёш нурининг ёмғир томчиларида синиши натижасида осмонда ярим дойра шаклида ранг—баранг тусда кўринадиган йўл; камалак.

2 айн.камалак 1. Ҳакимбек ўн тўрт ботмон ёйни қўлига ушлаб кўтариб тортди. «Алпомиш».

3. Эск.айн.қавс I. Катта ёй. Ёй ичига олмоқ.

4мат. Айлананинг бўлаги. Параллел ватарлар орасидаги ёйлар бир —бирига тенгдир. «Геометрия».

5Камалак шаклидаги, эгик нарса ЦТоҳир болатой бўпти. . . Зу^ра қадди ёй бўпти. С.Абдулла, Тоҳир ва Зухра.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — М.: Рус тили, 1981. —Т.1.Б.264.

² Иккинчи сўз ёки иккинчи қўлланиш, иккинчи номлаш натижаси назарда тутилмоқда.

Электр ёйи икки электрод оралиғида ёниб турган ёй.¹

Бу ерда даражаланиш янада бошқача кўриниш касб этган. Биринчи даражада биринчи ном (ёй 1), иккинчи даражада (ёй 2) ҳосил бўлган. Ёй сўзида ҳар қандай эгик нарсани ифодалаш имкони учинчи даражада ҳосил бўлган (Ёй 3,4,5).

Шаклан бир хил бўлган турли номларнинг даражаланиши қанчалик мураккаб бўлса, шаклан турлича номларда бундай мураккаблик янада ўзгача хусусият касб этади. Тадқиқотчи Ҳ.Шамсуддинов ёзади: «Айримлик, хусусийлик ва умумийлик диалектикаси нарсалар номларининг қандай шаклланишида ҳам кўриниб туради. Умумийлик ифодалаган номлар одатда содда тарзда, яъни сўз шаклида бўлади, айримлик ва хусусийликни ўзида акс эттирган номлар эса кўп компонентли бирликларда шаклланади. Қиёсланг: Университет — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети».²

Номларда умумийлик ва хусусийлик диалектикасининг акс этиши номланишда бир неча даражани юзага келтиради. Тур — жинс муносабатида турган сўзлар ўз — ўзидан тилимиз тарихида кетма — кет, бир неча даражада амалга ошган номлаш натижасидир:

Ҳайвон — ит — Олапар.

Кўринадикки, ҳар қандай хусусий ном ҳам (умумийга нисбатан) кўп компонентли бўлавермайди. Шу туфайли ҳам кўп компонентли бўлмаган номларда даражаланиш поғоналарини ажратиш доим ҳам аниқ бўлмайди. Аммо ҳамма номларни икки даражага сиғдириб бўлмаслиги улар орасидаги кетма — кет муносабатлардан кўриниб туради.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М.: Рус тили, 1981. — Т. I. Б. 255.

² Шамсуддинов Ҳ. Номлашда айримлик, хусусийлик ва умумийлик диалектикаси // Тилшунослик ва адабиётшунослик масалалари. — Андижон, 2002. 34 — б

Яна куйидаги сўзларни таҳлил этиб кўрсак. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» да «солмоқ» сўзининг 18 та маъноси берилган:

1. Бирор нарса ичига ёки устига жойламоқ, қўймоқ, ташламоқ. Қопга ун солмоқ...

2. Тўшамоқ, ёзмоқ. Ўрин солмоқ. . .

3. Рўпара қилиб, қаратиб қўймоқ, тутмоқ. Хатни чироққа солиб ўқимоқ. . .

4. Қуритиш, ачитиш, пишириш учун қўймоқ. Майиз солмоқ...

5. Тўлов мажбуриятини юкламоқ, белгиламоқ. Солиқ солмоқ.

6. кўчма. Бирор ҳолатга келтирмоқ, туширмоқ, қўймоқ ёки бирор ҳолат юзага келтирмоқ: гирифтор, дучор қилмоқ. Ташвишга солмоқ.

7. Бирор кимса ёки кўпчилик муҳокамасига қўймоқ, ҳукмига топширмоқ, ҳавола қилмоқ. У киши мажлисга солган иш бўлмай қолмайди. А.Қаҳҳор. . . Ўртага солмоқ.

8. Бирор нарса ёки кимсага йўналтирмоқ, қўймоқ. Овга қуш солмоқ.

9. Арқон, занжир каби нарсалар уриб, ташлаб, банд этмоқ, боғламоқ. Бўйнига сиртмоқ солмоқ.

10. Барпо қилмоқ, қурмоқ, ясамоқ. . . Уй солмоқ.

11. Зарб билан урмоқ, туширмоқ. Тарсаки солмоқ.

12. Чизмоқ, ишламоқ, ясамоқ (гул, нақш ва ш.к.ни). Расм солмоқ.

13. Осилтирмоқ, солинтирмоқ. Бошини қўйи солмоқ.

14. Ечмоқ (кийимни). — Қўйлак ечар!—деди Қумри турган қўйи ва қўйлагини ечиб ташлади. — Иштон солар! А.Қодирий. Мехробдан чаён.

15. бот. Тутмоқ. Қовоқ бешта солибди.

16. Қўшма отлар ва фразеологик бирликлар таркибига киради, мас. асос солмоқ, бозорга солмоқ.


17. — а| —й ёки (—и)б аффиксли равишдош билан келиб, шу равишдош орқали ифодаланган иш — ҳаракатнинг батамом ёки рўйи —

рост бажарилганлигини билдиради. Бор гапни айтиб солмоқ.

18. — а| — й аффиксли равишдош билан кўмакчи феъл вазифасида келиб, шу равишдош орқали ифодаланган иш — ҳаракатнинг дарҳол бажарилганлигини билдиради. Бола тура солиб уйига қочди. М.Исмоилий, Фарғона тонг отгунча.

Бундан ташқари, «.. — га солмоқ» тарзида «...қилиб кўрсатмоқ» (ўзини ухлаганга солмоқ) «.. — дан олиб, — га солмоқ» тарзида «такрорламоқ» (нодондан олиб, нодонга солмоқ) каби фразеологик маъноларни ифодалашда қатнашади.¹

Бу сўзнинг қўшма сўз ва иборалар таркибидаги охирги уч маъносидан ташқари қолган маъноларининг ўзи ҳам бир даражагина эмас, икки даража ҳам уларни изоҳлашда камлигини кўрсатиб турибди. Бизнингча, бу номларда маъновий даражаланишни чизмада қуйидагича акс эттириш мумкин:



Ёки яна бир сўзга эътибор берайлик. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да майдон сўзининг бешта маъноси берилган:

1. Ҳовли — жойга яқин очик ер сайхон ёки боғча; томорқа. Майдон икки таноб кенгликда бўлиб, жануби Қутидор ва қўшнисининг иморатлари орқасидан ва бошқа уч жиҳати ҳам шунга ўхшаш бинолардан иборат эди. А.Қодирий. Ўтган кунлар.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — М.: Рус тили. 1981. — Т. I. — Б. 66 — 67

2. Умуман очик ер, сайхон ёки экинзор. Пахта майдони.

3. Бирор иш —ҳаракат учуй мўлжалланган ёки шундай иш — ҳаракат юз берадиган жой. Спорт майдони.

4. кўчма. Жабҳа, соҳа доира. Иш майдони. Мафкура майдони.

5. физ. Бирор физик ҳодиса рўй берадиган ёки унинг таъсири сезиладиган фазо. Электр майдони.¹

Бизнингча, яна бир маънони қўшиш мумкин.

6. линг. Муайян мазмунни ифодалаш учун хосланган лингвистик бирликлар йиғиндиси.

Бу маъноларнинг биринчи ва иккинчисидан учинчиси, учинчисидан тўртинчиси, тўртинчисидан бешинчиси, бешинчисидан олтинчиси келиб чиққан.



Аммо шуниси ҳам маълумки, синхрон позицияда ушбу хил даражаланиш тартибини белгилаш осон кечмайди.

Шунингдек, даражалар миқдори ҳам доим аниқ бўлавермайди. Биз иккиламчи номинациядан кейинги барча босқичларни учламчи деб атаган ҳолда уларнинг тўртламчи, бешламчи ва ҳоказо бўлиши мумкинлигини ҳам назарда тутамиз. Куп маъноли деб аталувчи сўзлар ва улар орасидаги фарқнинг кучайишидан юзага келган омонимлар орасидаги муносабатлар мутаносиб кетма — кетликда бир неча даражада бўлиш мумкин.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати.—М.: Рус тили, 1981. —Т.I. —Б. 442

ХУЛОСА

Тил ижтимоий ҳодиса сифатида илмий, сиёсий ҳаётда ҳамда маиший турмушда пайдо бўлаётган ҳар бир янги ҳодисани ўзида акс эттириб туради.

Тил номинацияси усулларини ўрганиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, фақат тўғри аташ йўли билан моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларни ифодалаб бўлмайди. Бу усул тилдаги сўз захирасининг доимий равишда ортиб боришига олиб келади. Турган гапки, бу ҳолат муомала —муносабатни осонлаштириш ўрнига баттар чигаллаштиради.

Шу нуқтаи назардан нарса ва ҳодисаларни аташда иккиламчи номинациядан фойдаланиш коммуникация актини осонлаштиради.

Иккиламчи номинациянинг келиб чиқиши социал —психологик факторларга, хусусан, коммуникация эҳтиёжларига, эмоционал —экспрессивлик ҳолатларига чамбарчас боғлиқдир.

Иккиламчи номинациянинг ўзига хос хусусиятлари, келиб чиқиши ва тилда ишлатилиши юзасидан биз қуйидагича хулосаларга келдик.

1. Иккиламчи номинация турларининг барчаси гносеологик характердаги сабаблар асосида юзага келади. Маъно кўчишда асосан предметлар ўртасидаги ўхшашлик (метафора) ва нарса — ҳодисаларнинг бир — бирига алоқадорлиги (метонимия) усуллари устувор саналади.

Қайсидир лексик бирликдан иккиламчи номинация мақсадларида фойдаланиш унинг сигнификатини кенгайтириш ҳисобига амалга оширилади. Бу эса тил феномени сифатида тушунчага тенг келади.

Иккиламчи номинацияни келиб чиқишига кўра уч турга ажратиш мумкин:

а) «Қонуний» равишда ном кўчиш. Тўғри маъноли иккиламчи номинация мақсадлари учун кенг асос вазифасини ўтай оладиган лексик бирликларга хос бўлган маъно кўчишни бунга мисол қилиб олса бўлади.

Қайсидир лексик бирликларни иккиламчи номинация мақсадларида

ишлатилишидаги имконият ва самара улардаги тўғри маънонинг семантик ҳажми билан белгиланади. Тўғри маъно билан реал борлиқдаги предметлар қанчалик кўп ифодаланса, уларни кўчма маънода ишлатиш имкониятлари шунчалик ортади. Лексик бирликнинг семантик структураси қонуний йўл билан ривожланиб боради.

б) окказионал усул билан иккиламчи номинацияни ҳосил қилиш усули иккинчи гуруҳга киради. Шунинг ҳисобга олиш лозимки, барча кўчма маънолар маълум даражада окказионал характерга эга бўлади. Жумладан, бунда иккиламчи номинация учун асос бўлган жараёнларнинг ўхшашлигини ҳисобга олиш зарур. Ҳар бир конкрет ҳолатда иккиламчи номинацияни мунтазам равишда юзага келтирувчи шарт — шароитларнинг зарурийлиги ҳам эсдан чиқмаслиги лозим.

Пайдо бўлиши, шунингдек чегараланган матнлардаги аниқ ҳолларда яширин келиши, қўлланилишидаги вақтинчалик, маълум бир маънонинг ўнта доимий равишда бириктирилмаганлиги асосида субъектив сабабларнинг осонгина аниқланиши окказионализмларнинг асосий хусусияти саналади.

в) Иккиламчи номинация ҳақида гап кетганда, бу усулдан муаллифнинг қандай мақсадларда фойдаланганлигини ҳам унутмаслик даркор, чунки муаллиф ўзининг ҳис — туйғуларини эмоционал томондан тўла намоён қилиш учун кўчма маънодан ижодий фойдаланган бўлиши мумкин.

Иккиламчи номинация сийқаси чиққан, оддий тавсифдан бизни қутқаради. Унинг турларидан бири саналган метафора эса бир —биридан узоқ, бир —бирига боғланмаган ҳодисаларни яқинлаштиради.

Контекстда сўз учун одатий бўлмаган тўғри маънони қўллаш унга янгича маъно ифодасини беради ҳамда ассоциатив боғланишларнинг комплексини вужудга келтиради.

Иккиламчи номинацияни қўллаш муаллифдан интеллектуал

қобилиятни талаб қилади. Бунда оригинал, кўрилмаган янги маъно яратилиши лозим. Метафорада лексик бирликнинг тўғри маъносидан қанча қочилса, унда «интеллектуал қудрат» шунча ўз аксин топган бўлади.

Бадий асарларда иккиламчи номинациянинг қўлланилишин лексик бирликлардаги маъно кўчирилишидаги субъективлик ёки тасодифий ажратилишларга асосланган ҳолда муаллифнинг камчилиги сифатида эътироф этмаслик лозим. Бундай ҳолларда ҳам кўчма маъно ассоциатив қонунлар доирасида амалга оширилади. Бадий ғоялардаги маъно кўчирилиши барча кўринишларда номинациянинг «одатдаги» талабларига жавоб беради: солиштирилаётган объектлар ўртасидаги ўхшашлик, улардаги параллел белгилар ичидан кўчма маънода ишлатилган белгини ажрата билиш ҳисобга олинади. Юқоридагиларга эътибор берилмаган ҳолларда муаллиф томонидан иккиламчи номинация борасида қўйилган мақсадга эришилмайди.

2. Кўп маънолилиқнинг тилда кенг ишлатилишига қарамасда луғат жамғармаси ўзининг барқарорлигини сақлайди. Тўғри ва амалда қўлланилаётган кўчма маъно ўртасидаги семантик алоқа барқарорлиқнинг гарови саналади.

3. Иккиламчи номинациянинг барча турлари тилнинг асоси вазифасини бажаришга хосланган ўзига хос лингвистик воситалардир. Улар ёрдамида реал борлиқдаги нарс ва ҳодисалар тилда ўз аксини топади.

Иккиламчи номинациянинг тилнинг қонуний ҳодисаларда бири эканлигини исботловчи далиллардан бири шундаки, улар ёрдамида тилнинг ифода имкониятларини тежаш мумкин бўлади. Бу эса тилнинг турли сатҳларида у ёки бу шаклда юз берадиган инсоннинг психофизиологик ўзига хосликларига бориб тақалади.

Инсон тафаккурининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у бир —бирини тўлдирувчи тушунчаларнинг кенгайиши эвазига атроф —

оламдаги нарсалар ҳақидаги билимларни доимий равишда чуқурлаштириб боради. Бунда биринчи галда реал объектлар ўртасидаги алоқалар қайта гавдаланади ва янги тушунча сифатида юзага келади. Сўздаги семантик эластиклик туфайли тилда азалдан мавжуд бўлган birlikлар янги тушунчанинг материали сифатида олинади. Бу борада моддий объектларнинг янги ва эски ўхшаш белгилари ўртасида муносабатнинг йўқлиги ягона тўсиқ бўлиши мумкин. Тилнинг номинатив функцияси ва тилнинг тежамкорлик тамойилига мос равишда тушунчаларнинг бир — бирига ўтиш имконияти маъно кўчишни таъминлайди.

4. Иккиламчи номинация тилнинг тасвирий имкониятларини кенгайтиради. Барча замонавий тилларда узоқ давом этиб келаётган адабий анъаналарга мувофиқ ҳолда иккиламчи номинациянинг кенг қўламда ишлатилганлигини кўришимиз мумкин. Ундан ифодалилиқни кучайтириш ҳамда услубий ранг — баранглиқни кўрсатиш мақсадида моҳирона фойдаланиш у ёки бу тилнинг бойлигидан далолат беради. Иккиламчи номинация муаллифнинг энг нозик ҳис — туйғуларини ҳам тўлиқ ва эмоционал тарзда ифодалай олади. Тафаккур (жумладан поэтик) тимсолий — концептуал ва динамик характерга эга. Шунга асосланган ҳолда муаллиф томонидан иккиламчи номинацияни қўллаш орқали фикрлаш жараёнининг маълум бир босқичлари юзага чиқади дейиш мумкин.

5. Иккиламчи номинация универсал тил қонунларига бўйсунувчи бир қатор белгиларга эга. Тил ўз шаклланишининг маълум бир чегарасига етгач, тил қурилишини тубдан ўзгартириб юбормайдиган турли хил усуллардан фойдаланиш ҳисобига такомиллашиб боради.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, барча маъно кўчиш усулларининг моҳияти инсон тафаккурининг моддий борлиқдаги турли объектлар ўртасидаги ўхшашликларни топишига ва уларни битта тил шакли остида бирлаштиришга асосланади. Айтмоқчи, бу объектларнинг маълум бир

қисми ташқи кўринишига кўра бир — биридан жуда узоқ бўлади.

Тилдаги тасодифий ҳодисалардан фарқли равишда маъно кўчиш қонуниятлари, шунингдек, иккиламчи номинация қайси тилда гапириши, ўзига хос хусусиятлари, тараққиёт даражасидан қатъий назар дунё тилларининг барчасида мавжуд.

Иккиламчи номинация тил феномени сифатида инсон тафаккурининг универсал қонунларига бўйсунди.

Иккиламчи номинацияни амалдаги тил қонуниятларига қарши қўйиб бўлмайди. У тил тизимининг ички қонун — қоидаларига кўра пайдо бўлади ва шу тил соҳиблари томонидан амалиётда кенг қўлланилади.

6. Иккиламчи номинация кейинги босқич номлар ҳосил бўлиши учун ҳам асос бўла олади. Умумий қонуниятлар иккиламчи номинациядан фарқ қилмаган ҳолда, учламчи номинация маъноси бирламчи номларникидан тубдан фарқ қилувчи ҳосилалар бера олиши билан характерланади. Учламчи номинация номлашнинг кейинги босқичи — тўртламчи, бешламчи ва ҳоказо номинациялар учун асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. — Т.: Фан, 1983. —88 б.
2. Абдурахмонов Ш.А. Ўзбек бадиий нутқида кулги қўзғотувчи лисоний воситалар: Филол.фанлари номзоди.. дис. автореф. — Т., 1997.- 25 б.
3. Авеличев А.К. Метафора и контекст. //Вест.Моск. Унта.Сер. 10. Филология.—1974.—№3. —С.30 —40.
4. Авеличев А.К. Заметки о метафоре. //Вест.Моск. Ун —та.Сер. 10. Филология. — 1973. — №1. —С.25 —28
5. Алиқулов Т. Маъноларнинг синекдоха йўли билан фарқланиши //Ўзбек тили ва адабиёти —1993. №2 —Б. 62 — 64. Яна маъно қўчиш усуллари ҳақида //ЎТА, 1974, №1.
6. Апресян Ю.Д. Идеи и методы современной и структурной лингвистики. — М.: Просвещение, 1966. —302 с.
7. Аристотель. Поэтика. —Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. 150 — б.
8. Арутюнова Н.Д. Языковая метафора (синт.и лексика). //Лингвистика поэтика. — М., 1979. —С. 170 — 171.
9. Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс //Теория метафоры. — М. 1990. — С.35 —36
10. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. — М.: Сов.энцикл, 1966. —306 с.
11. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка.-М.: Иностр.лит. 1955-394 с
12. Балясников А.Б. К вопросу о специфике образных номинации., //Самарк.Ун-та.-1975.-Вып. 288.-С. 303-308
13. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Т.3. Суфизм и суфийская литература. //М.:Наука, 1965.525-с.
14. Бикертон Д. Введение в лингвистическую теорию метафоры

//Теория метафоры.-М., 1990.-С. 284-306

15. Бирдели М. Метафорическое оплетение //Теория метафоры. — М., 1990.— С.208 —209.

16. Блумфильд Л. Язык.-М., 1968.

17. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш: Филология фанлари доктори... дис. автореф.-Т. 1997.

18. Большая медицинская энциклопедия Т.33.-М.: Сов.энциклопедия, 1936. 1248 с.

19. Брадская Б.А. Метафорические связи слов в словарном гнезде //Актуальные проблемы русского словообразования: Матер. Респ. науч. конф. - Самарканд, 1972.-С. 276-287.

20. Будагов Р.А. Метафора и сравнение в контексте художественного целого //Рус.реч.-1973.-№1.-С.26-31.

21.Будагов Р.А, Человек и его язык. М: МГУ, 1976.-262 с.

22. Будагов Р.А. Что такое развития и совершенствование языка- М.: Наука 1977.-264 с.

23. Введение в философию. 41.-М.: Полит.изд., 1989.367 с.

24. Вежбицкая А. Сравнение-градация-метафора //Теория метафоры. - М., 1990.-С. 133-152.

25. Винер Н. Я-математик.-М.: Наука, 1967.-287 с.

26. Виноградов В.В. Русский язык.-М.:Наука, 1972.-297 с.

27. Виноградов В.В.Поэтика русской литературы.-М.: Наука,1976.-511 с.

28. Выготский Л.С. Мышление и речь-М-Л.: ОГИЗ, 1934.-324 с.

29. Гак В.Г. Типология лингвистических номинаций //Языковая номинация-М., 1977.-С.230-293.

30. Гарипова Н.Д. К лингвистической характеристике глагольных метафор в современном русском языке //Вопросы теории и методики русского языка: Тр. XI зон.науч.конф.кафедры рус.яз.вузов Ср.и Нижн.

Поволжья. (15-18 мая 1967). / Отв.ред. Печников А.А.-Ульяновск, 1969.-С. 305-313.

31. Гегель. Наука логики. I.2.-М.: Мысль, 1971.,-248 с.

32. Гегель. Система наук. Феноменология духа. //Соч. -М.,1959,- Т.IV.С- 65-66.

33. Гонди Л. Проблемы семантики.-М.: Наука, 1975.-219 с.

34. Гумбольдт В. О различие строения человеческих языков и его влияние на духовное развития человеческого рода (извлечения) //Звегинцев В.А. История языкознания XIX-XX веков в очерках и извлечениях. 4.1.-М., 1964.-С.65-68.

35. Гумбольдт В.О сравнительном изучении языков применительно к различным эпохам их развития //Звегинцев В.А. История языкознания XIX- XX веков в очерках и извлечениях. Ч.1.-М, 1964.-С.69-73.

36. Гюлюмянц К.М. Образное употребление названий животных в сравнениях и метафорах //Труды СамГУ. Вопр.фразеологии. IV.- Самарканд, 1971. Вып. 217. -С. 109-119

37. Добжинская Т. Метафорическое высказывание в прямой и косвенной речи. //Теория метафоры.-М., 1990.-С. 512-513

38. Ефремов Л.П. Специфика и роль метонимического переноса наименования. //Респ.конф.по вопрос. языкознания-М., 1978.-№1-С.13-15

39. Жуков В.П. Роль образности (метафоричности) в формировании целостного значения фразеологизма - //Проблемы фразеологии и задачи ее изучения в высшей и средней школе: Докл.конф. /Ред.Попов Р.Н.-Вологда, М.,1967,-С.103-112.

40. Журавлев А.П. Звук и смысл.-М.: Просвещение, 1991.-157 с.

41. Звегинцев В.А.Семасиология. - М.Моск.ун-т,, 1957.-322 с.

42. Исаченко А.В. Бинарность, привативные оппозиции и грамматическое значение //Вопросы языкознания. - 1963. - №2.- С.39-56

43. Колшанский Г.В. Соотношение субъективных и объективных факторов в языке- М.: Высш.и сред, образован. 1975.-228 с.
44. Колшанский Г.В. Лингво-гносеологические основы языковой номинации //Языковая номинация (общие вопросы) - М., 1979. -С.
45. Корольков В.П. Семасиологическая структура метафоры. -М Москв. Гос.пед.ин-та ин.яз., 1968.232 с.
46. Косериу Э. Сила метафоры. //Теория метафоры. М., 1990.-С.33-43
47. Коськов Н.И. Конвенции и метафоры в языке науки //Вест.Моск.ун- та.Сер.7.Философия.-1991.-№6.-С.20-31.
48. Которова Е.Г. Переносные значения и динамика их развития в тексте //Сопоставительное изучение семантической динамики.-М. 1986 - С.133-138.
49. Крушевский Н.В. Очерк науки о языке.-Казань: Б.И., 1833.-152 с.
50. Крылова И.А. Некоторые аспекты лингвистического изучения метафоры. //Уч.зап. Горьк.ун-та. Горький, 1967. С.98-108.
51. Крылова И. А. О семантической природе метафоры. //Уч.зап.Горьк.ун-та.-1967.-Т.76.-С. 108-118.
- 52.Кубрякова Е.С. Производное слово как особая единица системы языка //Теория языка. Англистика. Кельтология.-М., 1976.-С.76-84.
53. Кутыбаева А.Д. Грамматический аспект метафорических тропов //Вест.Каракалпак. Ан. УзССР.-1985.-№4.-С.74-81.
- 54.Левин Ю.И. Структура русской метафоры //Тр.по знаковым системам.Тарт.Гос.ун-т.-Тарту, 1965.-Вып.181.-С. 293-299.
- 55.Лысенко В.С. Опыт компонентного анализа тематического ряда //Основы компонентного анализа.-М., 1969 -С. 19-21.
56. Кормак М. Когнитивная теория метафоры //Теория метафоры.- М. 1990.- С.373.
- 57.Мальченко А.А. Порождающая модель У.Л.Чейфа и метафора

//Вопросы лингвистической семантики.-Тула, 1978.-Вып.2.-С.26-33

58. Мамадалиев А.К. К вопросу о выражении персонификации в активной структуре предложения.: Автореф.дис.канд.фил.наук.-М., 1982.-17 с.

59. Мамадалиева М.А. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекта: Филол.фанлари.номзоди...дис.афтореф. — Т. 1998.-30 б.

60. Мамажонов А., Махмудов У. Услубий воситалар. — Фарғона: Нашриётсиз 1996, — 48 б.

61. Мамажонов А. Стилистические особенности сложных предложений современного узбекского литературного языка. Автореф.дис...д.ра..фил.наук.-Т.,1991, -60 с.

62. Махмудов Н, Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. — Т.: Ўқитувчи, 1995.— 232 б.

63. Мельничук А.С. Понятие системы и структуры языка в свете диалектического материализма //Вопросы языкознания.-1970.-№1-С.70-74

64. Менглиев Б.Г. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусиятлари ва синтактик имкониятлари: Филол.фанлари. номзоди... дис. афтореф. — Т.1996. — 24 б.

65. Мендельс Е.И. Грамматическая метафора //Фил.науки. 1972. №3. С- 48-57.

66. Миллер Д. Образы и модели, уподобления и метафоры //Теория метафоры.-М., 1990.-С. 223-225-281.

67. Миронова А.С. Сущность и функции метафоры //Функционирование языковых единиц в контексте.- Воронеж. 1978.-С.41-46

68. Миртожиев М. Переносные значения и их манифестация в узбекском языке.: Автореф.дис.. д-ра.филол.наук.-Т., 1989.-47 с.

69. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. — Т.:Фанг 1975.140 - б.

70.Миртожиев М. Лингвистик метафоралар таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти. — 1973; №4 Б. 33 — 37

71.Миртожиев М. Эллипсислар ва кўчма маъно //Ўзбек тили ва адабиёти. —1971. № 3. 43 б.

72. Мукаррамов М.Ўзбек тилида ўхшатиш. — Т.: Фан 1976. —88 б.

73. Мўминов С.М. Роль мотивации в окказионально— речевых номинациях: Автореф.дис.канд.фил.наук. — 1990. 23 с.

74. А.Навоий. Лисон —ут —таир. — Т.: Адабиёт ва санъат. 1991. 484-б.

75. Нарзиева Н. Қон — қариндошлик номларининг компонент таҳлили //Ўзбек тили ва адабиёти. — 1986: №5. —Б —47.

76. Насафи Азиз Ад-Дин Зубдат ал хаккаин //Суфизм в контексте мусульманской культуры.-М., 1989,- С-41-57

77. Неъматов Г.М. Включенное третье в морфологической системе тюркских языков (К постановке вопроса) //Сов.тюркология.- 1976.№3.-С 31- 38.

78. Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. — Т.: Ўқитувчи, 1995. 128 б.

79. Нурмонов А. Гап ҳақида синтактик назариялар. — Т.:АТДПИ, 1983. -100 б.

80. Ортеге-и Гассет. Две великие метафоры //Теория метафоры.-М., 1990.-С-70-74.

81. Пауль Г. Принципы истории языка. М., 1960.

82. Петрова И. О лингвистическом определении метафорического значения //Уч.зап.Горьк.пед.ин.та.-1971.-Вып.128. -С-7-10.

83. Пешковский А.Ш. Объективная и нормативная точка зрения на язык //Русский язык в школе, 1923. Вып. 1.-С

84. Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Т.1-2.Т.1-М.:Учпедгиз, 1953. -536 с.

85. Пражский лингвистический кружок.-М.; 1967,-
86. Психолингвистические проблемы фонетики и лексики,-
Калинин : Б.И., 1989.158 с.
87. Раньков Л.Н. Типы метафорических словосочетаний в языке художественной литературы //Рус.яз.в.шк.-1975.-№1.-С.63-67.
88. Расулов Р., Нарзиева М. Лексикологияни ўрганиш.Т.: Ўқитувчи, 1992. —23 б
89. Раҳматуллаев Ш, Юнусов Р. Семемаларнинг семалар состави ва семантик боғланиш ҳақида //Ўзбек тили ва адабиёти,- 1974.-№1.Б.51-53.
90. Раҳматуллаев Ш. Лексема ва фразема маъносини компонент тахлилининг баъзи натижалари //Ўзбек тили ва адабиёти.-1986. №3.Б. 16-25.
91. А.Ричардс.Философия риторики //Теория метафоры.-М.,1990. С.44- 67
92. Салоев Р. Ўзбек тилида исми фойиллар: Филол. фанлари. номзоди...дис.автореф. — Самарқанд, 1994. —22 б.
93. Серль Д.Ж. Метафора //Теория метафоры.-М., 1990. -С.311.
94. Склярская Г.Н. Языковая метафора в словаре. Опыт системного описания //Вопросы языкознания.-1987.-№2. -С.58-66.
95. Смирнова Н.С. К вопросу о метафорическом употреблении слов. //Язык художественных произведений.-Омск, 1966,- С-134-158.
96. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование.-М.: Наука, 1971. 191 с.
97. Соссюр.Ф.де Курс общей лингвистики.-М.: Прогресс, 1977. 696 с.
98. Суперанская А.В. Общая теория имени собственного.-М: Наука, 1973. С.-236.
99. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания.-М.: Просвещение, 1975.271 с.

100. Степанов Ю.С. Номинация, семантика, семиология //Языковая номинация.-М., 1977.-С.294-357.
101. Тарасова В.К. Метафора качества и метафора отношения. //Теория и методы семасиологических исследований.-Л, 1979. -С- 86-97.
102. Тахтаджян АЛ. Тектология: История и проблемы //Системные исследования. Ежегодник.-М., 1972. -С-200-277
103. Телия В.Н. Типы языковых значений.-М.: Наука, 1981. -269 с.
104. Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц.-М.: Наука, 1986. 141с.
105. Телия В.Н. Вторичная номинация и ее виды //Языковая номинация, виды наименований.-М., 1977. -С-193.
106. Томашевский Б.В. Краткий курс поэтики.-М.-Л.; 1931.
107. Тоҳиров З. Метафора лексема-семемасининг прагматик семаси //Ўзбек тили ва адабиёти.-1983. №1. -Б.74-77.
108. Тоҳиров З. Метафора семемаси прагматик семаси //Ўзбек тили ва адабиёти.-1984. №4. -Б-62-67.
109. Турсунов У, Мухторов Ж, Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т.: Ўзбекистон, 1992. 399 — б.
110. Уилрайт Ф. Метафора и реальность //Теория метафоры. М.,1990. С-83-90.
111. Ульянов Н.П. Типология фитонимической метафоры. //Сопоставительное изучение семантической динамики.-М.,1986. С-93-104.
112. Умуркулов Б. Поэтик метафора ва унинг шеърӣй нутқдаги ўрни //Ўзбек тили ва адабиёти.— 1980. —№6. Б.35 —40.
113. Усмонов С.Метафора //Ўзбек тили ва адабиёти.-1964. №4. Б-34-38.
115. Уфимцева А.А. Слово в лексико-семантической системе языка.- М.: наука,1968.-272 с.
116. Уфимцева А.А. Типы словесных знаков.-М.: наука,1974-206 с.

117. Уфимцева А.А. Лексическая номинация (первичная нейтральная) //Языковая номинация (Виды наименований) - М., 1977.-С.5-86.

118. Филинтинский И.М. Концепция единства религиозного опыта у арабских суфиев //Суфизм в контексте мусульманской культуры.-М., 1989,- С.31-32.

119. Философский энциклопедический словарь.-М., Сов. энцикл.,1989,- 814с.

120. Шамсуддинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал — семантик синонимлари. Филол.фанлари доктори...дис.авторес1 — Т.1999.

121. Хайруллаев М.М. Мировоззрение Фараби и его значение в истории и философии.-Т.: Фан, 1967.-355с.

122. Хлебникова И.Б. Оппозиции в морфологии.- М.: Наука, 1969.-1

123. Хўжаев Д. Ўзбек тилида эпитет: Филол. фанлари. номзоди дис.автореф. — Т, 1996,— 25 б.

124. Шамсиддинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал - семантик синонимлари. ДДА—Т, 1999. — Б —3.

125. Шамсиддинов Ҳ. Номлашда айримлик, хусусийлик ва умумийлик диалектикаси. // Тилшунослик ва адабиётшунослик масалалари, Андижон, 2002. — Б — 35 — 36.

126. Шахабитдинова Ш.Х. Умумийлик ва хусусийлик диалектикаси ҳамда унинг ўзбек тили морфологиясида этиши: Филол. фанлари. д.ри...дис.автореф. — Т., 2001. 50 — б

127. Швырев В.С. Об отношении теоретического эмпирического уровней научного значения //Методологические проблема современной науки. -М., 1970. С-272-274.

128. Шмелёв Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка -М. 1964,-

129. Шоабдурахмонов Ш.ва бошқалар. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили.—Т.: Ўқитувчи, 1980. —320 б.

130. Шукуров И. Перенос значения слов в современном узбекском языке: Автореф. дис.. канд. фил. наук.-Т., 1978.-21 с.
131. Шухардт Т. Избранные статьи по языкознанию -М.: 1950
132. Якобсон Р. Два аспекта языка и два типа афатических нарушений//Теория метафоры.-М., 1990: С-110-132.
133. Ўзбек тилининг изоҳли луғати Т.1.М.: Русский язык, 1981,631б
134. Ўзбек тили лексикологияси.-Т.: Фан, 1981.-313 б.
135. Ўзбек тили стилистикаси.-Т: Ўқитувчи, 1983, -248 б.
136. Қобулжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини. НДА —Т. 2000.
137. Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги.— Т: Фан, 1977. -167 б.
138. Гиёсов С. Ўзбек тилида субъектив баҳо сифатларининг семик таҳлили //Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. №2.—Б —28 —32.
139. Coseriu E. Die Lage in der Linguistik.-Insduck, 1973-173 s
140. Ertel. Psychophonetic. Untersuchungen uber Lautsymbolik und Motivation. — Cottingen, 1969 — P. 146 — 147
141. Ingendahl W. Der Metaphorische Prozess. Dwsseldorf, 1971, 25 s.
142. Koller W. Semiotic und Metapher. - Stuttgart, 1975. 6 s.
143. New English-Russian Dictionary-M., 1972-P.82.
144. Orr J. On some sound values in English // The British Journal of Psychology, 1944 —Vol.35, Part 1. —P.1—8
145. Studies in functional logical semiotics of natural Language. The-Hauge-Paris, 1973, -144. p.
146. Russisch-Deutsches Worterbuch-Leipsig, 1951.-172 s.
147. Sperber H. Einfuhrung in die Bedeutungslehre. Bonn, 1923.-213 s.
148. Trier I. Der deutsche Wortschatrim sinnbezirk des Yerstandes. Heidelberg, 1931, 5-s.

МУНДАРИЖА

Кириш: Ўзбек тилшунослигида номинация муаммоси.....4-5

I Боб. Номинация ва гносеология

- 1-Тилнинг аташ ва гносеологик вазифаларидаги ўзаро
муносабатлар.....6-10**
- 2-Тўғри номларнинг хусусиятлари.....11-38**

II Боб. Номинациянинг кейинги босқичлари

- 1- Тилшунослик фанида иккиламчи номинация
муаммолари.....39-80**
- 2- Янги тушунчаларнинг ифодалаш усуллари.....81-83**
- 3- Иккиламчи номнинг турлари.....85-94**
- 4- Кўп маъноли сўз маъносининг шаклланишига тил
системасининг таъсири.....95-100**
- 5- Учламчи номинация.....101-113**
- Хулоса.....114-118**
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....119-129**